


ТОДЖИХОДЖАЕВ МУСО



**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ
ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАҲОН ТИЛЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

ТОДЖИХОДЖАЕВ МУСО МУЙДИНБАЕВИЧ

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ
ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ

МОНОГРАФИЯ

УЎК: 821.512.133-9

КБК: 84 (5Ў36)7

T-67

Ушбу монографияда Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб ва Ҳўжаназар Ҳувайдо каби буюк ўзбек аллома ва мумтоз шоирлари ижодининг хорижий мамлакатларда ўрганилиши ҳамда асарларининг немис, инглиз, шунингдек, француз тилларига таржималарига оид маълумотлар жамланган. Венгер шарқшуноси Ҳерманн Вамберидан кейин Европада Навоий ҳаёти ва ижодини жиддий ўрганган, жаҳон адабиётини Машраб ва Ҳувайдо шеърини билан бойитган Берлин Қироллик университети шарқшунослик кафедраси мудири, немис шарқшуноси – филология фанлари доктори, профессор Мартин Хартманн ўзбек тили ва адабиёти дарслиги яратишни ҳам уддалаган кишидир. Хартманн тилимиз ва адабиётимиз даргаларига ҳолисона баҳо бергани билан қадрланади.

Монография филологлар, тарихчилар, олий ўқув юртлари ижтимоий гуманитар йўналишлари талабалари ва магистрлари, таржима назарияси ва амалиёти, адабий алоқалар билан кизикувчи мутахассислар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Ҳамиджон Ҳомидий

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Содиқов Зоҳиджон

филология фанлари доктори (DSc), доцент

Мўминжон Сулаймонов

филология фанлари номзоди, доцент

84 (5Ў36)7

Тожиходжаев, Мусо

Ўзбек мумтоз адабиётининг хорижий тадқиқотчилари / Мусо Тоджиходжаев; масъул муҳаррир: Ҳ.Ҳомидий. – Наманган, 2023. – 108 б.

Монография Наманган давлат университети илмий-техник Кенгашининг 2023 йил 10 январьда бўлиб ўтган йиғилишида нашрга тавсия этилган (Баённома № 1)

ISBN: 978-9943-9173-6-1

© “ARJUMAND MEDIA”



*Ушбу мўъжаз тадқиқотимизни азиз
Волидамиз Зоҳидаҳон ҳожи онанинг
порлоқ хотирасига бағишлайман*

KIRISH

Жаҳон сўз санъатида кўҳна Шарқ адабиётининг йирик бир қисми бўлган ўзбек мумтоз адабиёти ўзига хос ва такрорланмас саҳифани ташкил этади. Мумтоз сўз санъаткорларимиз ижодини ўрганиш халқаро миқёсда тобора ортиши ва асарларининг турли тилларга таржималари кучайиб бормоқда. Европа аҳли учун «сеҳрли, эртакнамо ва жозибадор Шарқ мотивлари»ни ижодий ўзлаштириш, кунчиқар юрт алломалари ўғитлари ва ҳикматларини ўрганиш орқали давлатни, шунингдек жамиятни оқилона бошқаришни ташкил қилиш эҳтиёжи, ўз она тилларини шарқона лутф билан бойитиш зарурати нечоғли муҳим бўлса, биз учун кунботар мамлакатларида мумтоз ижодкорларимизнинг маънавий-ахлоқий меросини қай тарзда талқин этилаётганини изчил кузатиб бориш учун Ғарб адабий жараёни билан узвий алоқада бўлиш зарурати мавжуд. Шу нуктаи назардан қараганда, жаҳон олимлари ва таржимонларининг буюк бобокалонларимиз ҳақидаги эътирофлари ҳамда, таржималари биз учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Дунё адабиётшунослигида Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб ва Хўжаназар Хувайдолар ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятини тадқиқ этиш, шунингдек, хориж университетларида ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш борасида Германия, АҚШ, Франция, Россия, Туркия олимлари томонидан кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Бундай тадқиқот ва таржималарнинг доимий яратилиши айни пайтда, жаҳон халқлари, хусусан, немис халқи билан Марказий Осиё, жумладан, ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорликнинг ёрқин ифодасидир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, немис шарқшуноси Мартин Хартманнинг ўзбек мумтоз

адабиёти бўйича яратган таржима асарлари тенгсиз кадр-қимматга эга.

Мамлакатимизда ўзбек мумтоз адабиёти вакилларининг Ғарб шарқшунослари, жумладан, немис олим ва мутаржимлари томонидан ўрганилишига долзарб мавзу сифатида ёндашилмоқда. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон фармонида ҳам белгиланган.¹

Алишер Навоий асарлари шоир вафотидан 56 йил ўтгач, Европа тилларига таржима қилиниб, шоир жаҳон адабиётининг атокли адиблари қаторидан ўрин олган бўлса, Бобораҳим Машраб асарлари XIX асрнинг ўрталарида, Хўжаназар Ҳувайдо шеърлари эса XX аср бошларида немис тилига ўгирилди. Ҳерманн Вамбери томонидан 1867 йил Навоийнинг дoston ва ғазаллари бевосита ўзбек тилидан немис тилига ўгирилгани замонавий навоийшуносликни бошлаб берган бўлса, орадан 35 йил ўтгач, профессор Мартин Хартманн шоир асарларини аслиятдан немис тилига ўгирди. Унинг 1902 йил Берлинда чоп эттирган «Чигатой тили» дарслиги Европада Навоий асарларини аслиятда ўқиб-ўрганишга мўлжаллангани билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, илмий-педагогик фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон фармони // «Халқ сўзи», 30.10. 2020.

хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига ушбу монография муайян даражада хизмат қилади.

Бугунги кунга қадар Фарб ва Шарқ адабий алоқалари ва таржимашунослик муаммолари бўйича Ўзбекистонда бир қатор тадқиқотлар олиб борилди. Бу соҳада Ф.Сулаймонова, Н.Комилов, Н.Отажонов, М.Холбеков, Ў.Нурматов, Қ.Сидиков, С.Исматов, Д.Ибрагимова, Ш.Сирожиiddинов, Г.Рахимов, О. Давлатов З.Тешабоева, Д.Ҳошимова, Г.Халлиева, Қ.Қахаров, З.Содиқов¹ каби кўплаб ўзбек олимлари муваффақиятли фаолият олиб бормоқдалар. Айниқса, Навоий асарларининг хорижий тилларга таржималари таҳлилига оид бир неча тадқиқотлар яратилган. Жумладан, С.Олимов номзодлик монографиясида шоирнинг рус, тожик ва озарбайжон тилларига ўтирилган асарларини қиёсий таҳлил қилиш билан Шарқ мумтоз адабиётидаги бадий санъатларнинг таржимада қайта яратилиши ва табдил қилиниши масалаларини тадқиқ этди. Шунингдек, С.Иванов, А.Клименко, К.Жўраев,

А.Ҳайитметов, Г.Ғафурова, Ғ.Саломов, М.Муродов² каби адабиётшунос олимлар Навоий асарлари таржималари бўйича

¹ Сулейманова Ф. Из истории взаимоотношений литератур Востока и Запада // Древний период // Автореф. дис. ...док. филол. наук в форме научного доклада. – Ташкент, 1991. – С.24; Комилов Н. Бу қадимий санъат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б.211; Отажонов Н. «Фобурнома» ҳақон адабий жараёнида: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 1994. – Б. 220; Холбеков М. Ўзбекско-французские литературные связи / в аспекте перевода, критики и восприятия: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Самарқанд, 1991. – С.23; Холбеков М. Ўзбекско-французские литературные связи / в аспекте перевода, критики и восприятия / Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Самарқанд, 1991. – С. 23; Нурматов У. Трагедия Шиллера на узбекском языке: Дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – Б.124; Сидиков К. «Қутадғу билиг» асарининг инглизча бадий таржима хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2010. – 130 б; Исматов С. Француз халқ эпоси матнлари лингвоэстетик тадқиқи: Филол. фан. номз. ...дисс. – Навоий, 2010. – 136 б; Ибрагимова Д. Песнь о Хилдебранде и её восточные и европейские параллели. (Проблемы структуры текста и сравнительного анализа): Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – С. 211; Сирожиiddинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – 238 б; Рахимов Г. Таржима назарияси ва амалиёти. – Тошкент: ЎзМУ нашриёти, 2016. – Б. 289; Давлатов О. Алишер Навоий шеърятинда Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадий талқини: Филол. фан. бўйича фалс. д-ри. (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2017. – Б. 46; Тешабоева З. «Фобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг мўллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. д-ри. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 48 б; Халлиева Д. «Фобурнома» матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... (DSc) дисс. – Тошкент, 2018. – 52 б; Халлиева Г. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи: Филол. фан. д-ри. (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 70 б; Қахаров Қ. Ўзбек ва немис нутқий этикетларининг қиёсий тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалс. д-ри. (PhD) дисс. автореф. – Анджион, 2020. – 48 б; Садиқов З. Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарининг инглиз тилига таржималарининг қиёсий – типологик таҳлили: Филол. фан. д-ри. (DSc) дисс... автореф. – Тошкент, 2020. – 79; Олимов С. Проблемы воссоздания и трансформации поэтических фигур в переводе произведений Алишера Навои: Автореф. дисс... канд.филол. наук. – Ташкент, 1985. – 23 с.

² Иванов С. В красе нетленной предстаёт. – Москва: Наука, 1977. – С. 51-39; Клименко А.А. К вопросу: об украинско – узбекских литературных связях. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967. – С. 23; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Ўз. ССР ФА нашриёти, 1961. – Б. 295; Джураев К.

тадқиқот ишлари олиб бордилар. Бироқ уларнинг ишлари шоир асарларининг муайян тиллардаги таржималари таҳлилига бағишланган. С.Ёкубов номзодлик ишида Навоий асарларининг Германияда ўрганилишига оид муаммолар билан шуғулланган бўлса, Ў.Сотимов Фарбий Европа шарқшуносларининг Навоий шахси ва ижодий фаолиятига муносабатини кузатган. А.Абдуллажонов Навоий меросининг Германияга кириб бориши тарихи, шунингдек, «Фарҳод ва Ширин» достонининг А.Курелла томонидан билвосита ўғирмалари мисолида анъанавий муаммолар – таржима ва адабий жанр, шакл ва мазмун бирлиги масалаларига тўхталган. Р.Абдуллаева эса Навоий меросининг Европада ўрганилишига доир бир қатор мақолалар ёзган. Лекин бу ишларда Мартин Хартманнинг Москва Тарих музейи қадимий китоблар коллекциясидаги М.Скобелев қўлёзмалар коллекцияси ҳақидаги, Навоий ҳаёти ва ижодига оид тадқиқотлари, шоир асарларидан қилинган таржималар таҳлили қамраб олинмаган. Бобораҳим Машраб ва Хўжаназар Хувайдо каби мумтоз шоирларимиз асарларининг Фарбий Европада, хусусан, олмонзабон мамлакатларда ўрганилиш масаласи махсус тадқиқотлар мавзуси бўлмаган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили ва адабиёти намуналарининг Европада тадқиқ ва тарғиб қилиниши, Алишер Навоий ва Бобораҳим Машраб каби мутасаввиф шоирлар асарларининг Германия ва бошқа мамлакатларда қилинган таржималарининг аслиятга муқобиллик даражасини очиб бериш

Сопоставительное изучение поэтических переводов в контексте межлитературных и межфольклорных связей // на материале русских переводов «Хамсы» Алишера Навая и узбекского эпоса «Алпамыш»: Дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 220 б; Гафурова Г. Развитие перевода в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1973. – 220 б; Саломов Ф. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 190 б; Муродов М. Навоийшунослар жасорати. – Тошкент: Фан, 1972. – 260 б; Якубов С. К проблеме взаимодействия и взаимообогащения литератур на основе материалов литературных связей Узбекистана и ГДР 1960-1975гг. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – С. 23; Сотимов У. Исследования жизни и творчества Алишера Навая в западноевропейском востоковедении. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Москва, 1988, С. 50; Навоий хусусида Алфред Курелла фикрлари // Гулистон. – Тошкент, 1990. – № 7. – Б. 8-9. Абдуллажонов А. Навоий бадийиятини немисча таржималарда қайта яратиш ва таъдил қилиш: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 120 б.; Абдуллаева Р. Фарб олимлари Навоий ва Бобур ижоди ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 40-45; Германияда навоийхонлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. – № 3. – Б. 22-28.

ҳамда мумтоз адабиётимизнинг хорижий мамлакатларда сақланаётган намунаари ҳақида маълумотлар беришдан иборат.

Шу мақсадда қуйидаги вазифалар белгиланган:

- немис шарқшунос олими Мартин Хартманнинг «Чигатой тили» дарслиги ҳақидаги маълумотларни илмий истеъмолга киритиш;

- Алишер Навоий ва Бобораҳим Машраб асарларининг немисча таржималарини бадиий-услубий ва киёсий йўналишда таҳлил қилиш орқали Хартманнинг таржимонлик маҳоратини аниқлаш;

- аслият матни, таржима сифати, матн ва талқин масалаларини маълум асарлар мисолида ўрганиш учун Алишер Навоийнинг Тошкент ва Истанбул наشري девонларидаги матний фарқлар ва уларнинг таржимага таъсири муаммосини ўрганиш;

- Вамберининг «Чигатой тили дарслиги»даги Машраб ғазалининг асли а немисча таржималарини келтирган ҳолда шоирнинг янги топилган ғазалини илмий истеъмолга киритиш;

- «Девони Машраб» ва «Қиссаи Машраб» манокібларини қискартириб таржима қилиниши сабабли юзага келган хато ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларнинг баргараф қилиш йўллари очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Мартин Хартманнинг «Чигатой тили» дарслиги, дарсликдаги Алишер Навоий ғазалари, «Девони Машраб» асари асосида яратилган «Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий», «Қадамжой» каби мақолалари ва Лудмила Ханишнинг «Бизнинг исломни булғайверманг» (Хартманн ва Гольдциернинг 1880-1914 йиллардаги ёзишмалари) китоби олинган.

Тадқиқотнинг предметини немис шарқшуноси М. Хартманнинг ўзбек адабий тили ва Алишер Навоий Бобораҳим Машраб, каби мутасаввиф шоирлар ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятига оид тадқиқотлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Шарқ мумтоз адабиётининг жаҳон музейларида мавжулиги ва бугунги ҳолати, Навоий ғазаллари намуналарнинг бадиий хусусиятлари ҳамда унинг юксак умумбашарий моҳияти Европа шарқшунослигида ҳолис эътироф этилиши ва илмий муомалага киритилиши Мартин Хартманн тадқиқотлари мисолида асосланиб, ушбу жиҳат мазкур олимнинг “Чиғатой тили дарслиги” тадқиқот-хрестоматиясининг яратилиши билан боғлиқлиги далилланди.

- Мартин Хартманннинг «Чиғатой тили» дарслиги ёзилиши сабаблари, унинг манбалари ва омиллари асослаб берилган, дарсликдаги Навоий асарларининг аслиятдан немис тилига таржималари сифатига ҳолис баҳо берилган ҳамда ўзбек адабиётининг жаҳон халқлари адабиётида эгаллаган юксак нуфузи далилланган;

- Бобораҳим Машрабнинг ҳали Ўзбекистонда номаълум бўлган араб имлосидаги «ҳануз» радифли ўзбекча ғазали ва унинг немисча таржимаси топилган, ғазалнинг немис адабиётида турли жанрларда таржима қилинганини кўрсатиш орқали Бобораҳим Машраб асарларининг жаҳон халқлари шеърини ривождаги ҳиссаси тайин қилинган, «Қиссаи Машраб» маноқибдаги кўплаб пурмаъно ҳикоятлар немис тилига Шарқ ҳикматлари сифатида қабул қилингани далилланган;

- Мартин Хартманннинг «Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий» мақоласини «Қиссаи Машраб», «Девони Машраб» каби маноқиблар билан қиёслаш орқали таржимоннинг ўзбек тили ва мумтоз адабиёти билимдони экани асосланган, асарнинг немисча таржимасидаги ютуқлари таъкидланган, маноқибнинг қисқартириб таржима қилингани сабабли юзага келган камчиликлари кўрсатилгани ҳолда янги адекват таржима зарурати далилланган, шунингдек, таржима жараёнида ўзбек тилидан немис тилига кўплаб сўз, атама ва иборалар ўзлашгани ҳисобига немис тили луғат бойлиги ошгани исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

- хорижий мамлакатларда, хусусан, ғарбий Европада ўзбек тилини ўрганаётган талабалар учун яратилган дарсликлар ва уларнинг илмий ҳамда сиёсий аҳамияти очиб берилган;

- Европа шарқшуносларининг Ўзбекистон ва ўзбек тилига бўлган кизиқиши сабаблари ҳақида илмий хулосалар ишлаб чиқилган;

- ўзбек мумтоз адабиёти намуналарининг таржима воситасида Европа адабиётига кириб бориши тарихига ойдинлик киритилган;

- ҳар қандай таржима асари давр махсули бўлиб, вақт ўтиши билан эскириши ва янги таржимага бўлган эҳтиёж ҳақида таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, чиқарилган назарий хулосалар шуни кўрсатадики, ўзбек тили ва адабиёти фанларининг жаҳон халқлари тили ва адабиётини ҳар томонлама бойитганлигини дунёда эътироф этилибгина қолмай, келгусида, Ғарб олимларининг ўзбек адабиётшунослари билан ҳамкорликда, ўзбек тилидан жаҳон тилларига янги бадиий таржималар қилиш заруратини ҳам намойиш қилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда ёритилган материаллар олий ўқув юртларида тилшунослик, таржимашунослик, матншунослик, қиёсий адабиётшунослик, жаҳон адабиёти каби фанлардан маъруза, семинар машғулотлари, магистрлик монографияси тайёрлаш, ўқув адабиётлари яратишда қўл келади ҳамда тадқиқот натижалари бўйича ёзилган монография ва илмий мақолалар талабаларнинг бадиий-эстетик қарашларини ривожлантиришда амалий аҳамиятга эга.

Монография ишида муаммонинг аниқ қўйилгани, назарий маълумотларни ишончли ва аниқ илмий манбалардан олингани, чиқарилган хулосалар адабий-тарихий ва қиёсий таҳлил каби усуллар билан асосланганлиги, таклиф ва хулосалар амалиётга жорий этилганлиги, Ўзбекистон ОАК тасарруфидаги ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар билан изоҳланади.

Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарининг Мартин Хартманн томонидан немис тилига таржималари сифатини таҳлил қилиш жараёнида олинган натижалар асосида:

- монографиянинг 1-бобида ёритилган кўплаб ўзбек алломалари асарларининг немис тилига таржималари ҳақидаги хулосаларидан ОТ-Ф1-69-рақамли Санкт-Петербург кўлёмалар институти ва Тошкент давлат шарқшунослик институтидаги «Шарқ кўлёмалари маркази»да сақланаётган «Хоразм адабий манбаларининг комплекс тадқиқи» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 89-03-3771-сон маълумотномаси). Натижада, илмий лойиҳа Европада ўзбек тили ва адабиёти дарсликларини яратиш билан шуғулланган европалик олимлар тадқиқотлари билан бойиган;

- Шарқ ҳикматларининг таржима воситасида немис тилига кириб бориши ва жаҳон адабиётининг ўзбек мумтоз шоирлари ҳикматлари ҳисобига бойигани ҳақидаги хулосалар Наманган вилоят телерадиокомпаниясининг «Диёр» информацион-ахборот ва «Олтин замин» радиоси дастурларидаги «Нигоҳ» радиожурналида эфирга узатилган «Навоий ҳикматлари немис тилида» мавзусидаги кўрсатув ва эшиттиришларда намоёиш қилинган (Наманган вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 13 мартдаги 08-01-170- сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқот объекти қилиб олинган манбалар кўрсатув ва эшиттиришнинг илмий далилларга бой ва оммабоп бўлишини таъминлаган;

- «Ўзбек мумтоз адабиётининг хорижий тадқиқотчилари» мавзусидаги монография иши натижаларидан Deutsch-Usbekische Wissenschaftliche Gesellschaft (Олмон-ўзбек илмий жамияти) томонидан 2019 йил 25 июнда бўлиб ўтган олмон-ўзбек адабий алоқаларига бағишланган илмий семинарда фойдаланилган (Deutsch-Usbekische Wissenschaftliche Gesellschaft-DUWG (Олмон-ўзбек илмий жамияти)нинг 2019 йил 25. июлдаги маълумотномаси). Натижада, Навоий ғазалларининг немисча таржималари хусусидаги хулосалар тадбир мазмунини бойитишда

ва икки халқ ўртасидаги адабий алоқаларни мустаҳкамлашда асос бўлган;

- Монографиянинг 2-бобини ташкил этувчи «Бобораҳим Машраб асарларининг немис тилига таржималари тарихи» мавзусида тилга олинган Машраб ҳикоятларидаги исломий-маърифий ғоялар таҳлилидан келиб чиқадиган хулосаларидан 2019 йил 16 апрель куни Наманган вилояти «Ёшлар маркази»да ўтказилган «Бобораҳим Машраб бадиий тафаккури – маънавиятимиз сарчашмаси» ҳамда Наманган давлат университетидан 2019 йил 21 май куни ўтказилган «Бобораҳим Машраб асарлари хорижий тилларда» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда, шунингдек, 2019 йил 7 июлда Наманган вилояти Ахборот-ресурс марказида ўтказилган илмий семинарда Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб ва Хўжаназар Хувайдо асарлари ҳамда уларнинг хорижий тилларга таржималари таҳлилига оид тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 11 июлдаги 02/09-950-19-сон маълумотномаси). Натижалардан мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши ҳамда «Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси» тарғиботини амалга оширишда фойданилаётгани тасдиқланган.

Монография кириш, икки асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Монографиянинг ҳажми 108 саҳифани ташкил қилади.

I БОБ. АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИНИНГ ЕВРОПА ТИЛЛАРИГА ТАРЖИМАЛАРИ ВА ТАДҚИҚИ.

1.1. Алишер Навоий асарларининг хорижда ўрганилиши тарихидан

Шарқ ва Ғарбга дунё маънавий-маърифий ҳаётининг бир-бирини тақозо қилувчи ва ўзаро тўлдирувчи икки қутби деб қаралса, бу иккисини яқинлаштирувчи воситалардан бири тил дарсликларидир. Немис халқининг маданий ва адабий обидаларини ўзаро айирбошлашда Марказий Осиёда яратилган немис тили дарсликларининг аҳамияти қанчалик катта бўлса, Европада нашр қилинган ўзбек тили ва адабиётига оид дарсликлар аҳамияти ҳам шунчалик беқиёс саналади.

Машҳур венгер шарқшуноси Ҳерман Вамберининг «Chaghataische Sprachstudien»¹ (Чиғатой тили дарслиги) ва «Skizzen aus Zentralasien»² (Марказий Осиё очерклари) китобларидан сўнг шундай дарсликлар ёзиш Европада анъанага айланди. Кўплаб туркшунос олимлар ўз фаолиятлари давомида, йирик тадқиқотларининг якуни ёки илмий сафарларининг ҳосиласи сифатида чиғатой-ўзбек тили дарслигини яратди.³ Бу дарсликлар Европада ўзбек тили ва адабиёти ихлосмандлари учун асосий ўқув адабиёти бўлиб, тилимизнинг гўзал бадиий жилоси, бой лексик имкониятлари ҳақида кенг маълумотлар берувчи манба бўлиб хизмат қилди. Ғарб мамлакатларида нашр қилинган ўзбек тили дарслик ва қўлланмалари ҳақида, мухтасар бўлса-да, маълумотлар беришдан асосий мақсадимиз – ушбу фаслда таҳлилга тортилаётган Мартин Хартманнинг⁴ «Çagathaisches» (Чиғатой тили) дарслигининг шундай асарлар силсиласидаги ўрни ва аҳамиятига

¹Vambery H. Chaghataische Sprachstudien. – Leipzig: F.A. Brockhaus, 1867.– 360 S.

²Vambery H. Skizzen aus Zentralasien. – Leipzig, 1868. – 276 S

³Schimmel A.-M. Deutschland und Usbekistan. – Berlin, 1994. – 100 S.

⁴Бу ҳақда.к.: Hanisch L «Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht.» Der Briefwechsel d. Islamwissenschaftler I. Goldzieher und M. Hartmann 1894-1914.– Leipzig: O.Harrasowitz Verlag, 2000.– 400 S.; Semran Cengiz. Martin Hartmann ve şarkiyat çalışmaları // Turkish Studies – International Periodical For The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic Volume 6/3 Summer 2011, p. 1401-1413, Turkey; Тоджходжаев М. Мартин Хартманн – турколог олим сифатида // Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари – Наманган, 19-20. 05. 2021. – 330–336 б.

эътиборни қаратиш, шунингдек, унинг бошқа дарсликлардан шакл ва мазмун жиҳатдан фарқли томонларини аниқлаш, Европадаги туркий тилни ўрганувчилар учун аҳамияти даражасини белгилашдан иборат. Вамберидан кейин немис тилли юртларда чиғатой – ўзбек тили дарслигини яратган олим австриялик туркшунос В. Томашек ҳисобланади. У ўзининг «Centralasiatische Studien»¹ (Марказий Осиё сабоклари) номли китоби билан Европада ўзбек тили ва адабиётини ўрганишга катта ҳисса қўшди.

Шарқ тиллари ва адабиётининг оташин мухлислари французлар ҳам немислардан қолишмайдилар. 1890-1895 йилларда Марказий Осиёга илмий-этнографик сафар уюштириб, маҳаллий халқларнинг тили, адабиёти, маданияти, иқтисодий-сиёсий ҳаёти билан яқиндан танишган француз шарқшунослари Фердинанд Гренар ва Дитрёл де Рэн ўзларининг тадқиқотларини «Mission scientifique dans la Haute Asie»² (Буюк Осиёга илмий сафар) деб номланган китобга жамлашди. Унда анъанавий равишда турли миллат ва элатлар, уларнинг турмуш тарзи, хўжалик юритиши, шаҳар ва қишлоқларнинг географик жойлашуви ҳақида мухтасар маълумотлар бериш билан бирга, маҳаллий аҳолининг тили ва шеваларига оид маълумотлар, айниқса, шоир ва ёзувчилар ижодига ҳам кенг ўрин берилган.

XX асрда ҳам шундай дарсликлар ёзиш яна давом этди. Инглиз туркшуноси Роберт Баркли Шоунинг «Sketch of the turky language»³ (Турк тилидан очерк), кейинроқ туркиялик Меҳемед Садикнинг «Усси лисони турки»⁴ (Туркий тил грамматикаси), Абел Ж. Ф. ва Паве де Куртейл ҳаммуаллифлигида ёзилган «Turkish literature»⁵ (Турк адабиёти) каби нашрлари Европада ўзбек тилини ўрганишга қизиққанларга узоқ вақт дарслик вазифасини бажарди.

Тилшунослар орасида дарсликлар яратишга бутун умри давомида тайёргарлик кўрганлар ҳам бор. Бу дарсликлар туркий

¹ Tomaszek W. Centralasiatische Studien. – Wien, 1880. – 600 S.

² Detreul de Rins. Mission scientifique dans la Haute Asie 1890 – 1895. Troisieme Partie: Historie-Linguistique Archeologie-Geographie par F. Grenard. – Paris, 1898. – 200 p.

³ Shaw Robert Barkley. Sketch of the turky language. – Lahore, 1875. – 200 p.

⁴ Mehemet Sadiq. Ussi lisani turki. – Stambul, 1888. – 187 S.

⁵ Abel J.B. M.M. Pavet de Courteille. Turkish literature. – London, 1902 – 230 p.

тилда ёзилган бошқа кўплаб адабиётларни мутолаа қилиш учун зарур манба бўлди. Ана шундай ўқув қўлланмаларни яратганлардан бири, машҳур немис шарқшуноси – ислом фалсафаси, араб, турк ва форс филологияси бўйича мутахассис Карл Броккельманн Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит турк» асарини немис тилли халқларга етказиш учун «Kaschgaris Wortschatz»¹ (Қошғарий луғати) номли қўлланма яратди. Китобнинг хрестоматия қисмида грамматик ва услубий қоидаларни мустаҳкамлаш учун «Девони луғотит турк»дан кўплаб намуналар берилган. Броккелманн ижодий фаолияти давомида туркий тилларда тўплаган тил ва адабиётга оид материалларини жамлаб «Ostuerkische Grammatik der islamischen Literatursprachen Mittelasiens»² Ўрта Осиё ислом адабий тилининг шарқий турк тили грамматикаси) дарслигини нашр эттирди.

Машҳур немис шоири Йохан Вольфганг Гётенинг ..«Wenn du den Dichter willst kennen, sollst in seine Heimat gehen» (Шоир билан танишмоқ истасанг унинг юртига боргин) деган ўғити барча европаликларнинг, аксари немис шарқшуносларининг дастуриламали бўлди. Бунинг исботини 1929–1930 йилларда ўзбек фольклоршунос олими Ғози Юнус раҳбарлигида ўтказилган лингвистик-этнографик экспедициянинг хорижий аъзоси бўлган Карл-Хайнрих Менгеснинг фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Менгес 1929 йилда тўрт ой давомида, яъни 16 майдан 13 сентябргача Москва, Волгабўйи, Кавказ ва Марказий Осиёнинг бир қатор шаҳарларида кузатишлар олиб борди. У Тошкент, Марғилон, Самарқанд, Китоб, Бухоро, Ашхобод ва Красноводск шаҳарларида бўлиб, таълим тизими муассасаларида кўплаб учрашувлар ўтказди, маҳаллий аҳоли вакиллари: олимлар, адиблар, эртакчилар, лапарчилар, оқинлар ва бахшилар билан мулоқотда бўлиб, оғзаки ижод намуналарини аслият тилда қоғозга туширди ва кейинчалик таржима қилди. Тадқиқотлар натижасида «Drei o`zbekische Texte»³

¹Brockelmann K. Kaschgaris Wortschatz – Leiden, 1928. – 320 S.

²Brockelmann K. Ostuerkische Grammatik der islamischen Literatursprachen Mittelasiens.–Leiden, 1954. – 300 S.

³Menges K-H. Drei o`zbekische Texte // Der Islam. – Berlin, 1933 – 32 S.

(Уч ўзбекча матн) номли дарслик ёзилди. Китоб европаликлар учун ўзбек тили ва адабий-маданий ҳаёти билан таништирган йирик ҳажмли асарлардан бири бўлибгина қолмасдан, ўзбек халқ оғзаки ижодининг янги намуналарини жаҳонга танитишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Дарслик ноанъанавий усулда тузилган. Аввалги дарсликлар муаллифлари асосий эътиборни ишнинг грамматика ва фонетика қисмларига қаратган бўлсалар, бу асарда XX асрнинг биринчи чорагидаги мамлакатимиз аҳолиси ҳақидаги маълумотлар ва маънавий – бадиий обидалар – халқ оғзаки ижоди намуналари берилган. Асар таҳсилга киришган ўқувчи аввал ўзбекча матн билан танишади, сўнгра шу манба учун зарур бўлган грамматик, фонетик, лексик ва стилистик қоидаларни ўрганади. Ўзбекча матнлар билан ёнма-ён уларнинг немисча таржималари берилган. Шунингдек, китобда ўзбек тили шевалари ҳақида маълумотлар, олимлар томонидан ўрганилган ва келгусида ўрганилиши зарур бўлган соҳалар ҳақида мулоҳаза ва тавсиялар ёзилган. Шу муаммолар ичида Наманган вилояти аҳолиси шевалари, жумладан, Чортоқ шевасини ўрганиш долзарб муаммолар каторига киритилган. Бу фикрлар фақат немис олимининг эмас, балки Ғози Юнус экспедициясининг хулосалари ҳам эди. Менгес эса бу муаммоларга жаҳон олимларининг эътиборини жалб қилган.

XX асрнинг 30-йилларида, ўша даврнинг сиёсий-иқтисодий шароитига кўра, Европада туркология фанидан кўра арабшуносликка кўпроқ аҳамият берилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида араб саҳроларида сиёсий ва ҳарбий ҳаракатлар авжига чикди. Шундай бўлса-да, Германиянинг бир қатор университетларида туркшуносликни ўқитиш ва шу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш давом этди. Уруш даврида асирга тушган марказийосиёлик мусулмон турклар тақдири биринчи галда олимларни кизиқтирди. Улар жаҳон халқларига ўзларининг фашизмга қарши кайфиятда эканликларини билдириш ниятида эдилар. Аммо ўша даврдаги фашистик сиёсат туфайли туркий халқлар, хусусан, ўзбек маданияти, тили ва адабиёти ҳақида

асарлар ёзиш тақикланган эди. Шунинг учун немис филологлари сиёсий ҳийла ишлатишга уринишди. Улар туркистонлик ҳарбий асирлар билан иш олиб борадиган мутахассислар камлигини сабаб қилиб, бу соҳада кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарурлиги ва бу муаммо, биринчи галда, дарсликлар ёзиш билан ҳал этилишини сиёсатдонларга тушунтиришди. Натижада улар кўп йиллик тадқиқотларини чоп этиришга муваффақ бўлдилар. Атоқли немис туркшуноси Анна-Мария фон Габайн 1944 йилда ўзининг «Özbekische Grammatik»¹ (Ўзбек тили грамматикаси) деб аталган дарслигини нашрга топширди. Асар бир йилдан кейин, яъни 1945 йилда чоп этилган. Гарчи китобда грамматикага кўпроқ ўрин берилган бўлса-да, китобнинг хрестоматия қисмида Габайн хоним тадқиқотларининг бош мавзуси – Туркистон миллий озодлик ҳаракати намояндалари бўлмиш жадид адиблари асарларидан намуналар берилдики, бу иш жаҳонда озодлик ҳаракатининг рамзи эди. Бошқа дарсликлардан фарқли ўлароқ, бу китобдаги ўзбекча матнлар немисча транскрипцияда берилиб, таржима қилинмади. Эҳтимол, бу муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилгандир. Лекин китобдан ўзбек адабиётининг сара асарлари ўрин олгани ўзбек халқининг тарихи ва маданияти буюклигини яна бир таъкидлаш вазифасини ўтади. Маданияти ва маънавияти юксак халқни эса енгиб бўлмайди. Немис олимлари шу тариқа ўзга халқлар билан бирдамликларини ифодалаганлар. Яна шуни айтиш лозимки, унга киритилган айрим ҳикоялар ҳали Ўзбекистонда чоп этилмаган. Улар махсус тадқиқот объектига асос бўлади. Габайн хонимнинг бу китоби Европада уруш туфайли тўхтаб қолган туркшунослик фанининг кейинги йиллардаги тараққиётига катта туртки берди. Бу асар Германия ва бошқа мамлакатларда ўзбек тили ва адабиётини ўрганувчи талабалар ва тадқиқотчилар учун ҳамон дарслик вазифасини ўтамоқда. Айниқса, китобнинг фойдаланилган адабиётлар бўлимида туркологияда ўша давргача ёзилган адабиётлар ҳақида кенг маълумотлар берилгани билан эътиборни тортади.

¹ Gabain von A.-M. Özbekische Grammatik. – Leipzig, Wien: Otto Harrasowitz Verlag, 1945. – 220 S.

Мартин Хартманн Европада, асосан, арабшунос ва куръоншунос олим сифатида танилган бўлиб, ўзининг ижодий фаолиятида Шарқ мамлакатлари давлат қурилиши, улардаги сиёсий курашлар ва маданий ҳаётни тадқиқот объекти қилиб олган. У тадқиқотларни шунчаки журналист– кузатувчиликдан замонавий илм-фан объекти даражасига кўтара олган Германиядаги биринчи ва узоқ вақт ягона бўлиб турган олим эди.¹ Хартманннинг асосий машғулоти араб, қадимий яҳудий ҳамда форс тиллари ва адабиёти, шунингдек, ислом фалсафасини ўрганиш бўлса-да, у Шарқ халқлари сиёсати ва иқтисодиёти соҳасидаги асарлари билан ҳам машҳур эди. Хартманн гарчи, марказийосиёшунослик, жумладан, ўзбек тили ва адабиёти билан нисбатан қисқа муддат – 10 йилга яқин вақт жиддий шуғулланган бўлса-да, шу даврдаги фаолиятида Марказий Осиё тарихи, этнографияси, тили ва адабиётига оид кўплаб асарлар ёзди. Унинг «Sagathaisches» (Чигатой тили) дарслиги Вамберининг «Чигатой тили дарслиги»дан фарқли ўлароқ, ихчам, тилни нисбатан тезроқ муддатда ўрганишга мўлжалланган, кўпроқ, ўзбек адабий тили асосчиси Алишер Навоий ижодининг тарғиби ва тадқиқига бағишланган.

Китоб XX асрнинг дастлабки йилларида ёзилгани бежиз эмас. Бу йилларда ислом ўлкаларида, аста-секин бўлса-да, сиёсий ва иқтисодий юксалиш кўзга ташланмоқда эди. Бундан ташқари, аввалги мустамлакалар энди бошқа мустамлакачилар томонидан қайтадан бўлиниш арафасида бўлиб, бу курашлар турли йўллар билан амалга оширила бошлади. Биринчи навбатда қарам қилинган миллатларнинг бирлашувига йўл қўймаслик, уларни яқка ҳолда итоатда тутиш, ҳарбий-сиёсий йўллар билан, куч ишлатган ҳолда норозилигини бостириш бўлса, иккинчи томондан ноҳристиан ўлкалар, аввало, исломий халқларни насронийлик динига тарғиб қилиш бўлди.

Осиёнинг айрим халқлари бу ҳаракатларга тобе бўлиб, христиан динини қабул қилдилар. Жумладан, қадимдан исломий ва буддавий мамлакат бўлган Ҳиндистон энди Инжилни ҳам қабул

¹ Becker Carl-Heinrich. Der Islam. X. 1920. – S. 228 // Islamstudien, II, 481 ff.



қилди. Шу тариха узоқ йиллар давомида ислом ва будданинг тинч-тотувлиги асосида яшаган мамлакат халқлари орасига энди христиан дини ҳам кириб келди. Анъанавий ибодатлар ўрнини янги ибодатлар эгаллади. Бу ҳолатни жаҳон шарқшунослари турлича қабул қилди. Матбуотда ислом ўлкаларининг таназзули, мусулмонларнинг ўз динидан оммавий юз ўгираётгани ҳақидаги хабарлар кўпайиб борди. Энди исломшунослик билан шуғулланишга зарурият йўқ, яқин йиллар ичида ислом дини йўқолиб, ўрнига христиан дини келади, деган «илмий башорат» ва даъволар кучайди. Ана шундай даврда Европада ислом ва Шарқ халқлари адабиётининг келажагига ишонувчи олимлар ҳам топилди. Улардан бири – Мартин Хартманн.¹ У XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг дастлабки йилларида туркшунослик соҳасида бир қатор йирик асарлар яратди. Узоқ йиллар давомида Туркия мадрасаларида таҳсил олиб, турк тили ва адабиётига оид ўнлаб асарлар ёзган шарқшунос марказийосиёшунослик йўналишида ҳам кўплаб асарлар яратди. Бу тадқиқотларнинг энг салмоқлиси Европада туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилини ўрганувчилар учун яратилган «*Çaghataisches*»² (Чигатоий тили) дарслиги эди. Дарслик Хартманн томонидан ташкил қилинган Шарқ халқлари тиллари ва адабиёти тарихи материаллари асосида, Берлинда нашр қилинган дарсликлар сериясига киритилган бўлиб, 1902 йили Хайделберг шаҳридаги «*Universitätsbuchhandlung*» нашриётида босилди. Унинг биринчи қисмига Хуго Макас томонидан ёзилган «Курд тили дарслиги»³ киритилган. Китобнинг

¹Бу ҳақда к.: «Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht». Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler I. Goldzieher und M. Hartmann 1894-1914. Herausgegeben und kommentiert von Ludmila Hanisch. Otto Harrasowitz Verlag, –Leipzig. 2000. – 400 S; Semran Cengiz. Martin Hartmann ve şarkiyat çalışmaları // Turkish Studies – International Periodical For The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic Volume 6/3 Summer, 2011, p. 1401-1413, Turkey; Тоджходжаев М. Мартин Хартманн – Мартин Хартманн турколог олим сифатида // Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари – Наманган, 19-20. 05. 2021. – 330–336-б.

²Hartmann M. *Çaghataisches. Materialien zu einer Geschichte der Sprachen und Literaturen des vorderen Orients*. Herausgegeben von Martin Hartmann (Berlin). Heft 2. – Heidelberg, Carl Winter's Universitätsbuchhandlung, 1902 – 108 S.

³Hugo Makas. *Kurdische Studien*. – Heidelberg, Carl Winters Universitätsbuchhandlung, 1902. – 130 S.

иккинчи қисмидаги «Чигатой тили» дарслиги¹ 108 саҳифадан иборат бўлиб, унинг 18 саҳифасини тушунтириш, 6 саҳифасини чигатойча муқаддима ва сўзбоши ҳамда 82 саҳифасини асосий қисм ташкил этади. Китобнинг ёзилишига Туркиянинг Скутари шаҳридаги Бухоро жомеъ масжидининг шайх ул-исломи Меҳмед Садик Шайх Эдҳем ўғлининг турк ва ўзбек тилларини киёслаб ёзган «Ussi lisani turki»² (Туркий тил грамматикаси) дарслиги туртки бўлган. Китоб Туркияда чигатой, яъни ўзбек тилини ўрганиш ва туркий тилда ёзилган асарларни аслиятда ўқиш мақсадида бўлган кишилар учун тайёрланган эди. Дарсликка машҳур турк тилшуноси Аҳмад Мидҳат тақриз ёзиб, уни ижобий ва зарур деб баҳолаган бўлса-да, Хартманн уни, бутунлай яроқсиз, деб топди. «Saghataisches» китобининг биринчи саҳифасидаёқ, муаллиф дарсликнинг ёзилиш сабабларига тўхталиб, «Усси лисони турки» китобининг асосий камчилиги хатоларнинг кўплиги деб кўрсатади. Немис шарқшуноси уларни қуйидагича шарҳлайди: ...Садикнинг «Усси лисони турки» китоби, Аҳмад Мидҳатнинг мактовларига қарамадан, кучсиз уринишдир. Асосий камчилик шундаки, муаллиф китобатчиликда амалий тасаввурга эга эмас. Кўп ҳолларда унга усмонлиларнинг илмий топқирлиги, изланишлари ва тажрибалари етишмайди. Китоб эски қолип-шаблон ҳолига туширилган. Танлаб олинган далиллар чала ҳолда. Муаллиф (яъни М. Садик - М.Т.) кўпчиликка маълум бўлган фактларни тўпловчи – камтар кузатувчи бўлиб қолган, материаллар таҳлил қилинмаган. Шунинг учун замон ва макон талаблари асосида зарур хулосалар чиқариш имкони йўқ. Чунки муаллиф воқеа-ҳодисаларнинг даврийлигини тушунмайди. Садик далилларни қориштириб юборган: Навоий тили билан ҳозирги туркистонликларнинг тили, кўпинча қоидаларни четлаб ўтадиган –

¹ Бу китоб ҳам жихатидан замонавий дарсликларга қўйилган талабларга жавоб бермаса-да, ўз даврида Европа олий ўқув юрғларида дарслик сифтида қабул қилинган ва фойдаланилган. Шунинг учун бу асарни кейинги ўринларда дарслик деб атаёмиз.

² Mehemet Sadiq. Ussi lisani turki. – Istanbul, 1888. – 120 S.

юксак санъат даражасидаги ёзув обидаси билан Фарғонанинг шаҳар ва кишлоқлари аҳолиси ёзувлари фарқланмаган.¹

Хартманн давомидан яна шундай деб ёзади: ...Менинг кўлимда Меҳемед Садиқ китобининг бир қисми, кўплаб тузатишлар киритилган ҳолда, кўлёзма шаклида турибди. Тузатишларни Қашқарнинг Оксув шаҳридан бўлган Ориф Ниёз Муҳаммад² исмли киши бажарган. Фикримча, Орифнинг тузатишлари она шаҳри Оксув материаллари асосига қурилган бўлиб, таҳрирга муҳтож. Таҳрир жараёнида Қашқар ва Андижон аҳолисининг адабий тили ва шевалари бошқа манбалар билан солиштирилди ва тўлдирилди. Андижон тилига оид хатоликлар эса Орифнинг она шаҳри маҳаллий тили, шева ва адабий анъаналарининг таъсиридир. Камчиликларга қарамай, унинг сўзи тўғри хулосалар чиқаришда асқотади ва Владимир Радлов маълумотларини тўлдиради.³

Дарслик муаллифи «Усси лисони турки»даги бошқа камчиликларни куйидаги уч ҳолатда деб билади:

1. Асосий камчиликлар – жами саккизта бўлиб, улар «Чиғатой тили»нинг кириш қисмида санаб ўтилган.

2. Бевосита грамматика, лексика, стилистика ва фонетика соҳаларига оид илмий-услубий камчиликлар. Муаллиф китобнинг «Verschiedene Regeln» (турли қоидалар) бўлимининг «Грамматика» ва «Хрестоматия» бобларида турк муаллифи йўл қўйган қоидаларга эътиборни қаратиб, у ёки бу сўзнинг ёзилиши, ўкилиши, мазмуни ва қўлланишига оид хатоларни кўрсатиб ўтади. Жумладан, «Санок сонлар» мавзусида немис олими Садиқнинг «Андижонда рақамларни айтишда «бир кам ўн», «икки кам ўн», «уч кам йигирма» дейдилар, – деган қизиқ бир қондани келтиради ва аниқланган камчиликларни бартараф қилишда Орифнинг фикрларига таянади: ...Орифга баландпарвоз оҳангдаги «қоида»

¹Hartmann M. *Çaghataisches. Materialien zu einer Geschichte der Sprachen und Literaturen des vorderen Orients*. Herausg. von Martin Hartmann (Berlin). Heft 2. – Heidelberg: Carl Winter's Universitätsbuchhandlung, 1902. S.1

²Ориф Ниёз Муҳаммад – Хартманн Истанбулда тадқиқотлар ўтказган даврида унга ҳамкорлик қилган мулла бўлиб, асли Қашқарнинг Оксув шаҳридан.

³Hartmann M. *Çaghataisches*.- S.III-IV.Vorwort.

ёзилган бу абзацни англлатганимда у, жаҳл билан «ёлғон» – деб қичқирди ва тушунтира кетди: Қашқарда ҳам, Андижонда ҳам, бундай дейилмайди, 20 дан катта сонларни айтишда шундай дейилади. Масалан, «бир кам ўттиз», «уч кам ўттиз». 27 ракамини айтишда камдан-кам бўлса ҳам уч кам ўттиз дейиш мумкин. Аммо ҳеч қачон «бир кам йигирма» дейилмайди.

Дарсликнинг «Сонлар» (Тартиб сонлар) мавзусидаги 12-қоидани тушунтиришда Садикнинг ...«айрим сонларни ўзбеклар ишлатмайдилар»,– деган изоҳларига қарши Хартманн шундай ёзади: а) Садик китобидаги «иккинчи» сонини ишлатилмайди, деган изоҳга Ориф қўшилмади; «биринчи», «иккинчи» сонлари расмий идора – девонхонада қўлланади. (12-бет.)¹ б) Ориф «بچۇق» [pučūq]² сўзини айрим ҳолларда «ярим» деб тушунилишини эшитиб, роса кулди. У бу сўзни араб тилидаги «افتس» [āftas] - «бурун учи тўймоқлиги» маъносида. тушунаркан. Бу сўз (немис тилида) «Einhalb» шаклида ёзилади; Қашқарда «ياريم», [yōrim], Андижонда «ياريم» [yārim] шаклида ёзилади; қирғизлар «garti» (жарти) деб айтадилар (12-13-бетлар).

3. Китобни чоп этиш жараёнида нашриёт томонидан йўл қўйилган хатолар. «Чигатой тили» дарслигидаги «Von den Partikeln» (Юклама, 52-62-бетлар) мавзусини ёритишда ишлатилган ва Алишер Навоийга нисбат берилган бир ғазалнинг мақтаёсидаги хато:

قل احمد اوز ننگني انگله سفر قلغونگ بگون تانگله
ني چوك بولغوسي هال انده. تفریح قل گورستانغه

[qul ahmād ozingni āngla safār qilgūng bugūn tōngla
nečūk hōl bolgūvsi ōnda tafrij qil go'ristōngā]

¹Шу китобдан олинган иктибослар кейинги саҳифаларда матн ичида кавсларда кўрсатилади.

² Кейинги саҳифаларда араб имлосидаги эски ўзбекча, форсча ва, қисман, арабча сўзлар лотин алифбосидаги транскрипция усулида бериллади. Араб имлосидаги чўзиқ унли харфлар устига чўзиқлик белгисини англлатувчи «-» ишораси қўйилади. Қисқа унлилар эса белгиларсиз ёзилади ва бу борада (мутахассис) ўқувчининг эски ўзбек ёзуви борасидаги билим даражаси эътиборга олинади. [x] ва [h] товуш белгилари ўзбек тилидаги сўзларда ишлатилишига кўра фарқланади. “خ” харфини белгилашда «» белгисидан фойдаланамиз. Колган ҳолларда транскрипциянинг умумий қоидаларига амал қиламиз.

Хартманн бу камчиликни куйидагича изоҳлайди: ...Бир қарашдаёқ ушбу байтдаги хатони кўриш мумкин. Мир Алишер ўз шеърининг мактаъсида «قل احمد» деб ёзиши мумкин эмас. Ушбу исм ҳозирда ҳам кўп ўкилувчи «Девони хикмат» муаллифи – турк адабиётининг машҳур намояндаси Аҳмад Яссавийни эсга солади. Амалда ушбу байт 1299 ҳижрий йилда нашр қилинган девоннинг 235-бетида босилган бўлиб, Истанбулда нашр қилинган, аксарият китобларда бўлганидек, хатоликларга тўла.

Юқоридаги каби хато Навоийнинг

روشندرررگی میهر یوزونکنن الور سفا،
 (70-бет) یوقسه نی وجخ الله قمر اندین تاپر زیا
 [ravšandrurki mehr yuzūngdin olūr safō
 yuqqa nē vājx ilā qamār ōndin topūr ziyō]

матлаъли ғазалида ҳам учрайди. Ушбу байт дарсликнинг 70-бетида келган бўлиб, муаллифи Шермуҳаммад Мунис, деб кўрсатилган. Хартманн бу хусусда шундай ёзади: ...Мунис ушбу шеърни ёки унинг бир байтини яхши намуна сифатида ўз девонига кўшгани – эҳтимолдан йирок. Бу Садиқнинг уддабуронликларидан бири бўлса керак. Барча шеърларнинг ёзилишини кўлимдаги Навоий кўлёзма девонидан оляпман. Чунки Садиқ орфографияни, яъни шеърларнинг ёзилишини ҳам Усмонли турк усулига солиб юборган (75-бет). Китобга Аҳмад Яссавий девонидан 6 байт хикматлар кўшилган бўлиб, муаллиф номи айрим ҳолатларда «حکمت», [hikmāt] айрим ҳолатларда «احمد یسوی» [ahmād yassaviy] деб кўрсатилган.

Аниқлашимизча, Меҳемед Садиқ яна бир «янгилик» яратиб, ўзбек шоирлари қаторига Али Дарвеш исмли турк шоирини ҳам кўшиб юборган ва унинг ғазалларидан 2 байтни дарсликка киритган. Хартманн грамматик қоидалар устида ишлаш жараёнида китобдаги бошқа камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтган. Айниқса, «Хрестоматия» қисмидаги Навоий ғазалларини ўқиш ва тушунишда йўл қўйилган хатоларни аниқлагани таҳсинга лойиқ. (72-84-бетлар)

Дарслик олти бўлимга ажратилган бўлиб, уларда муносабат равишда куйидаги мавзулар ёритилган:

I бўлим – Кириш. У III–XXVII саҳифаларни ўз ичига олган. Саҳифалар Рим рақамлари билан белгиланган. Дарсликнинг кириш қисмидаги III–IV саҳифаларда Хартманн ушбу китобнинг ёзилиш сабабларини баён қилган. Товушлар ҳақида маълумотлар V–XXVII саҳифаларда берилган ва улар куйидаги гуруҳларга бўлинган:

- 1) умумий маълумотлар – шеваларга бағишланган;
- 2) унлилар ҳақидаги маълумотлар;
- 3) унлиларнинг сўздаги турли бўғин – ҳолатларда турлича ўкилиши;
- 4) сўз асосида келадиган унлиларнинг шеваларда ўзгариши.

II бўлим – китобда қўлланган қисқартмалар, адабиётлар рўйхати ва мундарижа. У XVII – XVIII саҳифаларни эгаллаган.

III бўлимда дарсликнинг ёзилишига сабаб бўлган фактлар кўрсатилган. У 1-5-саҳифаларини ўз ичига олган. Саҳифалар энди араб рақамлари билан белгиланган. IV бўлимда дарсликнинг 6-71-саҳифаларни ўз ичига олган грамматик ва лексик қондалар баён этилган. Атамалар эски ўзбек ва қисман араб ёки форс-тожик тилларида ёзилган.

Хартманн матн остида турли изоҳ ва шарҳлар келтирган. Жумладан, Туркистон аҳолисининг катта қисмини ташкил қилувчи туркий халқ тилини аташда Европа олимлари орасида урф бўлган «чиғатой тили» атамасини танқид қилиб шундай ёзади: «Ушбу тилни «чиғатой тили» деб аташ, гарчи ўзим ҳам кўп бора шундай деган бўлсам-да, нотўғри. Чингизнинг ўғилларидан бўлмиш Чиғатой номи билан аталувчи бу тилда мўғуллар истилосидан 160 йил муқаддам буюк асар яратилган: бу – «Қутадғу билиг»!

Гарчи В.Радлов ўз китобида «Қутадғу билиг» уйғур тилида ёзилган, деб кўрсатган бўлса-да, бу тўғри эмас. Юсуф Хос Ҳожиб, табиийки, китобни араб алифбосида ёзган. Асарнинг уйғур тилидаги нусхаси эса Чингизхон, ўзининг душманларидан бўлган Тажангнинг миллати уйғур бўлган девонбегини ўзига муҳрдор ва

Ўғилларига тарбиячи қилиб тайинлаган йилларда, унинг томонидан уйғур тилига ўтказилган.»¹

Бизнингча, Хартманн билдирган бу фикр – мунозарали. Чунки араб алифбоси асосидаги туркий тилда битилган «Қутадғу билиг» матнини ҳозир ҳам ўзбеклар ўзбекча, уйғурлар уйғурча талаффуз билан ўқийверадилар. Биринчидан, «Чиғатой тили» атамаси ҳам эски уйғур, ҳам эски ўзбек тилига нисбатан ишлатилган, чунки, у даврда бу адабий тил иккига бўлиниб улгурмаган эди. Иккинчидан, дунёда «Қутадғу билиг»нинг бор-йўғи 3 та нусхаси сақланиб қолган, холос, улардан биттаси Чингизхон даврида эмас, 1439 йили Ҳиротда уйғур ёзувида китобат қилинган. Уйғур ёзувида ифодалаш «уйғур тилига ўтказиш» дегани эмас. Хартманн Чингизхоннинг девонбегиси бўлмиш Тажангнинг китобни уйғурчалаштиргани ҳақидаги фактларни қайси манбадан олгани бизга номаълум. Немис олими Европа ва Шарқнинг кўплаб олимлари билан узвий алоқада бўлгани, бир қатор хусусий ва давлат кутубхона ҳамда музейларидаги қадимий кўлёзма асарлар билан танишгани шундай фикрнинг туғилишига асос бўлгандир.

Хартманн бу тил (яъни чиғатой тили) ни қуйидагича аташни маслаҳат беради: «Шарқий Туркистон аҳолисининг тилини, менинг таклифимга кўра, «Қашқар тили» ёки маҳаллий аҳолининг ўз тилларини «туркий тил» деб атаганларини эътиборга олиб, шунингдек, Р.Шоунинг таклифига кўра, «турк тили» деб аташ ҳам қабул қилинмаганидек «шарқий турк тили» деб аташ маъқул.» (149-бет)

Аmmo бир қатор шарқшунослар томонидан «чиғатой тили» деб атаб келинаётган тилни «шарқий турк тили» деб аташ ўзини окламаслигини айтиш жоиздир. Чунки жаҳон туркологиясида «чиғатой тили» деганда ғарбий туркий тил, яъни эски ўзбек тили ҳам тушунилади.

Кўринадики, муаллиф Европа шарқшунослари учун одат бўлиб қолган эски атамани қабул қилмаган ва ўзининг таклифини берган. Унинг таклифи бир қатор шарқшунослар томонидан қабул

¹Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzer // Der islamische Orient. – S.148.

қилинган. Аммо ғарб туркшунослари бу борада ҳам яқдиллик кўрсатмадилар. Ханузгача европалик айрим шарқшунослар «чиғатой тили» атамасини қўллайди.

Дарсликнинг «Кириш» қисмидаги 11 саҳифада Марказий Осиё туркий халқлари тилининг товуш тизими ҳақида маълумот берилган. Бунда Вильхелм Радловнинг¹ «Vergleichende Grammatik der nördlichen Turksprachen von Dr. W. Radloff. Teil 1. Phonetik»², инглиз шарқшуноси Ф.С. Андреаснинг «The translation of the Gospel according to St. Matthew into Kashgarian turkish – a review by Dr. F. C. Andreas»³ китобларидан асосий манба сифатида фойдаланилган. Хартманн кўп ҳолларда В.Радловнинг маълумотларига тузатишлар киритди ва уларни матн ости изоҳларида асослаб берди. В.Радлов учун тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилган Сибирь турклари тили Марказий Осиё туркий халқлари тилидан, жумладан, ўзбек тилидан анчайин фарқ қилади. Китобда Хартманнинг бу борадаги хулосалари В.Радловнинг тадқиқотлари билан қиёсий ҳолда берилган.

Дарсликнинг иккинчи қисми XVII–XVIII саҳифаларни ўз ичига олади. XVIII саҳифада дарсликда ишлатилган Андижон, Оқсув, Кўкон, Қашқар, Кўча каби шаҳарларнинг номлари «And.», «Aq.», «Cho.», «Kaly.», «Ko.» шаклида қисқартириб берилган. Қисқартиришлардан грамматик қоидаларни тушунтириш жараёнида шаҳарлар аҳолисининг қайси тил ёки шевада гаплашиши, айрим сўз ва ибораларнинг у ёки бу шаҳар аҳолиси томонидан қандай ишлатилиши ҳақидаги маълумотлар сўнгида ёрдамчи манба сифатида фойдаланилган. Китобнинг уч қисми иккита катта бўлимга ажратилган. Биринчи бўлим, Шарк анъанасига кўра, «Die čaghataische Vorrede und das Lobgedicht auf den Sultan» چغتایچه موقدمه - وسئایش جناب ظل اللہی [čigatōyča muqāddima va

¹ Буюк немис тилшунос олмини ва шарқшуноси Радловнинг асл исми ва фамилияси Wilhelm Radlov. Аммо узоқ йиллар давомида Россияда яшагани ва рус подшоҳига хизмат қилгани учун Россияда уни Владимир номи билан атайдилар. У «Кутадгу билиг» асарининг мохир таржумони сифатида машхур.

²Radlov W. Vergleichende Grammatik der nördlichen Turksprachen von Dr. W. Radloff. Teil 1. Phonetik. – Leipzig, 1882.

³The translation of the Gospel according to St. Matthew into Kashgarian turkish – a review by Dr. F. C. Andreas. – London, 1895.

sitōiši janōb zullillōhi]¹ билан бошланади. Мукаддимада уч қисмдан иборат муножот бўлиб, унда Аллоҳга ҳамд, Пайғамбар(с.а.в.)га наът ва султон Ҳамидга ситойиш (мақтов) изҳор қилинган. Матннинг давомида муаллиф (яъни М. Садиқ – М.Т)нинг ушбу китобни ёзишдан мақсади мухтасар баён қилинган. Кишилар муаллифдан бу борада кўмак сўрагач, Меҳмед Садиқ «Усси лисони турки»ни ёзишга киришган. Ушбу матн эски ўзбек ёзувида бўлиб, матн остида унинг немисча таржимаси ва изоҳлар берилган. (1-5-бетлар).

Грамматика боби (6-83-саҳифалар) 6 та катта гуруҳга ажратилган:

- | | | |
|-----------------|---------------|--------------------|
| 1. исм (от)лар. | 2. феъллар. | 3. Сифатлар. |
| 4. олмошлар. | 5. юкламалар. | 6. турли қоидалар. |

Грамматика қисмида 116 та қоида берилган. Мавзунинг қийин ёки осонлиги даражасига қараб, шунингдек, муаллифнинг шу мавзу юзасидан тўплаган далиллари ҳажмига қараб 2 тадан то 37 тагача қоида келтирилган. Уларни мустаҳкамлаш учун аввал оддий, содда сўзлар, рақамлар, сўроқ олмошларидан намуналар, кейинчалик дарак ва сўроқ гаплар берилган. Ўқувчининг тил билими орта боргани сайин мисоллар учун ғазаллардан айрим мисра ва байтлар ҳам олинган. Қоидаларни мустаҳкамлаш мақсадида алоҳида мисралар ва кейинроқ байтлардан намуналар бериб бориш асосий қисмнинг 14-саҳифасидаги «اسم» [ism] (яъни отлар – М.Т.) мавзусидан бошланган. Мавзуни мустаҳкамлаш учун Шарқ шоирлари асарларидан намуналар келтирилган. Китобда шундай мақсад билан Аҳмад Яссавий ғазалларидан 9, Алишер Навоий ғазалларидан 57, Шермуҳаммад Мунис ғазалларидан 5, Али Дарвеш ғазалларидан 2 байт келтирилган.

Навоий байтларидан намуналар шоирнинг 1289 ҳижрий йили Истанбулда нашр этилган «Маҳбуб-ул қулуб» китобидан олинган. Мисоллар сифатида ёзма адабиёт намуналаридан ташқари Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси оғзаки ижодига хос бўлган турли сўз ва иборалар келтирилган. Шунингдек, водийда яшовчи

¹ Аллоҳнинг Ердаги сояси – жаноб султонга мақтов.

аҳолининг сўзларни талаффуз қилиши ҳақида мулоҳазалар, айрим сўзларнинг ёзилиши, синонимлари ва уларнинг немисча, айрим ҳолларда инглизча ва французча таржималари кўплаб учрайди. Китобдаги янги ёки европаликларга тушунарсиз сўзлар бевосита матн ости изоҳларида ойдинлаштирилган. Уларда Хартманн Туркистоннинг турли вилоятларида яшовчи аҳолининг турмуш тарзи, маънавий – маърифий ҳаёти, таълим тизими ҳақида мухтасар маълумотлар берган. Бу далилларнинг аксарияти ҳақиқатга мос келади. Ўзбекистон маориф тизими ҳақида гап борганда муаллиф, устози Орифнинг маълумотларига таяниб, Андижон ва унинг атрофидаги шаҳарларда қизлар мактаблари очилганини ёзган (53-бет).

Сифатлар бўлимида муаллиф Алишер Навоий таъсирида ўзи ҳам соқийнома ёзганини уқтиради ва ундан бир парча келтиради:

خرابات ارا كيرديم ايلب صدا

سنوق كاسه ايلكمذه ميكه كدا .

[xarōbōt arō kirdim aylāb sadō
sinūq kosā ilkimda māyga gadō]

Ушбу соқийномага туртки бўлган асар Навоийнинг «Ғаройиб ус - сиғар» девонидаги:

Кетур соқий, ул майни субҳи аласт

Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст

байти билан бошланувчи ўн бандли таржеъбанднинг ҳар банди якунидаги:

Харобот аро кирдим ошифтаҳол

Май истарға илкимда синган сафол,¹

байтининг давоми деб ўйлаймиз. Китоб муаллифи Навоийни доимо ўзига устоз деб билганини англаш мумкин.

¹ Бу ҳақда қаранг: Қаюмов Азиз. Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – Б. 4-5.

P.S. Ушбу мисолларни А. Қаюмов кирил имлосилаги ўзбек тилида ёзгани сабабли биз ҳам шундай қолдирдик.

«Чигатой тили» китобининг «Сифатлар» бўлимида Фарғона водийси ва Тошкент шаҳри аҳолисининг мақол ҳамда маталларидан намуналар ҳам келтирилган. Уларни ўқир эканмиз, ҳозирда унутилган ёки кишилар кам ишлатадиган мақоллар эканини пайкадик. Улар дарсликнинг ўзбеклар миллий хусусиятини кўрсатиш учун мавзуга қўшимча шарҳлар тарзида берилган, деб ўйлаймиз. Масалан: «*Кўп санагувчи одам хато қилибдур*», «*Олма еб оғриқ бўлгунча узум еб ўл*», «*Узум олгач шафтоли ҳам олгач кел*», «*Совуқ кўптур кўмир йўқтур*».¹

Аввало шуни айтиш зарурки, ушбу мақоллар лотинча транскрипцияда берилган ва немис тилида шарҳланган. Хартманн бу мақолларни тўлалигича тушунмаган ёки уларга етарлича аҳамият бермаган, деб ўйлаймиз. Чунки кўплаб мисолларни матн остида шарҳлаган муаллиф юқоридаги мақолларга қўшимча тўхталмаган. Ваҳоланки, бу ҳикматлар мағзида ўзгача маънолар ҳам англашилади. Уларда ўзбек халқининг фалсафий ўғитлари, шунингдек, она ер неъматларидан оқилона фойдаланишдаги кўрсатмалар мавжуд.

6-бўлим «Турли қоидалар» деб номланган бўлиб, у юқорида берилган қоидалар умумлаштирилган ҳолда баён қилинган хрестоматия ҳисобланади. Бу бўлимда китобда зикр этилган қоидаларни амалда қўллаш учун Навоийнинг 3 ғазали тўлик ҳолда ва «Махбуб-ул қулуб»дан 2 та парча ҳамда уларнинг немисча таржималари ҳавола қилинган. Ғазаллар ва насрий парчаларни тўғри ўқиш ҳамда тўлик тушуниш учун айрим қўшимча грамматик, лексик ва ҳуснихат қоидалари берилган. Айниқса, Шарқ шеърияти учун хос бўлган келишиқ қўшимчаларининг байтларда қўлланиши, кўп ҳолларда, вазн тақозосига кўра, гапларда кишилиқ олмошларининг тушиб қолиши ва бундай ҳолларда байтдаги мазмунни англаш усулларига махсус тўхтаб ўтилган.

Ёзув санъати, яъни хаттотлик ҳақида сўз борганда ёзув турларидан намуналар берилган. Жумладан, 112-қоидада نى (nē) сўроқ олмошининг маъноси, гапда қўлланиши, ёзувдаги алоҳида ва

¹ Hartmann M. Caghataisches. S.39.

ўзидан кейин келадиган сўзларга бирикиб келиши ҳақида матн ичида мухтасар глоссарий берилган: ...Агарда نى [nē] сўрок юкламаси сабаб ҳолини кўрсатувчи اوچون [učūn] сўзи билан қўшилиб келса, ҳамза тушмайди ва نيچون [nečūn] шаклида ёзилади. Худди шундай коида билан هم (ham) ва اول [ul] сўзлари همول [ham ul] шаклида ва اي ملكسيما [ēy malāksiymō] бўлиб келаётган нидоли юклама ايملكسيما шаклида ёзилади.

Юқоридаги қоидалар ва талаблардан сўнг дарсликнинг ёзилиш сабаби, Навоий ғазаллари ва насрий асарларидан олинган парчалар аслият ва немисча таржималарда матн ичидаги ва матн остидаги изоҳлар билан берилган. Биринчи ғазал жами 5 байтдан иборат бўлиб, матлаъси:

روشندررررگى ميه ر يوزونكن الور صفا
 (74-76-бетлар) يوقسه نى وجخ ايله قمر اندين تاپر ضيا
 [ravšandrurkī mēhr yuzūngdim olūr safō
 yoqsa nē vājh ila qamār ōndin topār ziyō]

Иккинчи ғазал 7 байтдан иборат бўлиб куйидаги байт билан бошланган:

نى نوا ساز ايل ا كاي بلبل گلستاندين جدا
 (76-77-бетлар) ايلاماس طوطي تكلم شكرستاندين جدا
 [nē navō sōz aylagay bulbul gulistōndin judō
 aylamās tōti takallum šakkaristōndin judō]

Учинчи ғазал 5 байтдан иборат бўлиб

مهوشكي كيم مهريدين بلدوم جهان اواره سي
 (78-79-бетл.) رحم ايتب بر چاره قيلماس¹ اولسه هم بيچاره سي
 [mahvāškim mēhrīdin boldum jahōn ovvōrasi
 rahm etib bir čōra qilmas ol̄sa ham bečōrasi]

матлаъси билан бошланган.

¹ Аслиятда шундай ёзилган: قولماس

Бундан ташкари дарсликка «Махбуб-ул қулуб»дан 2та парча киритилган. Биринчи парча «*عمرني فایدہسي حقیدہ*» – [umrni foydasi haqida] (немисчада: Das Nutzen des Lebens) деб номланади. Парча аслиятда қуйидагича бошланади:

*عمرني غنيمت بيل صحت و امنيتغه شكر قيل غنا طريقت توز فقره مباحث كوركوز.
!مذهبتك ني اخفاليق بيلا ايلدين يخشي اسرا و بارماغينكي يخشي و ياماندين مخفي ساقلا.*
(79-80-бет)

[... umrni ḡanimāt bil sihāt va amniyātga šukūr qil ḡinō tariqāt tuz faqirğa mubōhat kōrguz mazhābingni ixfōliḡ bilā ʿeldin yāxši āsra va bārmōḡingni yāxši va yamōndin maxfiy saqla]

Немисча таржимаси: Betrachte das Leben als eine Beute, sei dankbar für Gesundheit und Sicherheit. Bahne dem Reichtum einen Weg, zeige der Armut trotzigem Stolz. Deine Überzeugung halte geheim und huete sie gut vor Fremden, deinen Wandel wahre in Heimlichkeit vor Guten und Bösen...

Иккинчи парча «Vom Nutzen des Reisens» – «*سفر منافعى ذكريد*» [safār manōfei zikrīda] (маъноси: Сафарнинг фойдаси ҳақида) мавзусидаги ҳикматлардан тузилган:

*ارضي ساكن قايدا صيپهري دهور قايدا ترابي ممكن قايدا كوكبي سيار قايدا، اول برى
سكوندين حخاكسار لار پاي اندازي بولدي و بيرى تحريك لار سرفراز لار سرفرازى.²*
(80-82-б.) [ʿarzi sōkin qayda sipēhri devōr qayda turōbi mamkūn qayda kavkabī sayyōr qayda ul bir sukūndin hōkisōrlar poyāndōzi bōldi va bu bāri tahriklar sarafrōzlar sarafrōz]

Парчалардаги панд-насихат немисча таржималарда мукаммал ифодаланган. Шарку Ғарб кишилари учун бирдай азиз ҳикматлар китобнинг илмий қийматини оширган. Ўқувчи ўрганган қоидалар эндиликда ўзининг самарасини бермоқда. Ҳикматларнинг, худди

² Ушбу асар Алишер Навоийнинг хижрий 1289 йилда Истанбулда нашр этилган «*محبوب القلوب*» асарининг 187 – саҳифасидаги 6-187 каторларда келтирилган.

мақоллардай, қисқа сатрларда чуқур маънога эгалиги, уларда Навоий ижодига хос бўлган юксак бадий санъатларнинг қўлланиши таржимада ҳам бир қадар қайта яратилган. Жумладан, аслиятдаги сўзларда чўзик «о» ва «ё» товушларининг такрорланиб келиши (سرفراز, پای انداز, حاکسار, مہابار, دیوار, مکان) ¹ сабабли юзага келган мусиқийлик немисчада «Reisen», «kreisen(de)», «schweifen(de)» сўзларидаги «ei» дифтонги иштирокидаги мусиқийлик билан бир қадар қайта яратилган.

Шунингдек, аслиятдаги «қайда» сўроқ олмоши тўрт бора қўлланиши матннинг маъновий ва бадий оҳангини оширган бўлса, таржимада шу маънодаги «wo» (қайда) сўроқ олмошининг тўрт марта қўлланиши аслият ва таржиманинг бадий уйғунлигини таъминлаган. Аслиятдаги ҳар бир жумланинг якунида такрорланиб келувчи «қайда» радифи таржимада мутаносиб равишда «wo» (қайда) шаклида жумланинг бошига кўчган. Немис тили фонетикасида олмошларга урғу тушмайди. Аммо таржимадаги гапда урғу айнан «wo» сўроқ олмошига тушган. Аслият вазни билан ҳамоҳангликка эришиш учун таржиманинг учинчи жумласидан бошлаб «sein» феълининг учинчи шахсдаги шакли (ist), маънога таъсир этмагани ҳолда, тушириб қолдирилган. Аслиятда қофия бўлиб келган «сокин», «девор», «сайёр», «пойандози», «сарфарози» каби сўзлар таржимада ҳам, маъно жиҳатдан, айнан келтирилган бўлса-да, аммо қофия вазифасини бажаролмаган. Лекин мутаржим бунинг ўрнига, матннинг мусиқий жарангдорлигини саклаш мақсадида, ўзига хос йўл тутган. У таржимада қофиядош сўзларни мисралар ичида қўллаган: «tuhende»—«schweifende» —«kreisende». Шу йўл билан аслиятдаги мусиқийлик таржимада қисман қайта яратилган.

Хартманн китобига киритилган ғазаллар, асосан, исломий ва маънавий-маърифий моҳиятдаги шеърлар бўлиб, уларни, шартли равишда, қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Инсоний гўзаллик, ишқ-вафони улуғловчи ғазаллардан олинган байтлар, улар 20 байтни ташкил қилади.

¹ Ушбу сўзларнинг ўқилиши юқоридаги сатрларда берилган.

2. Ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳидаги ғазаллардан олинган матнлар, улар 22 байтни ташкил қилади.

3. Тасаввуфий мазмундаги ғазаллардан олинган байтлар; улар 15 байтни ташкил қилади.

Бу китоб Европада ўзбек тили бўйича яратилган бошқа кўплаб дарсликларга шакл ва мазмун жиҳатидан намуна бўлган. У Навоий асарлари таржималари соҳасида ҳам машҳур бўлиб, шоир асарлари ўғирмалари тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

1.2. Алишер Навоий ғазали Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида

Алишер Навоий Шарқ шеърлятидаги деярли барча жанрларда ижод қилган. «Хазойин ул-маоний»да шоирнинг ўзбек тилидаги лирик мероси жамланган бўлиб, унда ғазал етакчи жанр ҳисобланади. «Чор девон»да 2600 та ғазал мавжуд. Улардан 21 таси немисчалаштирилиб, дастлаб «Шарқ юлдузи» журнали ҳамда Москвада, немис тилида чиқадиган «Neues Leben» газетасида эълон қилинган.¹ Таржималар ўзбек германисти Йўлдош Парда ва немис шоираси Нора Пфферер ҳамкорлигида амалга оширилган. Адабиётшунос Р. Абдуллаевнинг таъкидича, «ҳозирда шоирнинг жами 50 та ғазали немисчалаштирилган».² Аммо олима Хартманн таржимасидаги 3 та ғазал ва шоирнинг турли асарларидан танлаб олинган 57 байт ҳамда Александр Зайдел тартиблаган «Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur» тўпламидаги ғазални бу ҳисобга қўшмаган. Гарчи қўлимизда мавжуд бўлмаса ҳам, Хартманн шохидлигини ҳисобга олганда, Йоханнес Аветаранианнинг шоир қаламига мансуб 2 та ғазални немис тилига таржима қилгани ва шарҳлагани ҳам бу ҳисобни тўлдиради.

Навоий асарларининг немис тилига қилинган таржималари борасида олиб борилган тадқиқотлардан асосий мақсад шоир асарларининг немисча таржималарини жиддий таҳлил қилиш,

¹ Парда Й. Бир ғазал жилваси // Шарқ юлдузи: 1991. № 9. – Б. 187-190.

² Абдуллаева Р. Ғарб олимлари Навоий ва Бобур ижоди ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. №1. 2007. – Б. 40-45.

уларнинг ютук ва камчиликларини кўрсатиб, Навоийдек буюк зот асарлари таржимасининг ўзига хос томонларини таҳлил қилиш ва мукаммаллаштириш йўлларини ҳамкорликда излашдир. Шу мақсад билан ушбу фаслда Мартин Хартманнинг Навоий ижодига оид

نى نوا ساز ايللا كاي بلبل كامتائين جدا

ايللا ماس طوطي تكلم شكر ستاندين جدا

[nē navō sōz aylagay bulbul gulistōndin judō

aylamās tōti takallum šakaristōndin judō]

матлаъси билан бошланган ғазалнинг немисча таржимаси ва киёсий-услубий таҳлиliga киришдик. Ғазал «Чиғатой тили» дарслиги Хрестоматия бўлимида берилган бўлиб, «Ашракат» қўлёзма девонининг* 26-саҳифасидан ўрин олган.¹ Хартманнинг «Марказий Осиёга оид китоблари коллекцияси»да бу ғазал киритилган девон Навоийнинг «Хамса» қўлёзмаси таркибида кўрсатилган.²

Мартин Хартманн ўзбек мумтоз шеърятининг мохир таржимони сифатида Навоий асарлари таржималарига жиддий тайёргарлик кўрган. Бунгача у турк, форс ва араб шоирлари ижоди бўйича кўплаб тўпламлар тартиб берган бўлиб, улардаги шеърларнинг бир қисмини ўзи таржима қилган.

Алишер Навоийнинг ўзига хос ижоди ҳақида профессор А. Ҳайтметов шундай фикр билдиради: «... маълумки, Навоий мутасаввиф шоир. Унинг асарлари исломий-маърифий маъно ва тимсоллар билан бойиган. Айниқса, унинг ишқий шеърларидаги лирик қаҳрамон муаллифнинг ижодий фантазиясида яратилган ошиқ. У, асосан, ошиқ Навоий тилидан гапиради».³ Унинг

¹ Ушбу ва бошқа ғазаллар тўлиқ маълумот учун қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 3-том. Ғаройиб ус-снгар. – Тошкент: Фан, 1988. – 616 б.; Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. – Тошкент: Ф.Фулум нонидаги НМИУ, 2011. – Б.250; Навоий ҳақида немис тилида маълумот учун к.: Navoi, Nisomiddin Alischer // Lexicon der Weltliteratur. Fremdsprachige Schriftsteller und anonyme Werke von den Anfängen bis zur Gegenwart. – Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1967. – S.547-548.

*Европада «Ҳазойил ул-маоний» таркибидagi «Ғаройиб ус-снгар» девонини унинг «Ашракат мин акси шамсил каъси анвор ул-худо» мисраси билан бошланувчи ғазали шарафига «Ашракат» девони деб ҳам номлашган.

² Hartmann M. Die ostuerkische Handschriften der Sammlung Hartmanns. – Berlin, 1904. – S. 3.

³ Ҳайтметов А. Алишер Навоий лирикаси. – Тошкент: ЎзССР ФА. 1961. – Б. 295

асарларидаги ботиний ва зохирий маънолар ҳақида шоир ва олим Жамол Камол куйидагича мулоҳаза билдирган: «Навоийнинг ҳар бир байти замирида бир, уч, беш ёки ўнлаб маъно ва мазмунлар яширин, инчунин, уларнинг изоҳи учун бир, уч, беш ёки ўнлаб талқинлар туғилиши – муқаррар. Уларнинг қирралари, чизгилари, товланишлари, рамзу ишоралари беҳисоб. Дунёни бир қарашда камраб олиб бўлмаганидек. Бир йўла қамраб олиб бўлмайди».¹

Бу икки олимнинг Навоий ижодига берган таърифларини шоир ғазалининг немисча таржимасида исботлашга интиламиз. Зеро таржима аслиятни тўлиқ акс эттирсагина муваффақиятли (адекват) саналади.

Таржима таҳлилига киришаётганимиз бу ғазал шоирнинг «Ҳазойин ул-маоний» девонидаги «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан ўрин олган. Ғазални Истанбул нухаси билан солиштирганимизда айрим ўзгаришлар кўзга ташланди. Жумладан, ҳар икки девонда ғазал 7 байтдан иборат бўлса-да Истанбул нухасида байтлар жойлашуви ва айрим сўзлар ўзгарган.² Ҳар икки девондаги дастлабки 3 байт айнан келтирилгани ҳолда, 4-байт, яъни:

بولسا يوز مينك جاينم آل ای حجر ليکين قيلماغيل

يارنى ميندين جدا يا حود مينى اندين جدا

[bõlsa yũz ming jõnim õl ēy hãjr lēkin qilmõgīl
yõrni mendin judõ yõxũd menĩ õndin judõ]

билан 5-байт, яъни:

هجر اولومدين تلخ ايمش موندون سونك ای كرون مينى

ايلاغ جاندين جدا قلغونچا جاناندين جدا

[hãjr õlimdin talx emiš mundin song ēy gãrdun menĩ
ãylağil jõndyn judõ qilgũnča jonõndin judõ]

¹Жамол Камол. Қизил, сориг, яшил // Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. Нашрга тайёрловчилар А. Шаропов, Б. Эшпўлатов. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 137.

²«Чигатоӣ тили» дарслиги ўзбек тилини янги ўрганишга киришган киши учун тайёрлангани сабабли, юктобдаги сўзларни тўғри ўқиш мақсадида, ёрдамчи белгилар қўшилган, айрим ҳолларда, кўска ушшиллар ёзилган ёки ўзбекча сўзларни туркча усулга солинган. Шунинг учун ишимизда аслиятлаги каломларни қўлаймиз

байтларининг ўрни алмашиб қолган. Шунингдек, Истанбул нусхасининг 6-байтида келган « قلفوسيدور صبيخ اني شمع شبستاندين جدا » [qilgūsidūr subx āni šamī šabistōndin judō] мисрасидаги « قلفوسيدور » сўзи Тошкент нусхасида « قلفوتبكتور » [qilgūdektur] сўзига ўзгартирилган. Аммо бу каби фарқлар таржима сифатига деярли шикаст етказмаган.

Ушбу фаслда Мартин Хартманнинг Алишер Навоий асарларининг мохир таржимони бўлганини асослаш учун мумтоз шоир қаламига мансуб ушбу ғазалининг немисча таржимасини таҳлилга тортамыз.

Навоийнинг бу ғазали арузнинг рамали мусаммани маҳзүф вазида ёзилган бўлиб, у енгил ва равон ўқилади. Шеърда бадий санъатлар кўп қўлланган. Унда, анъанага кўра, ошиқ булбул ва тўтига қиёсланмоқда. Ошиқ ўз ҳолини тўғридан-тўғри изҳор этмасдан, аввал табиатдаги булбулу тўтиларни мисол қилиб, кейин уларни солиштириш орқали ички кечинмаларини ифодаламоқда. Булбул гулистондан жудо бўлса, наво қилолмайди, тўти шакаристондан жудо бўлса, сўзламайди. Яъни тўтига хушзабон Зот нутк ўргатмаса у қандай гапирсин? Бу ўринда шоир усталик билан таносуб, истиора санъатларини қўллаган. Булбул ва тўти – ошиқ рамзи, гулистон ва шакаристон эса гўзал маъшуқа, яъни ёр.

نى نوا ساز ايلا كاي بلبل كلستاندين جدا

{ايلا ماس طوطي تكلم شكرستاندين جدا}

[nē navō sōz aylagay bulbul gulistōndin judō
aylamās toti takallum šakaristōndin judō]

Мутаржим байтни куйидагича ўтирган:

Wie soll der Nachtigal Melodien singen ohne Rosenhain

Nicht redet der Papagei ohne Zuckerbuckse.

Мазмуни: Булбул гулистонсиз қандай қилиб куйлайди, тўти шакар қути бўлмаса, сўзламайди.

Маълумки, Шарқ ва Ғарб адабий оламининг гўзаллик ва муҳаббат мавзусидаги тушунча, образ, ранг, рамз ва ҳолатлари,

гарчи, шаклан бир хил кўринса-да, ўзаро фарқ қилади. Адабиётшунос олима Г. Ҳаллиева ўзининг «XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи» мавзусидаги монографиясида парвона образининг Фарбу Шарқда енгилтаклик рамзи эканини таъкидлагани ҳолда, Навоий ижодида бу образ ижобийлик касб этишини таъкидлайди.¹ Гарчи бу образ - атамалар ҳозирги кунда ҳам ҳаётимизда салбий тушунча касб этса-да, Алишер Навоий ғазалини ўқиганда бир муддат яна шоирнинг руҳий таъсир доирасига тушиб қоламиз.

Ҳар икки халқлар адабиёти учун ҳам мувофиқлик касб этган образлар ва жилолар ҳам мавжуд. Булар гулнинг маъшуқа, гулзорнинг севги, гўзаллик, фаровонлик ва ошён, гул бериш севги ва хурмат-эҳтиром изҳори, булбулнинг эса ошиқ рамзи эканида кўринади. Булбулнинг наво килиши – куйлаши – севги изҳори. Аммо байтда тўтининг ҳам булбул каби ошиқ рамзи бўлиб, ижобий образ сифатида талқин этилиши Фарб адабиёти учун янгилик. Навоий бу борада мутлақо ўзига хос йўл тутган – янги тасвир, янги мажозларни шеърятга киритган. Шоир *гулистон* сўзига қофиядош қилиб *шаккаристон* сўзини қўллаганки, бу сўз немис тилида ҳам айнан шу маъно ва шаклда йўқ. Бу сўз ўзбек тилини луғавий жиҳатдан қанчалик бойитган бўлса, таржимонга шунчалик муаммо туғдирган. Аммо Шарқ шеърятини, хусусан, Навоий ижодидан яхши хабардор бўлган мутаржим шоирнинг бу байтда ҳам новаторлик қилиб, янги истилоҳ яратганига кўниккан ва уни немисчага «*der Zuckerbuckse*» деб ўтирган. Бу сўз немис тилида «*шакар солинадиган қути*», «*шакардон*» ёки «*қанддон*» маъносини беради,² мажозий маънода эса ширинликлар оламини англатиши мумкин. Бу эса немисларга тўти шакар солинган қути – шакардон олдида яхши сўзлайди – сайрайди, деган тасаввурни келтириб чиқариши билан бирга унинг ширинлик ошиғи эканини ҳам англатади. Шунингдек, «*ватан*» сўзи «*ширинлик*» маъносига ҳам тенглаштирилган. Шу

¹ Ҳаллиева Г. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи: Филол. фал. д-ри (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент, 2016. – Б.18.

² Das grosse Deutsch-russische Woerterbuch. Autoren: E.I. Leping u.a. Herausgegeben von Prof. O.I Moskalskaja.- М.: – Verlag Sowjetskaja Enziklopedija, 1969. – S. 635.

тариқа немис тили ва адабиёти, сўз маъносининг кенгайиши хисобига, янги образ билан бойиган.

Немис олими шеърни, гарчи илмий таржима қилган бўлса ҳам, сўз тартибини шеърини оҳангга яқинлаштирган. Немис тили грамматикаси қоидаларига кўра таржимадаги сўз тартиби куйидагича бўлиши лозим:

Wie soll der Nachtigal ohne Rosenhain Melodien singen?!

Der Papagei redet ohne Zuckerbuckse nicht.

Бунда сўроқ олмоши, кесим, эга, тўлдирувчи ва инкор олмошлари бирин-кетин келади. Бундай ҳолатда асосий урғу гапнинг охиридаги сўзга тушади. Аммо мутаржим аслиятдаги «гулистондин жудо», «шаккаристондин жудо» - яъни, қофия ва радифни таржимада маъновий¹ ва услубий жиҳатдан қайта яратиб мақсадида шу сўзларга яқин бўлган «ohne Rosenhain» (гулзорсиз), «ohne Zuckerbuckse» (ширинликсиз) каби ибораларни мисралар охирига жойлаштирган ва шу ибораларга алоҳида урғу берган.

Шу ўринда машҳур немис тилшуноси ва таржимашуноси Вилхелм фон Хумбольдтнинг ўз ватандоши – таржимашунос олим Август Шлегелга ёзган мактубидаги бир ҳикматни эсга оламиз: Ҳар сафар янги таржима жараёнида ечиб бўлмас муаммога дуч келаман. Зеро, ҳар қандай таржимон сув остидаги кўринмас икки қояга урилаваради: ё ўз халқининг диди ва тилини ҳисобга олмай, аслиятни ўта аниқ таржима қилади ёки халқининг хусусиятларига монанд қилиб, аслиятни шунга мослайди.² Хумбольдтнинг бу мулоҳазалари ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Таҳлил этилаётган ушбу байт таржимасида ўша «ечиб бўлмас муаммо»га бир қадар дуч келинган. Таржимон Шарк адабиётига хос усулда гулистон, бўстон, шаккаристон каби гўзаллик объектларини ифодаловчи, бир мунча мавҳум тушунчаларни немисчага ўз халқининг лисоний имкониятларидан келиб чиқиб, аниқлаштириш усули билан ўтирган. Гарчи ғазал немис тилига маъновий гўзал

¹ Ушбу сўз «маъно жиҳатдан» тушунчасини аниқлаб, бизнинг томонимиздан илк бор таълиқ қилинмоқда.

² Humboldt W.: Sein Leben und Werke, dargestellt in Briefen, Tagebüchern und Dokumenten seiner Zeit.// Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода. – Москва, 1983. – С. 31.

таржима қилинган бўлса-да, аммо шеърятнинг асосий дастмояси – қофия, радиф, вазн каби тушунчаларнинг йўқлиги Навоийдек даҳо шеърининг немис тилида аслиятдагидай гўзал чиқишига имкон бермаган. Бу эса ғазалнинг яна янги таржимасига эҳтиёж борлигидан далолат беради.

Албатта, Навоий ғазалини қўшимча шарҳларсиз тушунтириш қийин. Айниқса, Шарқ назмини эндигина ўқиётган хорижлик ўқувчи учун бу яна ҳам мураккаб муаммо туғдиради. Таржимоннинг мақсади «Чигатой тили» дарслиги билан Европа аҳлининг ўзбек тилига бўлган қизиқишларини бир қадар кондирш, яъни тил ўрганиш борасидаги дастлабки сабоқлар бериш бўлгани учун ғазални махсус таҳлил қилмаган. Хартманн бу ишни «Der Islamische Orient» газетасининг 6-сонида босилиб чиккан «Навоий» номли мақоласида амалга оширган.¹

Ғазалнинг 2- байтида олдинги байтдаги фикр кучайтирилган:

فالکني اور تاکي اول قویاش هجریدا قورقارمین
هر شراری کیم بولور بو اولتوغ افغاندین جدا

[ul quyōš hajrīda qorqōrmen falākni oṛtagay
har šarōrēkim bōlur bu oṛlūg afgōndin judō]

Байтда ошиқ кечинмалари тасвири янада кучлироқ ифодаланган: Ул Куёш– Ёр ҳажрида ўтлуғ афғоним (нолам)дан жудо бўлган – ажраб чиққан учкунлар фалак (осмон)ни ҳам ўртайди, деб кўркаман.

Маъшуқа – Аллоҳ рамзи, ошиқ – солиқ, ҳижрон эса Ҳакдан, вақтинча бўлса-да, айрилиш, яъни кўнгилнинг бошқа ўй-ташвишлари билан банд бўлиши, афғон – Ёр ишқида ёнаётган безовта, бетоқат ошиқ аҳволининг ночорлигини англатади.

Байтнинг немисча таржимаси:

Bei der Trennung von jener Sonne fürchte ich, dass den Himmel
verbrenne jeder Funke, der von dieser glühenden Klage sich trennt.

¹Hartmann M. Navai. In: Der islamische Orient VI. – Berlin, 1902. – 45-52 S.

Маъноси: Ул куёш айрилиғидан кўрқаманки, у туфайли оловли ноламдан чиқаётган ҳар бир учкун осмонни ёндиради.

Таржимада байтнинг мазмуни тўла ифодасини топган. Маъшуканинг Куёш қадар улуғланиши таржимага ҳам кўчган. Шу ўринда Европанинг бир катор халқлари маъшукани Куёшга менгашларини эсга олиш жоиз. Демак, Навоий томонидан қўлланган бу усул – Шарку Фарб халқларига тушунарли. Муболага «*كشى نىڭ اوتلۇغ نالاسى دىن چىقاتكىن الاو بىتون فلک نى كويدىرىشى*» [*kišning otlüg nōla - afgōnidin čiqayōtgan olōv butōn falākni kuydirisi*] таржимон томонидан қайта яратилган. Байтнинг ботиний ва зохирий маъно англатиши немис тилида муваффақиятли чиққан. Хартманн матн ости изоҳларида, таржимага қўшимча қилиб, Шарк шоирларининг ғазалларида ошиқ ноласининг бу қадар изҳор қилиниши ҳақида шундай ёзади: - «*Der Gedanke, dass der leidenden Liebe Glut das gesammte Universum in Flammen aufgehn lässt, gehört zum Reportorium dieser Dichterei.*»¹

Маъноси: Ишқнинг оловли ҳарорати бутун осмонни ёндириши ҳақидаги фикрлар бу шеърятда энг кўп қўлланади.

Таржимонга бу тасвир форс ва турк шоирларининг ғазалларидан маълум эди. У байтнинг мажозий моҳиятини, яъни ошиқнинг маъшуқа ҳажридаги руҳий ҳолатини тўғри акс эттирган. Демак, байтда истиора санъати ҳам қайта яратилган.

Рус адабиётшуноси Г.М. Стрельковский таржима жараёнидаги тўрт жиҳатни қайд этади: Булар – реал воқелик объектлари, уларнинг субъектив образлари, тил системаси унсурлари ва инсоннинг ҳиссий – эмоционал ҳолати.²

Ғазалнинг Хартманн таржимасини шу жиҳатдан кузатсак, реал воқелик яъни инсон тақдирининг табиат кучларига боғлиқлиги, бу боғлиқликнинг шоир томонидан субъектив равишда ижобий образлар – Куёш, фалак, шарора, ўтлуғ афғон ва салбий образ – ҳажр шаклида инсон тақдирига таъсири, образларнинг

¹Hartmann M. Saghataisches. S.77. Anm. 2

² Стрельковский Г.М. Пособие по переводу с немецкого яз. на русский и с русск.языка на немецкий: – Москва: Высшая школа, 1973. – С. 168.

таржимон билими ва ҳаракати билан аслият тилидан иккинчи тилга шикастсиз кўчира олиш маҳорати яққол кўзга ташланади.

Ғазалнинг 3-байти аввалги байтдаги дил изҳорига жавоб:

ديما هجرانمدا چيكمي سين فغان و نالا كوب

جسم ايلرمو فغان بولغي نفس جاندين جدا.

[demā hijrōnimda čekmāysan fiğōnu nōla koḅ
jism aylārmū fiğōn bołgōy nafās jōndin judō]

Яъни: Ҳижронимда фиғону нола чекмайсан, дема. Ахир, нафас жондан жудо бўлгач, (яъни киши ўлгач) жонимдан айрилган жисм фиғон айлай оладими?! «Жон» бу байтда «равон», «юриб борувчи» каби иккинчи маънони ҳам англатади. «Жисм», яъни жонсиз жисм – «қора тупроқ»дек гап. «Қора тупроқ» эса ҳаракатсизлик маъносида келяпти. Байтдаги «жон» ва «жисм» сўзларининг қўллангани ҳам таносуб, ҳам зидланиш - тазод санъатини юзага келтирган.

Немисча таржимаси: *Sage (mir) nicht: du klagst und weinst nicht genug bei der Trennung von mir; klagt der Leib, wenn der Lebensodem von der Seele getrennt ist?*

Маъноси: Менга демаки, сен мендан жудо бўлганиндан етарли (кўп) нола қилмаяпсан, (йиғламаяпсан); ҳаётий нафас қалб(им)дан жудо бўлгач, тана нола қиладими?

Таржимашунос олимлар Ғ.Саломов ва Н. Комилов «Дўстлик кўприклари» номли китобда Миртемирнинг Пушкин шеъриятидан қилган таржималари ҳақида шундай ёзишган: ...*Мисрама-мисра аниқ таржима. Аслиятдаги сўзларнинг деярли ҳаммаси – таржимада муҳайё. Лекин маъно ёрқин... Миртемир асарни сўзма-сўз таржима қилгани учун эмас, Пушкиннинг руҳига киргани учун мана шундай ажойиб сатрларни ярата олган.*¹ Шундай усулни Хартманн ҳам қўллаган, яъни Навоий руҳига синга олган. Шунинг учун ғазал моҳияти, ҳатто шоирнинг бадий маҳорати таржимада ифодаланган. Ғазал таржимасини ўқиган киши чуқур ўйга толади,

¹Саломов Ғ. Комилов Н. Дўстлик кўприклари. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 107.

Шарқ мутафаккирининг фалсафий фикрларини англашга ҳаракат қилади.

Буюк немис шоири Гёте «Фаус» асарида чуқур фалсафий мушоҳадани ифодалаб, унинг ечимини қадимий лотин лотин тилидаги мақоли орқали акс эттиради: *Carpe – carere*¹ – жисм – қамоқхона. Инсон руҳи ҳар хил нокерак мажбуриятлардан озод бўлсагина, ором топади. Бу ором фақат Аллоҳ билан бирликдагина содир бўлади. Яъни инсон шайтоннинг хийла-найрангларига бир муддат алданиши мумкин. Лекин умрининг якунида бари бир Аллоҳга қайтади. Демак, бу байт Шарқу Ғарб олами учун қадимий мулоҳаза ва мушоҳада объекти бўлиб, жисм ва жон, руҳият ва нафс, Аллоҳ ва Шайтон ўртасидаги азалий зиддият масаласига ишора.

Ғазалнинг 4-байтида аввалги байтдаги савол-жавобдан сўнгги ҳолат – ошиқнинг хижронга нидоси ифодаланган:

بولسا يوز مينك جانم آل اي هجر لتكن قلماغل

يارني ميندين جدا ياحد ميني اندين جدا.

[bōlsa yūz ming jōnim ōl Ēy hajr lēkin qilmōgil
yōrni mēndin judō yōxud meni ōndin judō]

Байтнинг немисча таржимасидан ҳам айнан шу маъно англашилади:

Hätte ich hunderttausend Seelen, nimm sie hin, o Trennung (Schicksal), aber trenne nicht den Freund von mir oder mich von ihm.

Маъноси: Агар юз минг жоним бўлса, олақол, эй айрилик (тақдир), аммо дўстни мендан ёки мени ундан жудо қилма.

Бу мисолимизда аслиятдаги фикр қисқа ва лўнда ифодаланган. Байтдаги фикр, яъни руҳ жон ва жисмдан айрилиб, Дўст – Ёрга қўшилгач, осойиш топиши ўз аксини топган.

Байтдаги истиора санъати намунаси таржимада табиий чиққан. Ундаги *der Freund* (дўст, ёр), *Seele* (қалб, жон), *Trennung* (айрилик, ҳажр, хижрон), *Schicksal* (тақдир), *nehmen* (олмоқ), *trennen*

¹Goethe von. J.W. Faust. – Berlin: Neues Leben. 1966. – 3.Ausgabe.

(айирмоқ, жудоқилмоқ) каби сўзлар таносуб санъатини келтириб чиқарган.

5-байтда ошиқ ўз тақдирини бутунлай маъшукқа топшириш ҳаракатида:

هجر اولومدين تلخ ايمش موندن سونك اى كردن ميني
ايلاغل جاندين جدا قىلغونچا جاناندين جدا

[hajr ʔlīmdin talx emiš mundin sōng ēy gārdun meni
aylaɣil jōndin judō qilguncha jōnōndin judō]

Байтдаги «жонон» – Судий Маснавийнинг фикрича, «жон» сўзининг кўплиги. У маҳбубни улуғлаш, унга чексиз ҳурмат билдириш ёхуд инсон учун жондин азизликни билдириш рамзи. *Гардун* – мутлақ руҳ. Одам ана шу моддий дунё чархпалагига ўралашиб қолса, *жабр* кўради. Шу каби фикрлар таржимада ҳам ўз аксини топган: *Trennung ist bitterer als Tod, darum, o Himmel, trenne mich von der Seele, sobald du mich von Liebchen trennst.*

Маъноси: Айрилиқ – ўлимдан аччиқроқ. Шунинг учун, эй давр (осмон), севгилим (жононим)дан айиргандан кўра, жонимдан айиргин.

Байтнинг немисча ўгирмасини кўздан кечирганда таржима учун жуда оддий сўзлар танлангандай туюлади. Бир қарашда, улар аслиятдаги мазмунни акс эттириш учун етарли эмасдай. Аммо айнан шу оддий сўз ва иборалар шеъриятга кўчганда ўзгача маъно ва жило касб этади.

Таржимоннинг муваффақияти шундаки, у аслиятдаги мазмунни айнан ифодалаш йўлини тутган: ошиқнинг севгилисидан айрилиши – жонидан кечишдан кўра оғирроқ эканини ўқувчига етказа олган. Байтдаги таносуб санъати ҳам тўлиқ ифодаланган: «*Trennung*» (айрилиқ-ҳажр), «*bitter*» (аччиқ-талх), «*Tod*» (ўлим), «*trennen*» (айирмоқ, жудо қилмоқ), «*Seele*» (қалб, жон), «*Liebchen*» (севгилим, жонон) каби бир-бирига алоқадор, дахлдор сўзлар немис тилида сўз ва фикр гўзаллигини келтириб чиқарган. Айникса, «*Trennung*» (айрилиқ, ҳажр) ва «*trennen*» (айрилмоқ) феълининг уч

бора қўллангани – тақрор санъатини юзага чиқарган ва фикрнинг кучайишини таъминлаган.

6-байт олдинги байтларда ифодаланган фикрларни бир силсилага солгандай бўлади:

وصل ارا پروانه اور تاندي همانا بي لادي كيم
قيلغوسي دور صبيخ اني شمع شبستاندين جدا.

[vāsī arō parvōna ɔrtandi hamōno bildīkim
qilǧusidur subh ōni šam ī šabistōndin judō]

Энди ғазалга янги образ – «*парвона*» кириб келди. У ботинан маърифатли, қатъиятли ошиқ рамзи. Биладики, «*субҳ*» (тонг) уни «*шамъи шабистон*» – «*қоронғилик шами*»-«*севги висоли*»дан жудо қилади.

Байтнинг таржимаси қуйидагича: In der Vereinigung verbrannte sich der Falter, da wubte er sofort, dass der Morgen ihn von der Kerze des Schlafgemachs trennen wird.

Таржима таҳлилига киришишдан аввал унда фойдаланилган сўзларни луғатдан кўриб чиқиш лозим. Чунки мутаржим ўтирмада оддий сўзлардан фойдаланганга ўхшаса-да, аслида ундаги ҳар бир калима аслиятдаги каби кўп маънолилиқ хусусиятига эга. Шунингдек, бу сўзлар кам ишлатиладиган (пассив) каломлар бўлиб, асосан, шеърятда фойдаланилади.:

1. a) die Vereinigung: а) соединение (қўшилиш), объединение (бирлашиш),

б) союз (иттифок) слияние (бирлашув).¹

2. Verbrennen, sich: – обжечься, (обо что-либо) – (бирор нарсага урилиб, куймок).²

3. Der Morgen: а). утро (эрталаб), (*переносно поэтич.* заря, (тонг);

б) завтра, завтрашний день (эртанги кун);

в) будущее (келажак).¹

¹Das grosse Deutsch-Russische Woerterbuch. Leping u.a.- Sowjetskaja Enziklopedija. – Moskau, 1969. – S. 508

²Кўрсатилган асар. – Б.504.

4. Das Schlafgemach: a). спальня (ётоқхона).²

Шу тариха байт таржимасида: бирлашувда парвона куйди, у тушундики, субҳ – ёруғлик уни қоронғулик шамидан айиради, деган мазмун англашилади.

Аслиятда «субҳ» (тонг) парвонани «шамъи шабистон» (қоронғиликни ёритувчи шам)дан жудо қилмоқчи. Шунинг учун у висолни афзал билиб, ўзини шамга уриб, у билан бирлашади. Айни шу ўринда Навоий ўзининг ички кечинмаларини изҳор қилаётганини сезиш қийин эмас.

Таржимада аслиятга нисбатан бир оз кескинрок тасвир яратилгандек кўринса-да, маъно тўғри акс этирилган: Парвона шам билан висолга етишади. Бу васл эса парвонанинг шамга урилиб, у билан бирлашиб кетиши – амалда жисмни куйдириб, жонни боқий қилиш дегани, яъни солиқнинг боқий дунёга сафаридан мақсади – Аллоҳга қўшилиб кетиш, Унинг васлига етишдан иборат. Мақтада ғазалдан англашиладиган хулоса жаранглайди:

ايكاسيز ايت بولوب ايردي نوآي يارسيز بير

[.يكاسيز ايت بولوب ايردي نوآي يارسيز بير egāsiz it bōlib ērdi navo:iy yōrsiz bōlmasūn yo rābki banda sultōndin judo]

Ушбу байт кўплаб тўпламларда турлича шаклда учрайди. Жумладан, «Хазийн ул-маоний» китобидаги «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан ўрин олган 37-ғазалнинг мақтаъсини профессор Анвар Ҳожиахмедов ўзининг «Алишер НАВОИЙ. Ғазал гулзоридан 100 оташин гул» номли тўпламида куйидагича ёзади:

Бир эясиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.³

¹ Кўрсатилган асар. – Б.110.

² Кўрсатилган асар. – Б.302.

³ Ҳожиахмедов А. Алишер НАВОИЙ. Ғазал гулзоридан 100 оташин гул. – Тошкент «Янги аср авлоди», 2013. – 37-б.

Шарқ шеърятда, жумладан, Навоий ижодида лирик қахрамон ўзини чумолидай ожиз ёки эгасиз итдай хор ҳолда тасвирлаши кўп учрайди. Бу ўхшатишлар кишининг ўз манманлиги, яъни нафсидан кеча олишини англатади.

Байтнинг таржимаси куйидагича: *«Ein herrenloser Hund wuerde Newa i ohne Freund; lass es nicht geschehen, o Herr, das jemals der Diener getrennt werde von dem Herrscher.»*

Маъноси: Навоий дўст-ёрсиз эгасиз итдай бўлиб қоларди. Бунинг содир бўлишига йўл қўймагин, эй Эгам, чунки бу – хизматкор хўжайинидан айрилиб қолганидай гап.

Байтда аслиятдаги сўз ўйини тўлик акс этган, барча образлар иштирок қилгани ҳолда маъно айнан ифодаланган. Албатта, бу байтда Навоий яна Аллоҳга мурожаат қиялпти. Шунингдек, 1-мисрадаги «ёр» сўзини ҳам Тангри, ҳам султон Хусайн Бойқаро, ҳам шоир атрофидаги бошқа кўплаб дўст – ёрлардан бири маъносида тушгуниш мумкин. 2-мисрадаги «султон» сўзини эса ҳам ўз маъносида, ҳам «Тангри» деб англаш лозим. Демак, шоир аввало, Рабга мурожаат қилиб, сўнгра сўз ўйини орқали Ундан халқни давлат бошлиғидан жудо қилмасликни сўраяпти. Мақтаъда «Раб», «ёр», «султон», «Навоий», «банда» сўзларининг келтирилгани ҳам бежиз эмас. Байтдаги Ёр – биринчи навбатда Аллоҳ, кейин эса султон Хусайн Бойқаро образи экани бир қатор китобларда ёзилган. Жумладан, дўстга бу қадар хурмат Навоийнинг «Муножот»ида ҳам ифодаланган. Унда Султон Хусайн номига шундай хайрли дуо бор: *«Илоҳи, Подшоҳи Исломни муслимин бошига тутғил бардавом, яъни бандаларинг устига қўланкангни қил мустадо.»*¹

Таржимада «иёсиз ит» образи аслиятдагидай муҳим вазифани бажаряпти яъни банда билан «Султоннинг» бир-бири билан узвий боғлиқлик даражаси образли тасвир билан ифодаланмоқда.

¹ Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. Тўплаб нашрга тайёрловчилар: Шаропов А. Эшпўлатов Б. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 8; Бу ҳақда яна: Аъзамов А. Муножотнома. Навоийнинг «Муножот» асарига шарҳлар. – Тошкент: 1997. – Б. 32: «Бу байтдаги «Подшоҳи Ислом» изофасини Хусайн Бойқарога нисбат бериш мумкин. Ҳақиқатан, Навоий ҳукмрон дўстини шундай унвон билан атаган ҳоллар унинг асарларида ҳам учрайди».

Байтнинг ўртасида келтирилган «*lass es nicht geschehen, o Herr!*» – (Эй Эгам, бундай бўлишга йўл қўймагин) нидоси ҳам эргашган қўшма гапнинг марказида келиб, муҳим лисоний вазифани бажармоқда. Гапнинг маъновий урғуси айнан шу қисмга тушмоқда. Шунингдек, ғазалдаги синтактик қурилишга монанд равишда немис тили гап қурилишига ҳам ўзгариш киритилгани – эргашган қўшма гапда бош гап ва эргаш гапнинг ўрни ўзгартирилгани аслиятдаги юқори пардани юзага чиқаришга хизмат қилган.¹

Аслиятдаги Худонинг яна бир номи – «*ё Раб*» нидосининг мутаносиб равишда «*o Herr*» – «*эй Эгам*», султон эса «*Herrscher*» – «*эга, хўжайин, раҳбар, ҳукмдор ҳукмрон*», «*банда*» – «*Diener*» – «*хизматкор*», «*хизматчи*» тарзида ўтирилгани таржиманинг бадийлигини оширган. Шу билан бирга таносуб ва истиора санъатларининг қайта яратилишига эришилган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Шарқ шеърятини хусусиятларини, хусусан, шеърдан англашиладиган маънони тасаввуфдан беҳабар европалик ўқувчилар тушунавермайди. Шунинг учун мутаржим қўшимча билимларга эга бўлиш лозим. Таржимачи иш жараёнида ўқувчининг билим савиясини ҳам эътиборга олиши зарур. Кўп ҳолларда Хартманн бу шартни ёдида тутган ва матн остида изоҳ ва шарҳлар берган. Бу тадбир шеърни тушунишда ўқувчига бир қадар ёрдам бўлган. Байтнинг немисча таржимасини ўқиб, изоҳлардан фойдаланиб, аслиятдаги тасаввуфий фикрларни у ёки бу даражада англаш мумкин.

Ғазалнинг бошдан охиригача чўзиқ «о» ва «ё» товушлари иштирок этган сўзлар қўлланган бўлса, таржимада оҳангни қайта яратишда ҳар бир байт учун маълум товушлар қатнашган сўзлардан фойдаланилган.

¹Riesel E., Schendels E. Deutsche Stilistik. – Moskau: Verlag Hochschule, 1978. – S.140-147.

1.3. Мартин Хартманн – қадимий манбалар тадқиқотчиси

Берлин киролик университети Шарқ тиллари кафедраси мудир, филология фанлари доктори, профессор Мартин Хартманн XX аср бошларида Европада асосан, арабшунос ва куръоншунос олим сифатида танилган бўлса-да, туркшуносликда ҳам бир қатор йирик тадқиқотлар қилган. Немис, инглиз, француз, испан, лотин, араб, форс, замонавий ва қадимий яҳудий, шунингдек, бир қатор туркий тилларни пухта эгаллаган, христиан, ислом ва яҳудий динлари аҳкомларини ҳам пухта ўзлаштирган Хартманн юзлаб илмий мақолалар ва китоблар ёзган.¹ У Германиянинг араб мамлакатлари, кейинчалик, Туркиядаги элчихоналарида таржимон ва диний хизматчи вазифасида ишлаган йилларида Шарқ халқлари ҳаётини яқиндан ўрганди. Узоқ йиллар давомида Туркиядаги мадраса, кутубхона ва бошқа илмий-тадқиқот институтларида илмий фаолият юритиб, Шарқ мамлакатлари сиёсати, иқтисоди, тарихи, санъати, тили, адабиёти ва маданиятига оид билимларини кенгайтди. Тиниб-тинчимас олим, 1901 йил баҳорида, Татаристон пойтахти Қозон шаҳридаги нашриётларда шарқшуносликка оид чоп этилган китоблардан сотиб олиш ва татар халқининг Ислом тараққиётига қўшаётган ҳиссасини ўрганиш, шунингдек, рус тилига оид билимларини мустаҳкамлаш учун Россияга келди.² Москвада, у машғулотлардан бўш вақтда, Тарих музейи Шарқ қўлёзмалари бўлимига мурожаат қилиб, музейнинг Скобелев коллекцияси билан танишишга ижозат сўради. Музей консервация бўлими раҳбари Орешников Хартманнга қисқа муддатга у ерда иш олиб боришга рухсат берди. Музейдаги иш фаолияти ҳақида Хартманн Германияда нашр қилинадиган «*Orientalische Literaturzeitung*» номли шарқшуносликка оид газетада қисқа маълумот ёзди. Аммо бу қисқа маълумот ҳам чор Россиясининг Марказий Осиё хонлиқларига қарши истилочилик сиёсатини ошқор қилиб, урушнинг фан, таълим ва маданиятга

¹ Ludmila Hanisch. Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht. Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler Ignaz Goldzicher und Martin Hartmann 1894-1914. Leipzig, Otto Harrasowitz Verlag, 2000.

² Шу асар, 170-бет, 31.03.1901 йилдаги 123-хат.

келтирган-офатларини намоиш қилади. Мақолада ёзилишича, музейда араб тилида ёки араб имлосидаги эски ўзбек тилида шунингдек, ўзбек муаллифларининг араб ва форс тилларидаги кўплаб қадимий қўлёзма дарслик, бадий ва илмий адабиётлар жамланган бўлиб, уларнинг аксари каталогларга киритилмаган, барча китоблар тартибсиз ҳолда, бир қанча китобларнинг варақлари йўқолган, йиртилган ёки яроқсиз ҳолга келган. Коллекцияда алоҳида варақлар ҳам кўп бўлиб, улар қайси асарга тегишли эканини аниқлаш мушкул. Муаллифнинг ёзишича: «..бу ҳол уруш даҳшатларини яна бир бор ёдга солиди».¹

Китобларнинг бу ерга қандай қилиб келтирилгани ҳақида мақоланинг бошидаёқ маълумот берилган: 1876 йилда генерал Скобелев* Қўқон хонлигини босиб олганда, катта миқдордаги қўлёзмаларни қўлга киритди ва уларни ўлжа сифатида ўзи билан олиб кетди. Генералнинг ўлиmidан кейин, унинг сингlisi графиня Боярне,* акасининг хотирасини абадийлаштириш учун, бу китобларни Москвадаги тарих музейига бериб юборди.² (генерал Скобелев 1882 йилда фожиали ўлдирилган). Табиийки, генерал ва унинг сингlisi шарқшуносликдан беҳабар эдилар. Талончилик уруши давомида қўлга киритилган кўплаб осори-атиқалар катори сон-саноксиз маънавий бойликлар ҳам, шу тарзда, марказга олиб кетилган.

Китобларнинг номи, саноғи ва уларга «янги хўжайинлари» томонидан бўлган муносабат ҳақида Хартманн маълумотга эга эмасди. Лекин унинг қуйидаги ёзувлари, бу адабий обидаларнинг катта миқдорда бўлиб, уларга бўлган эътибордан дарак беради: «...Москвадаги Лазарев институти араб тили ўқитувчиси жаноб М.О. Аттая бундан бир неча йил аввал китобларни каталоглаштиришни бошлаган эди. Аммо бир нечта куръон ва араб

¹ Hartmann M. Die Skobelew-Sammlung orientalischer Handschriften im Historischen Museum zu Moskau. Februar 1902. S.74.

* Скобелев Дмитрий Иванович - чор Россияси генерали. Қўқон хонлигини эгаллашда фаол қатнашган.

* Зинаида Дмитриевна Скобелева - графиня Богарне, генералнинг сингlisi, Лейхтенберг герцогиниси.

² Hartmann M. Die Skobelew-Sammlung, S.74.

тилидаги айрим китобларни рўйхатга олишгагина имкон топган, холос.»

Бундан англашиладики, китоблар музейда 20 йил атрофида мақбул шароитда сақланмаган. Шу йиллар давомида китоблар сифати кескин ёмонлашган. Айниқса, Қўқон хонлари ва хонликнинг бошқа маърифий аҳллари бўлган аёнлар томонидан, ноёб қоғозларга, олтин суви билан ёзилган қуръон ва ҳадис китоблари бу йиллар давомида анча жабр кўрган. Шарқшунослик институтига совға қилинган китобларнинг дастлабки саноғи ҳақида маълумотлар сақланмаган.

Хартманн китобларни кўздан кечирар экан, ишни коллекциянинг умумий салоҳиятини аниқлашдан бошлади. Бунинг учун у адабиётларнинг жанрлари ва уларнинг илмий қийматини ўрганди. Мадрасалардаги дарс жараёнида қўлланиши мумкин бўлган диний мавзудаги китоблар, жумладан, Қуръон, ҳадис ва бошқа диний мавзудаги адабиётлар биринчи бўлимга, тил ўрганиш учун зарур бўлган қўлланмалар ва бадий адабиётнинг нодир намуналари иккинчи бўлимга киритилди. Иш жараёнида, катта ёки кичиклигидан қатъий назар, мавжуд барча асарлар рўйхатга олинди. Хартманн ёзишча, унинг томонидан ўрганилган 197 дона китобнинг 100 таси тўлиқ ёки фрагмент ҳолидаги қуръон китоблари, шунингдек, араб тилидаги фикх, нахв, мантик ва маънига оид асарлар. Улар орасида юқоридаги китобларнинг форсча ёки туркий тилларга таржима ва шарҳлари ҳам талайгина. Лекин, қўплаб кичик китоблар (Хартманн уларни немис тилида «Nefte» (дафтарлар) деб атайди) ва алоҳида варақларни қайси соҳага оидлигини аниқлаб бўлмади. Уларнинг коллекциядаги ўрнини белгилаш учун, аввало, мавзуларини ўрганиш, қайси асарга тегишли эканини аниқлаш ва шу тариха қайта тиклаш учун анча вақт керак бўлади. Китоблар ёзилган ёки кўчирилган йил саналари нисбатан яқин даврга тааллуқли. Улар XIX аср ўрталарида ёзилган ёки кўпайтирилган. Ҳали каталоглаштирилмаган китоблар ичида туркий (ўзбек) тилда назм билан ёзилган бир қатор девонларни ҳам кўриш мумкин. Жумладан, мақола муаллифи, коллекцияда Сўфи

Оллоёр “Таббат ул ожизин” китобининг икки варианты борлигини ёзар экан, уларнинг фарқларини ҳам баён этади: ...биринчи китоб «خالقى ابرلاياكى اېت شکر»», иккинчи китоб эса «ثنا الخالق غيرا و افلاک» сўзлари билан бошланади. Ҳар қайси китоб 16 донадан. Китобларнинг бу қадар кўплиги шундан далолат берадики, улар бирон-бир мадраса кутубхонасига тегишли бўлган. Талабалар дарс жараёнида ёки мустақил ўқиш учун улардан кенг фойдаланганлар.

Коллекциянинг иккинчи бўлимидаги нодир бадиий асарлар кўлёмаларининг тил хусусиятлари ва ёзилган даврига кўра 5 гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳдан Алишер Навоийнинг

Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор ул худо,

”Ёр аксин жомда кўр,” деб жомдин чикди садо

байти билан бошланувчи «Ғаройиб ус-сиғар» девони жой олган. Уларнинг сони 6 дона. Девонларнинг ҳолати яхши.

Кези келганда шуни айтиш лозимки, Навоийнинг кўплаб девонлари қатори бу девон Европанинг кўплаб давлат кутубхоналари ва шахсий коллекцияларида мавжуд. Хусусан, девон Берлин давлат кутубхонасида Перчнинг қадимий туркий кўлёмалар каталоги 373-саҳифасида 380-рақам билан рўйхатга олинган.¹

Иккинчи гуруҳга Ғойибий тахаллуси билан ижод қилган Кўқон адабий муҳитининг вакилларида бўлмиш шоирнинг девони киритилган. Тадқиқотларимиз натижасида бу шоирнинг Хўжаназар Ғойибназар ўғли Хувайдо авлодларидан бўлгани аниқланди. Маълумки, Хувайдо авлодлари орасида кўплаб шоирлар бўлган... Улар бадиий ижодда, асосан, Хувайдо аъналарининг издоши бўлдилар. Чунончи ...Мавлавий Сирожий, Самарабону, Сирожиддин Соқиблар соҳиби девон бўлганлар.² Ғойибийнинг шеърлари ҳозирда Ўзбекистондаги шарқшуносликка оид фондлар ва Шарқшунослик институти хазинасида мавжуд. Аммо шоирнинг тўлиқ девон тартиб этгани ҳақида маълумотлар йўқ. Демак, генерал Скобелев бу девонларнинг барчасини олиб кетган ёки девон ўзи оз

¹ Pertsch W. Katalog der türkischen Manuskripte. Berlin, S.373.Nr.303.

² Бу ҳақда к. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-том. – Тошкент: Фан, 1978. 369-б.

нусхада тартибланган ва ҳозирда факат Москва Тарих музейи Шарк кўлёзмалари фондида ёки шахсий кутубхоналарда сақланади.

Афсуски, Хартманн Ғойибийнинг тўлиқ исми, девонларнинг сони, ҳажми, варақлари, ундаги ғазаллар, хаттот ва девон тартиб этилган йил ҳақида ёзмаган. Тадқиқотнинг бошида ёзганимиздек, ишнинг кўплиги ва берилган муддатнинг қисқалиги сабабли китобларни кенг ўрганишга имкон бўлмаган. Аммо каталогга киритилган асарлар бир неча нусхаларда бўлгани аён. Тадқиқотчи китобларни каталоглаштирар экан, ҳар бир гуруҳга энг ками 6 та китобни киритган.

Шуни кўшимча қилиш фойдалики, немис шарқшуноси Хўжаназар Хувайдонинг 1901 йилда Истамбулда нашр қилинган девонидаги шоир ижодига хос бўлган 11 та ғазални танлаб олиб, немис тилига таржима қилган ва шоир ижодини кенг шарҳлаган. «Der caghataische Divan Huveidas» (Хувайдонинг Чигатойча девони) мавзuidaги бу мақола «Westasiatische Studien» газетасининг 1902 йил сонида босилган.¹

Коллекциянинг учинчи гуруҳига 1299–ҳижрий йилда Истамбулда Шайх Сулаймон Бухорий томонидан чоп этилган Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Девони Ҳикмат» девони киритилган. Девоннинг сони ҳақида аниқ маълумот берилмаган. Тадқиқотчи «бир неча нусхада» деган изоҳни берган холос. Юқорида ёзганмиздек, энг кичик гуруҳга 6 та китоб киритилган. «Девони ҳикмат»нинг Кўқон хонлиги мадрасаларида энг кўп ўқитиладиган дарсликлар қаторида бўлганини қайд этар эканмиз, бу китоб ҳам тахминан 10 донга бўлган. Муаллиф шунингдек, «Девони ҳикмат» Европада, хусусан, Германияда кўп бора таржима қилингани ҳақида ёзиб, айниқса Вамберининг «Чигатой тили дарслиги»даги таржималарга юқори баҳо беради.

Тўртинчи гуруҳга Фаридиддин Аттор «Тазкиратул авлиё» асарининг турк тилига қилинган таржима нусхаси киритилган. Шу ўринда муаллиф немис тилида ... Übersetzung des “teskiratul euliya” Feridedin Attars in einem Türkisch” (Фаридиддин Атторнинг

¹ Hartmann M. Der caghataische Divan Huveidas.// Westasiatische Studien. 1902.

“Тазкиратул авлиё” асарининг туркча таржимаси) деб ёзганига эътиборни қаратиш лозим. Немислар турк тилини “Osmanli Türkisch” (усмонли туркча) деб ёзадилар. Хартманнинг бу ёзувидан туркий тиллардан бўлмиш ўзбек тилини ҳам тушуниш мумкин.

Тадқиқотчи бу қўлёзма асарнинг қийматини унинг «нисбатан қадимийлигида» деб белгилайди. Китоб 950- ҳижрий йилда кўчирилган. Хартманн таржимон ҳақида ёзмаган. Китоб кўп қўллангани ва эҳтимол, яхши сақланмагани боис, таъмирга муҳтож. Унинг сўнгги саҳифалари титилиб кетган.

Бешинчи гуруҳга Муҳаммад Солих ибн Бадриддин Муҳаммад ал Журжоний томонидан «Викоя» асарига форсийда ёзилган шарҳ киритилган. Китоб бошқа асарларга қараганда анча аввал 937- ҳижрий сана билан муҳрланган. Хартманн китобларнинг сони ва ҳолати ҳақида маълумот бермаган. Демак, улар нисбатан яхши ҳолатда ва фойдаланишга яроқли. Камчиликлари бўлган китоблар ҳақида олим алоҳида маълумотлар берган.

Олтинчи гуруҳга Али ал Воиз ал Кошифийнинг нақшбандия тариқатининг машхур намоёндалари ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Рашоҳат айн ал ҳаёт» китоблари киритилган. Китоб 1245 ҳижрий йилда кўчирилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, номлари келтирилган кўплаб китобларнинг муқовалари, қоғози, саҳифалари сони, ҳажми, материали ва ҳолати ҳақида маълумотлар берилмаган. Хаттоки, айрим асарларнинг фақат номи кўрсатилган. Бу эса коллекцияда яна анчагина китоблар борлигидан далолат беради. Хартманн имкон қадар қисқа муддатда бу ноёб адабий ёдгорликларни сақлаб қолиш, уларни жаҳон илм аҳлига танитиш истагида бўлгани аён.

Фикримизни давом эттириб, тарих фанлари номзоди Мери Трифоненконинг «Восточные рукописи и старопечатные материалы в собраниях Российской Государственной библиотеке...» мавзуидаги диссертациясига мурожаат қилишни лозим кўрдик. Трифоненко диссертациянинг биринчи бўлимида “Арабские, персидские и тюркские рукописи в Российской государственной библиотеке” мавзуида сўз юритиб, кутубхонадаги

китоблар хақида бир мунча маълумот беради. У Мартин Хартманнинг Россия Давлат кутубхонаси шаклланишидаги хизматини юқори баҳолайди. Шунинг билан бирга, кутубхонанинг ночор аҳволда эканидан зорланади. Лекин бизнинг эътиборимизни тортган нарса бошқа жиҳат бўлди. Олима чор Россиясининг яна бир генерали фон Кауфман томонидан олиб келинган китоблар коллекцияси хақида шундай ёзади: ...Довольно богатой по содержанию являлась коллекция восточных манускриптов Государственного Исторического музея. Первый опыт ее описания (исключительно в мусульманской, т.е. арабской, персидской и турецкой части, причем, только коллекции генерала Кауфманна), предпринятый видным немецким востоковедом Мартином Хартманном (Martin Hartmann, 1851-1918.), лишь приоткрыл завесу над собранием, ни в коей мере не исчерпав всего его богатства и разнообразия...¹

Мазмуни: Давлат Тарих музейининг бир қисми бўлган Шарқ қўлёмалари коллекцияси мазмунан анчагина бой. Машхур немис шарқшуноси Мартин Хартманн (Martin Hartmann, 1851-1918) томонидан тажриба сифатидаги илк бора ўтказилган рўйхатга олиш (ва фақат генерал фон Кауфманн коллекциясининг араб, форс ва туркий тиллардаги мусулмон халқларнинг қўлёмалари китоблари бўлимига оид) бу бойликларнинг бир қисмини кўрсатди, холос.

Шу ўринда кишини чуқурроқ ўйлантирадиган яна бир жиҳат: мавзуимиз генерал Скобелев томонидан Қўқон хонлиги мадрасаларидан ўлжа сифатида олиб чиқиб кетилган ноёб адабий ёдгорликлар хақида бораётган эди. Аммо энди бошқа чор генералларининг бу борадаги “хизматлари”ни эсга олишга тўғри келяпти. Чунки, генерал фон Кауфманн Туркистон ўлкаси генерал-губернатори бўлиб, генерал Скобелев унинг қўл остидаги нисбатан кичик худудларда ҳокимлик қилган. У Фарғона вилоятига губернатор бўлишидан аввал бир қанча муддат Наманган шаҳрида

¹ Трифоненко М.Э. Восточные рукописи и старопечатные материалы в собраниях Российской Государственной библиотеки: История формирования, состав коллекции и методологический аспект описания. Автореферат дисс. канд.истор.наук. Москва, 2003. Стр.132.

катта кўшин билан харбий губернатор вазифасида бўлган. Табиийки, у биринчи ўлжаларни Наманган шаҳри мадрасаларидан олган.

Тарих фанлари номзоди Мери Трифоненко диссертациясида Туркистонни эгаллашда қатнашган яна бир катор чор генераллари исмини келтириб, Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари музейларида уларнинг ноёб қўлёзмалар коллекция ва фондлари мавжудлигини ёзади.

Келгусида қилинадиган ишларимиз, Москва Тарих музейи Шарқ қўлёзмалари фонди билан янада яқинроқ боғланиш зарурлиги, турли йўллар билан юртимиздан олиб чиқиб кетилган ноёб адабий ёдгорликларни асл эгаларига қайтариш ёки ҳамкорликдаги ишларимизни янада кенгайтиришимиз зарурлигини англатади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Асрлар давомида туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили ва адабиёти намуналари, айниқса, Навоий асарлари турли мутаржимлар томонидан немис тилига ўтирилди. Шу жараёнда Германия навоийшунослиги шаклланди, ривожланди ва ҳозирда жаҳон шарқшунослигининг марказига айланди.

2. Европа тилшунослари «эртакнамо сеҳрли Шарқ»да яратилган юксак бадий савияли эртак, шеър ва дostonларни аслиятда ўқишни истовчилар учун кўплаб ўқув қўлланмалари яратдилар. Гарчи, бу нашрлар турли давр, мақсад ва шаклларда яратилган бўлса-да, улар бир-бирини тақозо қилади ва тўлдиради. Мартин Хартманнинг XX аср ибтидосида яратган «Чигатой тили» дарслиги ҳам нафақат ўз даври учун, балки, бугунги Европадаги Навоий шеърляти мухлислари учун долзарблик касб этмокда.

3. Хартманнинг «Чигатой тили» дарслиги аввалги дарсликлардаги йўл қўйилган хато, камчилик ва етишмовчиликларни бартараф этди ҳамда кейинги қўлланмалар учун намуна вазифасини бажарди.

4. Навоий асарларидан намуналар Хартманн томонидан муваффақиятли ўтирилди. Гарчи, ўтирмалар илмий мақсадда амалга оширилган бўлса-да, бу тадбир шоир меросининг Европада кенг тарқалишига имкон яратди. Шарқ шеърлятидаги ишқ, муҳаббат, вафо, ошиқ образларининг шоир тафаккуридаги ноанъанавий тасвирлари ўзбек тили луғат бойлигини қанчалик бойитган бўлса, уларнинг немис тилига сўзма-сўз таржималари орқали немис шеърляти сўз хазинаси шунчалик тўлдирилди.

5. Хартманнгача бўлган даврда Навоий афоризмлари махсус тўпланиб, уларни немис тилига таржима қилинмади. Немис олими уларни таржима воситаси билан немис тилли ўқувчиларга тақдим этиб, олмон адабиётини янги ҳикматлар ҳисобига бойитди. Шу тариқа туркий тиллар бундан 10 асрлар аввал герман тилларининг шаклланишида фаол иштирок этган бўлса, эндиликда Алишер Навоий бу тилларнинг бойишига ҳисса қўшмоқда.

6. Хартманн Шарқ шеърляти билимдони ва таржимонигина эмас, балки шоир қўлёзмаларининг Европадаги шахсий ва давлат кутубхоналаридаги нусхалари ҳақида маълумот берган олим сифатида ҳам машҳур.

7. Ғазалнинг илмий таржимаси аслиятнинг мазмунини тўлиқ ифодалаган экан, энди бу ғазални бадий таржима қилиш осонлашади.

II БОБ. БОБОРАҲИМ МАШРАБ АСАРЛАРИНИНГ ЖАҲОН ТИЛЛАРИГА ЎТИРИЛИШИ ВА ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН

2.1. Бобораҳим Машраб асарларининг Европа тилларига илк таржималари ва ўрганилиши тарихидан

Ҳозирга қадар машрабшунослик билан Марказий Осиё, хорижий Шарқ ва Россия олимлари шуғулланликлари маълум бўлса,¹ эндиликда Ғарбий Европа ҳамда Шимолий Америка шарқшунослари ҳам бу соҳада бир қатор тадқиқотлар олиб борганликларига гувоҳ бўламиз. Шу тарихда *жаҳон машрабшунослиги* деган янги атама пайдо бўлмоқда. Ватанимиз олимларининг турли китоблари ва мақолаларида Машраб ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид муҳим тадқиқотлар эълон қилинган, шоирнинг янги топилган асарлари шарҳланган, газаллари бадий-услубий ва ирфоний жиҳатдан таҳлил этилган. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозиргача Машраб асарларининг хорижий тилларга, хусусан, Ғарбий Европа халқлари тилларига таржималари ўрганилмаган ва бу борада етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Ўзбек олимларининг жаҳон олий таълим муассасалари ва илмий марказларида тадқиқот ишлари олиб бориш имкони кенгайгани боис улар Ғарб мамлакатлари кутубхоналарида сақланаётган Шарқ адабиётига оид асарлар билан танишиш имконига эга бўлди. Бундан ташқари, кейинги йилларда ўзбек адабиёти, шу жумладан, Бобораҳим Машраб ижоди билан

¹ Абдурауф Фитрат. Машраб // Илмий фикр. – №1, 1930. – Б. 47-57; Ликопин Н.С. Машраб // Туркестанские ведомости. – № 9-11. – 1902; Вяткин В.А. Ферганский мистик диванаи Машраб // Сборник Туркестанского Восточного института в честь проф. А.Э. Шмидта. – Ташкент, 1923. – С. 40-49; Карцев. Жизнь и газели Машраба // Литературный Узбекистан. – №1, Ташкент, 1937; Ғафур Ғулом. Икки Машраб // Кизил Ўзбекистон. 12 июль, 1959; Шу мақола яна: Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Тошкент, 1991. – Б. 84-94; Абдуғафуров А. Эрк ва озодлик куйчилари. – Тошкент, 1979; Абдуллаев В.А. Машраб // Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Тошкент, 1980, 370 б; Машраб. Девон. Напрга тайёрловчилар: Раҳмонов В, Исмоялов К. –Тошкент, 1980. – 124 б; Раҳимбобо Машраб. Мехрибоним қайдасан. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. 400 б; Мусурмонов Э. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадий адабиётдаги талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. авторсф. – Самарқанд, 1995, 23 б; Жумахўжа Н. Машраб ҳамма замонда исендир // – Гулистон, № 5, 1998 – Б. 23-28; Абдуллаев И. Раҳимбобо Машраб. Маблин нур. – Тошкент: Фан, 1996. – 316 б; Boborahim Mashrab. Dilim daryoi nurdur. Mas'ul muharrir: Vahob Rahmonov. –Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2004. 231 б; Хамроева Д. Раҳимбобо Машраб газаллари поэтикаси. Филол. фан. номз.... дисс. авторсф. – Тошкент, 2005. – 321 б; Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзим. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2008. – 220 б.

шуғулланувчи хорижий олимлар, айниқса, немис шарқшунослари ҳақида кўплаб маълумотлар кўлга киритилди. Шоир ижодининг Фарбий Европага илк ташрифи ҳақидаги мулоҳазаларни Ҳерманн Вамбери тадқиқотлари билан боғлаш лозим. Зероки, Вамберининг 1867 йили нашр қилинган «Chaghataische Sprachstudien» (Чигатой тили дарслиги)га киритилган Машраб ғазали ҳақида бизнинг тадқиқотларимизга қадар ҳам маълумотлар мавжуд бўлса-да,¹ дарсликдаги

کویدی جاتم اور تانب اول یار کیلمیدور هنوز

لجان دماکه یتتی اول دیلدار کیلمیدور هنوز

[kuydi jōnim ɔrtanib ul yōr kelmaydur hanūz
jōn dimokka yetdi/ ul dildōr kelmaydur hanūz]²

матлаъси билан бошланган ғазал ҳақида илк бор тўлиқ маълумотларни 2000 йили «Адабиёт кўзгуси» тўпламида илмий истеъмолга киритдик.³ «Чигатой тили дарслиги»нинг адабиётлар кўрсаткичидаги Вамбери ўзи фойдаланган ва ўқишга тавсия қилган китоблар орасида Машраб девонлари берилмаган. Демак, олим кутубхонасида «Қиссаи Машраб», «Девони Машраб» каби қўлёзмалар бўлмаган.

Ушбу ғазалнинг айнан Бобораҳим Машраб қаламига мансублигини исботлаш учун кўплаб кузатишлар олиб бордик. Ҳозиргача нашр қилинган Машраб девонлари ва тўпламларида бу ғазал учрамади. Лекин Жалолиддин Юсупов нашр эттирган «Мехрибоним, қайдасан» тўпламида «ҳануз» радифли, шаклан юқоридаги ғазалга яқин 2 та ғазал мавжуд.⁴

Адабиётшунос Дилором Ҳамроеванинг таъкидича, шоир асарларида вазн ва шакл жиҳатдан бир-бирига яқин ғазаллар кўп учрайди. Жумладан, унинг ижодида «Этгим» радифли бир нечта ғазал мавжуд.⁵ Бундан ташқари, «Ўзум», «Қайдасан», «Йиғларман»

¹Бу ҳақда қаранг: Нурмуродов Й. Навоий жаҳон кезади // Фан ва турмуш. – № 2, Тошкент, 1991. – Б. 8-9.

²Vambery H. Chaghataische Sprachstudien.–Leipzig: F.A.Brockhaus, 1867.–360 S

³Тожиқўжаев М. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши // Адабиёт кўзгуси, № 5 – Тошкент, 2000. – Б. 170-176.

⁴Мехрибоним қайдасан. – Тошкент, 1990. – Б. 43.

⁵Ҳамроева Д. Машрабга муносабат // Олими нуқтадон ўзум. – Тошкент, 2006. – Б. 80.

радифли ўндан ортик ўзаро яқин мавзу ва шаклдаги шеърлар ҳам бор.¹ Шунингдек, бир қатор олимлар «Чиғатой тили дарслиги»га Машрабнинг бир ғазали киритилгани ҳақида маълумот берганлар.² Афсуски, улар ўз мақолаларида ғазалнинг матнини келтирмаган ва аслини Ўзбекистондаги манбалардан изламаганлар. Шу сабабли ғазал ҳозиргача ўзбек адабиётида маълум бўлмаган. Кузатишларимиз натижасида шуни аниқлашга муяссар бўлиндики, Вамбери «Чиғатой тили дарслиги»га киритган айрим шоирлар, жумладан, Машраб шеърляти ҳақида кейинроқ – 1892 йили Венада нашр этилган «Wiener Zeitschrift für die Kunde des Morgenlandes» номли шарқшуносликка оид махсус журналда мухтасар муносабат билдирган.³ Демак, Машраб ижодининг Ғарбий Европа адабиётига кириб келиш санасини 1867 йил деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани билдирмоқчимиз. Бобораҳим мулла Вали ўғлининг таҳаллуси араб имлосида «مشرب» [mēšreb] шаклида ёзилади. Араб имлосидаги ёзувда қисқа унлиларнинг акс эттирилмаслиги сабабли турли миллатлар бу унлиларни ҳар хил талаффуз қиладилар. Шарқий Туркистон, шунингдек, Ўзбекистонда бу сўзни «Машраб» деб ўқишади. «مشرّب» сўзидаги қисқа «а» унлиси (ёзувда ифода қилинмаса-да) араблар, форслар, турклар, уйғурлар ва қирғизлар «э» шаклида «Мешреб» ёки «Мешреп» деб ўқийди. Аммо Вамбери дарслигида шоирнинг номини араб имлосида «مشرّب», латин имлосида «Meschref» (mēšref) деб ёзилгани бизни ажаблантирди.

Юқоридаги мулоҳазалардан кейин, Вамбери Машрабнинг ушбу ғазали киритилган девон ёки баёзни бевосита Марказий Осиёдан олган эмас, деган хулосага келдик. У ғазални Туркияда нашр қилинган баёзларнинг бирида ўқиган бўлса керак. Чунки бу мамлакатда турк шоирлари ижодига оид тўпламлар ичига ўзбек ёки форс-тожик шоирларининг асарларини қўшиш одати бор эди. Бу

¹Машраб. Девон // Нашрга тайёрловчилар: Рахмонов.В., Исроилов К. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 160 б.

²Бу ҳақда қаранг: Абдуллажонов А. Навоий бадиятини немясча таржималарда қайта яратиш ва табиал этиш: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1998. – Б.16

³Vambéry H. Zwei moderne centralasiatische Dichter-Munis und Emir // Wiener Zeitschrift f. die Kunde des Morgenlandes. – Wien, 1892. – P. 4-5.

одат, ҳатто турк шоирлари антологиясини яратган айрим европалик олимларнинг ишларида ҳам кузатилади.¹

Марказий Осиё маданияти ва адабиётининг мухлислари бўлмиш француз шарқшунослари Фердинанд Гренар ва Дитрёл де Рэн 1890-1895- йилларда Туркистонга илмий сафар уюштиришган. Сафар натижаси сифатида 1897-1998-йилларда Парижда 3 жилддан иборат «Mission scientifique dans la Haute Asie» (Буюк Осиёга илмий сафар) номли китоб чоп қилинди. Унда Марказий Осиё халқларининг тарихи, маданияти, адабиёти ва тили ҳақида кенг маълумот берилган бўлиб, Машраб ҳақида қуйидагича фикр билдирилган: «Мен эшитган ғазалларнинг кўпчилиги, шунингдек, «Аҳмад ва Юсуф» қиссаси ва халқ кўнглига чуқур ўрнашган муқаддас Туркистоннинг қувнок ва ғаройиб дарвешли, қаландар Машраб ҳикояти машҳур китоблардан ўрин олган. Раблэ ва Диогеннинг² бир-бирига аралаштириб юборилган афсонавий манбаларида ёзилишича, ўнганмас дайди, тўрва-ю таёғидан бошқа бисоти йўқ, майпараст бу дарвеш ёруғ оламнинг буюк шахсларини ўзича масхаралаб, уларнинг устидан кулиб юрган. Мухтожларга ёрдам беришга доимо тайёр, сабр-тоқатли, гоҳо доно, гоҳо телба, ҳаётини зое ўтказган ва айни пайтда жиддий бу Машраб ўзининг хатти-ҳаракатлари ва сўзлари билан раҳмдил Аллоҳга айтилган ҳамду санолар, шукроналик, фарзи номоз ва амр - маъруфчиликни масхаралайди. Ўзининг бу қилиқларини турли уйдирмалар билан оқлаб юради.»³

Француз шарқшуносларининг бу хулосалари биз учун кўшимча муаммоларни келтириб чиқарди. Диоген – эразмиздан аввалги 422-355- йилларда яшаб ўтган грек файласуфи, Раблэ эса 1494-1553 йилларда яшаб ўтган француз адиби.⁴ Уларнинг Машрабга алоқадорлигини англай олмадик. Бу маълумотлар кўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

¹ Hammer-Purgstall. Geschichte der Osmanischen Dichtkunst bis auf unsere Zeit. Mit einer Bluethenlese aus zweytausend, zweyhundert Dichtern. – Pesth: Conrad Adolph Hartleben's Verlag, 1836 – 1838.

² Аслиятда бу олимларнинг фамилияси кўрсатилган холос. Шунинг учун таржимда ҳам уларнинг исмларини кўймадик.

³ F. Grenard D.de Rins. Mission scientifique dans la Haute Asie.. Voll.3, par Grenard, Paris, 1900.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Le Petit Larousse. 21. Rue du montparnasse 75283. – Paris Cedex 06. 2000. – p. 487.

Француз олимлари, адабиётшунослик соҳасида таниқли бўлиб, асарлари Европада қайта-қайта нашр қилинганига қарамай, уларнинг Шарқ адабиётидаги тасаввуфдан беҳабарликлари кўриниб турибди. Машрабнинг француз адабиётшунослари тушунмаган, чунки шоирнинг ҳар бир ҳаракатида тасаввуфнинг у ёки бу шаклдаги кўриниши зоҳир.

Бобораҳим Машрабнинг Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаёти ва тарихидаги роли ҳақида илк дафъа жиддий фикр юритиб, рус илмий жамоатчилигининг диққатини бу масалага қаратган рус шарқшуноси Н.И. Веселовский бундай деб ёзган эди: «Ҳажвгўй ва ҳозиржавоб девона Машраб Ўрта Осиё халқлари орасида жуда машҳурдир... Фикримизча, Машраб диққат билан жиддий ўрганишга сазовор шахс».¹

Машраб ғазаллари кейинчалик кўп бора турли тўпламларга киритилди. 1898 йили Германиянинг Ваймар шаҳрида немис тилида «Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur»² (Осиё халқлари адабиёти антологияси) номли шеърлар тўплами чоп этилди. Адабиётшунос Александр Зайдел бу тўпламга, асосан, Шарқ шоирларининг муҳаббат, гўзаллик ва вафо мавзусидаги шеърларини киритган. Антологияга жумладан, Насимий, Навоий, Фузулий, Шайдоий, Холид Бурк, Машраб ва Саид Ваққос каби шоирларнинг ғазаллари немисча таржималарда берилган. Китобдан «Özbekische Sprichwoerter» (Ўзбек мақоллари) бўлими ҳам ўрин олган бўлиб, унда жами 100 та мақол таржимаси бор. Айрим мақоллар матн ичида мухтасар шарҳланган.

Тўпламга «Қиссаи Машраб» маноқибидаги дарвеш шоир ҳаётига оид кичик бир лавҳа киритилган. Шуниси қизиқки, бу парча «Usbekische Sprichwoerter» (Ўзбек мақоллари) таркибида берилган. Машрабнинг Балх шаҳрига кириб келганида бўлиб ўтган бу воқеа мақоллар таржималарининг якуни сифатида «Кишининг сўзини охиригача тинглаб, кейин хулоса чиқариш лозим» ёки «Бердисини айтгунча сабр қил» – деган ҳикматнинг тасдиғи

¹Веселовский Н. Восточные заметки. – Санкт-Петербург. - 1895 www. Google. de

²Seidel A. (Hrsg): Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur. – Weimar: Verlag von E.Felber, 1898. – S.112-119.

сифатида келтирилган: «Schau auch das Ende des Wortes. (Zur Erklärung dieses Sprichwortes erzählen die Sarten, man habe einst Maschrab, wie sein Name sei; worauf er geantwortet: Chuda... (Gott). Der Frager nahm dieses für Gotteslästung und klagte ihn an. Zur Verantwortung gezogen, sagte Maschrab: «Mein Name ist «Chuda berdy» d.h. «Gott gab», doch vermochte ich nur die erste Hälfte meines Namens auszusprechen, als der Frager sich beeilte, mich der Gotteslästung anzuklagen». Da nun habe der Richter den Anspruch gethan, man müsse auch das Ende des Wortes schauen.)¹

Маъноси: Сўзни охиригача эшитмак даркор. (Бу мақолнинг шарҳи учун сартлар айтадики: Бир куни Машрабдан унинг номини сўраганларида у «Худой» деди. Саволчи буни «худолик даъвоси» деб тушунди ва тегишли жойга маълумот берди. Жавобгарликка тортилган Машраб шундай деди: исмим Худойберди. Саволчи исмининг иккинчи ярмини айтмасимдан «Худолик даъво қилди,» деб, устимдан арз қиляпти.» Шундан сўнг кози ҳукм чиқардики, бир хулосага келишдан аввал сўзни охиригача эшитиш керак!) Кўринадики, немис халқига бу қиссанинг мазмунини етказган таржимон Машрабни афсонавий шахсга айлантирган. У ҳақда Шарқ халқлари оғзаки ижодида кезиб юрган турли латифалар, ярим ҳақиқат ва ярим ривоят шаклидаги ҳикоятлар Ғарб адабиётига шу тарзда кўчган. Таржимон бу латифани аслиятдан ўзгартириб ўтиргани, аниқроғи, соддалаштиргани ҳолда қайси манбадан олганини кўрсатмаган. «Ботартиб» немислар Машраб ҳаётига оид ҳикоятларни ўз халқига етказишдан асосий мақсад қилиб маънавий-маърифий таъсирни кўзлаганлар.

Ушбу сатрларни ёзган муаллиф маълумотларни рус шарқшунослари асарларидан олгани кўриниб турибди. Улар ўзбек миллати билан сартларни аралаштириб юрадилар. Бу фикрлар ўзбек халқи ва унинг келиб чиқишига нисбатан ноҳолис қарашлардир.

Афсуски, Машраб шеърлари киритилган антология муаллифи шеърларнинг таржимонини кўрсатмаган. Лекин у китобнинг кириш

¹Кўрсатишган асар. – Б. 112.

кисмида антологиядаги шаркий турклар шеърятини вазн жиҳатидан қайта ишлаган капитан М. Брозга ўз миннатдорчилигини билдирган. Демак, капитан Брозе Вамбери таржимасидаги шеърни бадиий жиҳатдан қайта яратган.¹

Ушбу таржима² Германияда қайта-қайта нашр қилинган. Жумладан, 1909 йили Лайпцигдаги «Julius Zeitler» (Юлиус Цайтлер) нашриётида жаҳондаги турли миллат ва элат шоирларининг немис тилига ўтирилган муҳаббат мавзусидаги шеърлари чиройли китоб шаклида босилиб чиқди. Бу шеърларда жаҳон халқларининг ишқ, вафо, садоқат, гўзаллик ва ҳаётдан завқланиш каби ҳис-туйғуларитараннум этилган. 500 саҳифадан иборат бўлган мазкур тўплам «Der Voelker Liebesgarten»³ (Халқларнинг ишқ гулшани) деб номланган. Сарлавҳа остида «Танланган шеърлар» деган ёзув бор. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Паул Зелигер ҳар бир шеърни алоҳида саҳифага жойлаб, уларни турли нақшлар ва атиргул фотосуратлари билан безаган.

Тўпламда дунёнинг 5 қитъасидан 67 миллат ва элат шоирларининг 81 та шеъри немисча бадиий таржимада берилган. Ҳар бир шеър рақамланган. Тўпламга туркистонлик икки шоир – Машраб ва Шайдой ғазаллари ҳам киритилган. «Ишқ гулшани»да Машраб шеъри 20-рақам билан тартибланган. Шеър учун 2 саҳифа ажратилган. Унинг чап томонига Кристине Майле хоним томонидан ним очилган қизил атиргул ғунчасининг тонгги шабнамдаги фотосурати туширилган бўлиб, ғунчадан кичик бир томчи тушаётир.

Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти деярли барча туркий халқлар адабиётшунослигида ўрганилган. Туркияда шоир мероси олий таълим муассасалари дастурларига киритилган. «Қиссаи Машраб» ва «Девони Машраб» маноқибларидаги ғазаллар ҳам турк

¹Ғазалнинг асли учун қаранг: Тожиқўжаев М. Европа машрабшунослик мактаби ёки Машрабнинг янги ғазали // –Тошкент: Имом ал Бухорий халқаро жамғармаси, V. 2001.– Б.37- 41.

²Seidel Alexander. Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur.–Weimar: Julius Zeitler, 1897.– S. 90-91.

³Der Völker Liebesgarten. Gesammelt und herausgegeben von Paul Seliger.–Leipzig: Verlag Julius Zeitler, 1909. – S.60

тилига ўғирилган, кўплаб нусхаларда босилиб чиққан ва кенг шарҳланган. Адабиётшунослар ва адиллар каландар шоир ҳақида кўплаб асарлар яратган.¹ Айниқса, шоирнинг «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари Туркияда кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Айрим олимлар бу асарларни Жалолиддин Румий фалсафий қарашлари таъсирида ёзилган, мустақил асар деб ҳисобласа, бошқа адабиётчилар «Маснавий маънавий»нинг ўзбекча таржимаси деб ҳисоблайди.² Жумладан, Исмаил Гулез «Mesreb'in Kitabı «Mebde - i nur'u» Mevlana'nın Mesnevi'sinin serhimidir?» мақоласида Машраб меросининг Ўзбекистон ва Туркияда ўрганилишига оид кенг маълумотлар келтириш билан бирга шоирнинг «Мабдаи нур» китобидан парчаларни турк тилига ўгириб, кенг шарҳлаган.³ Унда ўзбек машрабшунослари тадқиқотларига юқори баҳо берилган. Айниқса, профессор Исматуллоҳ Абдуллаевнинг бу борадаги хизматларини алоҳида таъкидланган.

Туркияда Машраб ҳаёти ва меросининг ўрганилиши, ижодининг турк шоирларига ва, аксинча, турк шоирларининг Машраб ижодига таъсири ҳақида бир қатор докторлик монографиялари ёзилган бўлиб, уларда асосан ўзбек машрабшуносларининг кучли таъсирини кўрамиз.⁴

XX асрда Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар жаҳоннинг адабиётга оид энциклопедик луғатларига киритилди. 1967 йили Германияда нашр этилган «Literaturen der Völker der Sowjetunion» (Совет Иттифоқи халқлари адабиётлари) антологиясидан Навоий, Фузулий, Турди, Муқимий каби мумтоз

¹Бу ҳақда қаранг: Fuad Koprulu. Çagatay Edebiyeti. Islam Ansiklopedisi. – Istanbul. MEB, 1945. – S. 316

²Бу ҳақда қаранг: Abdulkaki Golpınarlı. Mevlana'dan sonra mevlilik. 2. baskı – Istanbul: İnkılap ve Aka. 1983;

³Gules İsmail. Mesreb'in Kitabı «Mebde - i nur'u» Mevlana'nın Mesnevi'sinin serhimidir? İlimi Araştırmalar. Dil ve Edebiyat İncelemeleri, 16 (Guez 2003), SS. 135–142.

⁴Mahmud Fidancı. Sah Mesreb menekib-nemesi (İnceleme – Metin – Sözlük). – Istanbul Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü (Yayınlanmamış Doktora tezi). – Istanbul, 1994 // <http://www.yok.gov.tr>; Hatice Aynur. Üniversitelerde eski türk edebiyatı çalışmaları, tezler, yayınlar, haberler, 1-12. – Istanbul. 2000-2002; Sevkiye Kazan. Türk dili ve edebiyatı sahasında yapılan doktora ve yüksek lisans tezleri (1987-1999) I-II. İlimi Araştırmalar, dil, edebiyat, tarih İncelemeleri. – S. 13/2002, – S. 229-271, – S. 14/2002, – S. 277-301.

шоирлар қатори Бобораҳим Машраб ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган.¹

«Девони Машраб» ҳикоятлари ва ғазаллари билан 1993 йили француз тилига таржима қилинди. Жан-Лу Бальп ва Ҳамид Исмоилов ҳамкорлигида таржима қилинган бу китоб Франциянинг «Галлимар» нашриётида «SerieAsie centrale» (Марказий Осиё китоблари серияси)да нашр этилган. Муаллифлар француз ўқувчилари диди ва Шарққа бўлган қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда китобдаги ҳикоятлар сони ва ҳажмини бир мунча қисқартиришган. «Девони Машраб» манокби французчада «Le vagabond flamboyant» (Нур таратувчи дарвеш) деб аталган.² Китобга Машрабнинг 55 ғазали, 4 мухаммаси ва 2 мураббаъси французча таржималарда киритилган. Ғазааллар, асосан, Европа ўқувчиси дидига мосланган. Уларда муҳаббат мавзуси устувор бўлса-да, фалсафий асарлар ҳам бисёр. Улар шоирнинг ижодий йўналишини намойиш қилиши кўзда тутилган. Матн остида ғазалларда учрайдиган айрим ибора, миллий ва диний ҳосликларга изоҳлар берилган. Муаллифлар китобга кириш сўзи ёзиб, унда Фарғона водийси, Наманган шаҳри ҳамда Машраб ҳаёти ва ижодига оид мухтасар маълумот бериш билан бирга ғазал жанри ҳақида ҳам баён этилган.

«Нур таратувчи дарвеш» китобининг энг муҳим хусусияти – унинг маънавий-ахлоқий йўналишида эканидир. Ҳаммуаллиф Ҳамид Исмоилов махсус кириш сўзида шундай таъсирчан ҳикоя ёзган: «Бу воқеа Марказий Осиёнинг юраги бўлмиш баланд тоғлар билан ўралган Фарғона водийсидаги кичик қишлоқ – Эски Новқатда юз берган. Одатдагидай ишлаб турган бозорда бирданига тўс-тўполон бошланиб қолди. Сабзаёт сотувчилар расталарини, кандолатчилар қопларини, новвойлар оби нонларини ташлаб, дарвоза томонга югурдилар. Ҳатто доимо итлар ва пашшалар қуршовида бўладиган Толиб қассоб ҳам бир муддатга растасини ташлаб оломонга

¹Der Dichter Maschrab // Literaturen der Völker der Sowjetunion Hg. Prof. Dr. Harri Junger.–Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1967.–S.116.

²Mashrab. Le vagabond flamboyant. Connaissance de l'Orient Gallimard. – France, 1993. – P.134

қўшилди. Бозорга Машраб келган эди. Оппок сочли, кўзи ожиз қария йиғлаб ғазаллар айта бошлади. У ўз ҳаётидаги воқеаларни ғазалларда куйларди. Оломон баъзан кулар, баъзан эса унга ҳамдард бўларди. Бир соатлардан сўнг қария жаҳонгашталиқ ҳикоясини тугатганда кишилар унинг ҳассасига яқинлашдилар. Ҳассага Макканинг тасвири туширилган эди. Бир оздан кейин қария кетди. Кишилар ўз иш жойларига қайтдилар. Толиб қассоб миждларига бу ҳақда гапираётиб, сотувга мўлжаллаган суякларни уларга сотмай, итларга ташлади. Узоқ йиллардан сўнг билдимки, бу қария Машраб эмас, балки унинг ғазалларини куйлаб юрувчи сайёҳ дарвеш экан...¹

Француз адабиётшунослари Европа машрабшунослиги вакиллариининг шоир асарларини таржима орқали оммалаштиришдан мақсадларини яққол намойиш қилган. Ғарб ёшлари Шарқдаги ҳурфикрлик ва маънавий-ахлоқий покликни мана шу ғазаллар орқали ўрганадилар.

Бобораҳим Машраб асарлари Америка қитъасида ҳам юксак кизиқиш билан ўрганилмоқда. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, немис шарқшуноси Мартин Хартманнинг «Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий» асари Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида катта кизиқиш уйғотган. Маноқиб ҳикоятларидаги динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва маданиятлараро уйғунлик исломий бўлмаган халқларнинг ҳам меҳрини қозонган. Мақола босилиб чиқиши билан Европа ва Шимолий Америкадаги турли миллий ва диний ташкилотларнинг нашрий органлари томонидан қайта босилган ва шарҳланган. Жумладан, 1903 йили Германия халқшунослик жамияти (Verein fuer Volkskunde) расмий органи - «Zeitschrift fuer Volkskunde» (Халқшуносликка оид журнал)нинг 13-14- қўшма сонларида Хартманнинг ушбу асари шарҳлар ва қўшимчалар билан босилиб чикди.² 1904 йили мақолага Ҳессен ўлкаси халқшунослик жамияти органи - «Hessische Blaetter fьr

¹Machrab. Le vagabond flamboyant. Connaissance de l'Orient Gallimard-France, 1993. – Б.7.

²Zeitschrift fuer Volkskunde. Band 13-14.Verein fuer Volkskunde. – Berlin: Verband Deutscher Vereine fuer Volkskunde.1903.

Volkskunde» (Хессен халқшунослик журнали)да муносабат билдирилди ва кенг шарҳланди.¹

АҚШдаги Чикаго университетининг диншуносликка оид – «The American Journal of Theology» (Америка диншунослик журнали)нинг 1904 йил апрел сонисида диншунос олим Ж.Р. Жеветт (J.R. Jewett) исломшунослик соҳасида нашр этилган янги асарларни шарҳлаб Хартманн мақоласига махсус тўхталган.²

Машраб шеърлари инглиз тилига таржима қилинган ва Шарк кўшиқлари фестивалларида ижро этилган. АҚШнинг Охайё штати Толедо университети Социология ва антропология бўлими раҳбари, кейинчалик Германиянинг Халле/Заале шаҳридаги Макс Планк номидаги Ижтимоий антропология институти катта илмий ходими Натан Лайт ўзининг уйғур фольклорига бағишланган «Slippery Paths: The Performance and Canonization of Turkic Literature and Uyghur Muqam Song in Islam and Modernity» (Сирпанчик сўкмоқлар: Турк адабиёти тақдимоти ва канонизацияси ҳамда исломий ва замонавий уйғур мақом кўшиқлари) номли тадқиқотнинг учинчи бўлимини Бобораҳим Машраб ва машрабхонликка бағишлаган.⁴ У жумладан шундай ёзади: «Машраб кўшиқлари» иборасидаги «машраб» сўзи ичимлик, ижтимоий гуруҳ, мастоналик деган луғавий маъноларни билдиради ва бу ном ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтган сўфий шоир Бобораҳим Машрабга ишорадир. «Машраб кўшиқлари» (инглизчада: «mashrabsongs») фақатгина Машраб шеърларигина эмас, балки барча сўфиёна кўшиқлар учун умумий номдир.⁵

Яссавий, Навоий, Лутфий, Машраб ва Хувайдо каби ўзбек мумтоз шоирлари ғазалларини уйғурлар «мақом» куйларига мослаб, миллий кўшиқларга айлантирган. 2005 йили уйғурларнинг Ўн икки мақоми ЮНЕСКО томонидан «Оғзаки ижоднинг бекиёс намунаси, инсониятнинг буюк мероси» деб эълон қилинди. Олим

¹Hessische Blaetter fuer Volkskunde. Band 3. Hessische Vereinigung fuer Volkskunde. – Hessen, 1904.

²J.R. Lewett. Review: Recent on Literature on Islam // The American Journal of Theology, vol. 8, N2 (April 1904) pp. 429-431./www.jstor.org/stable/

⁴Light Nathan. Slippery Paths: The Performance and Canonization of Turkic Literature and Uyghur Muqam Song in Islam and Modernity (Folklore, Indiana University, 1998. Henry Glassie, chair.

⁵Кўрсатилган асар. 1-3- 4-5-6- фасллар // www.utoledo.edu.

тадқиқотида ва кейинчалик алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган «Imitage heritage. Creating Uyghur muqam song in Xinjiang»¹ асарида Машраб ғазаллари уйғур халқининг миллий кўшиқларига айланиб кетганини кўрсатиб ўтган.²

Ўзбек халқининг бой тарихи, тили, адабиёти, санъати, маънавий-маърифий мероси ҳақида Ғарбда кўплаб асарлар ёзган шарқшунос олимлардан бири – Эдвард Олворт. У «The modern Uzbeks – from fourteenth century to the present: a cultural history studies of nationalities»³ (Замонавий ўзбеклар. XIV асрдан то ҳозирги давргача: – халқларнинг маданий тарихи сабоклари) мавзусидаги 400 саҳифадан зиёд китобида ўзбек халқининг XIV асрдан XX аср охиригача бўлган тарихи, адабиёти, санъати ва турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилган. Унда илк ўрта асрлардан тортиб, замонавий тарихимиз мухтасар ёритилган. Китобда ўзбек адабиётига кенг ўрин берилган. Илк ўрта асрлар туркий адабиёти намояндalари – Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Хўжаназар Хувайдо каби мумтоз адабиётимиз алломалари ва XX аср шоирлари ижодига мухтасар муносабат билдирилган.

Нашрда Бобораҳим Машраб ҳаёти ва фаолияти батафсил ёритилган, шоирнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, фалсафаси ва шеърини ҳақида кенг маълумот берилган. Шунингдек, шоирнинг Марказий Осиё, Россия ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари шарқшунослари томонидан ўрганилиши далиллар асосида баён қилинган. Муаллиф, жумладан, шундай ёзади: ...Шеър ва ҳикоятлардан иборат «Девони Машраб» номли машҳур халқ китоби шоир ҳақида маълумотлар беради. Асар унинг ўзи ҳақида бўлиб, ҳикоятларнинг бир қисми унинг томонидан ёзилган бўлса керак. Шоир номи бошқа китобларда ҳам кўп бора тилга олинган. Китобдаги ҳикоятларда кўплаб шахсларнинг номлари келтирилган. Авлоддан авлодга ўтиб

¹Light Nathan. Imitage heritage. Creating Uyghur muqam song in Xinjiang. LIT- Verlag. – Muenster–Hamburg–Berlin–Wien–London, 2006. – P. 234.

²Кўрсатилган асар, шу фасллар.

³Edward Allworth. The modern Uzbeks-from fourteenth century to the present: a cultural history studies of nationalities. Vol. 373, of Hoover Press publication. – Hoover Institution Press, Stanford university, California – P.137-140 and others.

келувчи шеърларни сон-саноксиз кишилар чин дилдан ёд олганлар. Рус шарқшуносининг фикрича, ўтган асрнинг 20-йилларида Марказий Осиё мусулмонлари орасида бу маноқибга тенг келувчи бошқа асар бўлмаган. Бу ажойиб китобда сўфий шоир ва унинг исёнкорона руҳи ҳақида ҳикоя қилинади.

Олворт қаландар шоирнинг илк замонавий тадқиқотчилари ва шоир шахси ҳақидаги тортишувлар тўғрисида ҳам маълумот берган. Машрабнинг она шаҳри – Наманган ҳақида 77-саҳифада сўз юритилган. Шунингдек, асарда Машраб шеърятининг куйга солиб келингани, шоир қўшиқларининг халқ орасидаги шухрати, миллатларни ўзаро яқинлаштирувчи кучи, келгуси авлод шоирларини тарбиялашдаги ўрни ҳақидаги мулоҳазалар берилган. Аммо Олворт Машраб ҳақидаги айрим маълумотларни бир оз чалкаштириб юборган. Унинг ёзишича, Машраб 1657 йили Андижонда туғилган, асарлари ўзига хос атеистик руҳ билан суғорилган, Машраб ҳақидаги маноқибнинг муаллифи эса шоирнинг яқин дўсти Сармаст исмлики киши бўлган.¹

Бундан кўринадики, инглиз олими шоир ҳақидаги маълумотларни ишончли манбалардан эмас, балки ўзига маъқул кўринган асарлардан олган, Ушбу китоб 1990 йили нашр қилингани, табиийки, анча олдин уни ёзишга киришилганини эътиборга олсак, унда Машраб ҳақида замонасозликка асосланган ҳолда ёзилган айрим асарлар руҳини сезиш мумкин. Бундай асарлардаги ноаниқликлар хорижий адабиётчилар томонидан ҳеч бир таҳлилсиз таржимага тортилган. Натижада, жаҳон шарқшунослигида шоир ҳақидаги бир-бирига зид турли маълумотлар пайдо бўлган.²

Америкалик адабиётшунослар ҳам 1991 йилдан олдин нашр қилинган бундай асарларнинг сарлавҳалари устига «Please, note that this paper was originally written before the break up of the USSR, so it reflects the pre-independence situation in Uzbekistan»³ (Илтимос,

¹Караиғ: кўрсатилган асар. – Б.138.

²Ҳошимхонов М. Машрабни мўътабар ўзум. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубхонаси, 2008. – Б.56.

³Mark Dickens. The usbeks. 1990. P.1 // www. google.de.

эйтиборга олинг: ушбу асар 1991 йилдан аввал – собиқ Совет Иттифоқи парчаланишидан олдин нашр қилинган ва ҳозирги Ўзбекистон мустақиллигидан бурунги даврни тасвирлайди) деб қайд этади.

Олворт китобда шоир ғазалларини инглизчага таржималаридан келтирган. Унда 3 та ғазал таржимаси, қўплаб изоҳлар билан, ўқувчига ҳавола этилган. Таржима қилинган ғазалларнинг 2 таси диний-маърифий мавзуда бўлиб, улар Куръон оятлари, ҳадислар ва бошқа асарлардан олинган қўплаб иктибослар асосида яратилган. Биринчи ғазал «Девони Машраб», «Қисси Машраб» каби манокибларда ҳамда Жалолиддин Юсупов нашрга тайёрлаган «Меҳрибоним қайдасан» номли тўпламларда

Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллоҳдин ўргандим,

Шаҳид қонини тўқмақни каломуллоҳдин ўргандим, –

байти билан бошланади. Ғазалнинг ўзи ҳам турли тўпламларда турлича кўринишларда учрайди. Нисбатан кенг ҳажмда бу байт С. Сайфуллоҳ ва А. Жуманазар нашрга тайёрлаган манокибга киритилган ва у 17 байтдан иборат.¹ Лекин ғазал таржимада атиги 7 байтнинггина ташкил этади.²

Шундай бўлса ҳам Машрабнинг

Кўрдим юзунгни девона бўлдим

Ақлу хушимдин бегона бўлдим, –

байти билан бошланувчи ғазали нисбатан кенг ўтирилган. Олвортнинг асосий мақсади, ўзбек адабиёти ҳақида Ғарб нафосат оламида кичик бир тасаввур пайдо қилиш бўлса, айтиш мумкинки, у бунинг уддасидан чиққан.³

Яқинда интернетда «Девони Машраб» манокибининг XIX аср бошларида ёзилган қўлёзмаси ҳақида яна бир маълумот учратдик. Швеция Лунд университети ноёб коллекциялари фондида 373-рақам билан «Девони Машраб» манокиби сақланмоқда. Манокиб

¹Қисси Шох Машраб. Нашрга тайёрловчилар: С.Сайфуллоҳ, А.Жуманазар. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б.7.

²Allworth Edward, A. The modern Uzbeks: From 14th Century to the Present: Cultural History Studies of Nationalities. Vol. 373, – Hoover Institution Press, Stanford university, California. – P. 75

³Бу ҳақда тўлиқ маълумот учун қarang: М. Тоджиходжаев. Машраб асарлари инглиз тилида // Илм сарчашмалари. № 5. 2017. Б.72-75.

собиқ швед дипломати ва адабиётшунос олими Гуннар Ярринг (Gunnar Jarling) кўлида бўлиб, кейинчалик уни барча қўлёзма китоблар коллекцияси билан Лунд университетига совға қилди. Китоблар, асосан, Марказий Осиё давлатларида, хусусан, Қашқар, Урумчи, Ёркент каби шаҳарларда тўпланган. Машраб маноқибни Ярринг томонидан 1930 йили Дэвид Гусафтссондан сотиб олинган. Китоб Хўтаннинг юпка, оқ-сарғиш ранг қоғозига, насх хатида битилган, ёзилган йили, жойи ва хаттот исми – номаълум. Аммо қўлёзманинг орқа томонида кимдир, эҳтимол, хаттот ёки китобнинг эгаси томонидан битилган ёзув бор. Хат, асли, ўзбек тилида ёзилган. Аммо интернетда унинг инглизча таржимаси берилган.¹ Мўғул йил ҳисоби бўйича 1242 (милодий 1826-1827) йўлбарс йилида, ашур ойининг 30-куни, якшанбада катта акам Рўзи Муҳаммадбой, сафар ойининг биринчи куни, душанбада катта акам Тўхта Назир вафот этди. Ҳар иккиси кузда, қовун пишиғида, йўлбарс йилида, иккинчи ибодат вақтида ўлди. Оқсув йил ҳисоби билан 1242 йилда йўлбарс йилида, ашур ойининг 30-санасида катта акам Рўзи Муҳаммад сўфи ва сафар ойининг биринчи санаси, душанбада Тўхта охун вафот этди.²

Интернет саҳифаларида китоб ҳақида қуйидагича маълумот берилган: «Девони Машраб». Шарқий Туркистон, XIX асрнинг бошлари, уйғур тилида. Эски рақами: 30. Марказийосиёлик шоир ва мистик Шоҳ Машраб ҳақидаги кисса; тўлиқ ҳолдаги қўлёзма. Шоирнинг ҳаёти Мартин Хартманнинг «Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий». Марказий Осиёга оид халқ китоби»да тасвирланган.

Маноқиб уйғур тилида ёзилган, деб кўрсатилган. Фикримизча, бунинг сабаби коллекционернинг ўзбек тилини яхши билмаганидан бўлса керак. Кези келганда, шуни ҳам айтиш лозимки, араб имлосидаги эски ўзбек ёзувидаги матнни, айниқса, мумтоз шеърятни уйғурлар уйғурча талаффуз билан, ўзбеклар ўзбекча талаффуз билан ўқийдилар. Шунингдек, Навоий, Машраб, Ҳувайдо каби ўзбек шоирларига бағишланган интернет саҳифалари

¹Jarling's handwritten catalogue. Shah Mashrab. Uighur. // www.google.de. Олинган сана: 2010 йил май.

²Кўрсатилган асар. Шу сайтлар.

очилганда Қозоғистон ва Шарқий Туркистонда яшайдиган адабиётшунослар томонидан бу алломалар уйғур миллатига мансуб, деб кўрсатилади, шеърлари араб ёки латин имлосидаги уйғур тилида берилади.¹

Гуннар Ярринг коллекциясидаги бу манокіб дастлабки кўлэзма китоблардан бири ҳисобланиб, унда Машраб ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид аслий маълумотлар ёзилгани, табиий. Аммо китобнинг сўнгги саҳифаларидаги ёзувнинг сабаби ва моҳиятини англай олмадик. Эҳтимол, хаттотнинг акалари Машраб шеърятини куйга солиб, халқ орасида куйлаб юрган киши (охунд)лардан бўлгандир. Машраб хикоятлари кишиларга шу тариқа доимо ҳамдард, ҳамфикр бўлган.

2.2. Бобораҳим Машрабнинг «Девони Машраб» асари Мартин Хартманн таржимасида

Мартин Хартманн «Девони Хувайдо» ва «Қиссаи Машраб» каби китобларни кўлга киритгач, дарҳол уларнинг таржима ва таҳлилига киришди.²

Таржима жараёнида матн остида кўплаб изоҳлар берилган. Унда ёзилишича, муаллифнинг қўлида Машрабнинг хижрий 1318 йилнинг рабби ул-охир ойида чоп қилинган, 155 саҳифали Истанбул нусха девонидан ташқари, хижрий 1316 йили Тошкентда Порцев босмаҳонасида чоп этилган ва 1898 йил 2 октябрида цензура белгиси билан тасдиқланган, 158 саҳифали «Девони Машраб» номли китоб борлиги ҳам билдирилган. Кўшимча сифатида айтиш лозимки, «Хартманнинг Марказий Осиёга оид китоблари коллекцияси»да 7-, 8-, 9-, 10-, 11- ва 12-рақамлар остида 6 та Машраб манокіблари кўрсатилган.³ Демак, муаллиф қолган 4 та девонни Туркистон сафари вақтида сотиб олган.

Вамберининг «Чигатой тили дарслиги»даги «Адабиётлар бўлими»да Марказий Осиёга оид кўплаб китоблар кўрсатилган

¹ Jarrings handwritten catalogue. Shah Mashrab. Uighur. // www.google.de. Олинган сана: 2010 йил май.

² Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzler // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen.V. – Berlin, 1902. –S.148-149.

³ Hartmann M. Zentralasiatisches aus Stanbul // Westasiatische Studien, 1904, MSOS zu Berlin. – S.1-3

бўлса-да, «Девони Машраб» ёки «Қиссаи Машраб» маноқиблари ҳақида маълумотлар берилмаган. Лекин унинг 1892 йили Венада нашр эттирган «Zwei moderne centralasiatische Dichter – Munis und Emir» (Марказий Осиёнинг икки замонавий шоири Мунис ва Амир) деб номланган мақоласида Машраб ижодига оид қисқагина мулоҳаза берилган. Мақола, гарчи Шермуҳаммад Мунис ва Умархон Амирий ижодига бағишланган бўлса-да, Вамбери матн ости изоҳларида Марказий Осиёнинг атоқли шоирлари ижодига нисбатан ноҳолис хулосалар баён этган. Хартманн Машраб ғазалларини батафсил ўрганиб чиқиб, Вамберининг юқорида тилга олинган мақоласидаги шоирга оид нотўғри фикрларни инкор қилади: ...«Машраб, Ғазолий, Мискин, Сўфи Аллоҳёр, Хушрўй, Бедил Мирзо ва Махтумқули каби халқ шоирлари ижодида шеърятнинг ажойиб намунасини кўрамизки, саҳродаги содда кўчманчилар ижодида бундай руҳиятни кўрганимиздан ҳайратдамиз».

Хартманн давом этиб ёзди: Аммо, менинг фикримча, «Девони Машраб» номли халқ китобидаги «Машраб» таҳаллуси билан ёзилган шеърлар ҳақиқий санъат намунасидир. Уларда кўчманчилар руҳиятининг учқуни ҳам йўқ!»¹

Хартманн «Девони Машраб» маноқибдаги ғазалларни тушириб қолдириб, матнни қисқартириб таржима қилган, китобнинг тили ва шеърларнинг вазни ҳақида батафсил сўз юритмасдан, фақат қисқа мулоҳазалар билдириш билан чекланган. Мутаржим бу ишни бошқа ўринда бажарган. Бунгача араб, форс ва турк адабиётидан кўплаб шеърий ва насрий асарлар таржима қилган Хартманни маноқибдаги Машраб ғазалларидан кўра унда илгари сурилган диний-маърифий ва фалсафий ғоялар кўпроқ кизиқтирган. Қаландарлар ва дарвеш-девоналар ҳақида Европада турли жанрларда, кўплаб асарлар ёзилган бўлса-да² бир пайтнинг

¹Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzler // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen. –Berlin, 1902. – S.147-148.

²Бу ҳақда қаранг: Goldzieher I. Islamic at persisme. Abu-l-Ala al Ma'arri als Freidenker // Zeitschrift der Deutschen Morgenlaendischen Gesellschaft, Bd. XXIX, 1875. – S.637-641.

Ўзида ҳам шох, ҳам қаландар, ҳам доно, ҳам телба Машраб образи Европа учун янгилик эди.

Ғазаллардан намуналар таржима қилмаганини муаллиф куйидагича изоҳлайди: ...«Такрор бўлса ҳам айтаманки, журналнинг ушбу сониди, аввало, диний-маърифий мавзудаги халқ китоби ва унинг миллатлар кўнглидан мустаҳкам жой олиб, миллионлаб кишиларни мулоҳаза қилишга ва ҳиссиётга чорловчи хал қаҳрамони ҳақида мухтасар ҳикоя қилмоқчиман, холос».¹

«Der Islamische Orient» журнаlining 5-сониди «Тадқиқотлар ва маълумотлар» рукнида берилган 47 саҳифали мақоланинг «Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий» деб номланганиёқ Машраб шахси ва ижодидаги қарама-қаршиликларнинг муаллиф талқинидаги биринчи белгиси эди. Мақоланинг кириш қисми ва матнони изоҳларида бу фикр кенгайтирилиб, далиллар билан исботланди ва изоҳлаб берилди. Мутаржим маноқиб ҳақида, асардаги воқеаларнинг боришига қараб, таржиманинг бир неча жойларида шахсий фикрларини билдириб ўтган. Китобдаги образлар, воқеаларнинг ўрни ва ривожидан келиб чиқиб, Хартманн, асосан, матнони изоҳларида кўшимча маълумотлар берган. Шундай изоҳлардан бирида муаллифнинг Машраб шахси ва ижоди, таржимага қўл уриш сабаблари, маноқиб ёзилган давр хусусидаги куйидаги фикрлари баён қилинади: «Раҳимбобо Машраб номи билан машҳур бўлган бу тарихий шахс амалда ким? Аслида, мен (Европа шарқшунослиги учун) ўта муҳим бўлган бу асарнинг халқ китобларига хос белгилари ва асарда тасвирланган диний-фалсафий масалалар ҳақида мухтасар манзара яратмоқчи эдим. Юқоридаги саволга жавоб кейинги мақсадга ўтган. Чунки бу муаммо ҳали мунтазам ва изчил тадқиқотларга муҳтож».²

Хартманн маноқиб, унинг қаҳрамони ва китобнинг нашрий сифати ҳақидаги фикрларини сўраб, илмий ҳамкори Йоханнес Аветараниан ва яқин дўсти венгер шарқшуноси Игназ Гольдциерга

¹Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzler // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen. – Berlin, 1902. – S.147-190.

²Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzler // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen. – Berlin, 1902–S.191

хат-орқали-бир неча бор мурожаат қилди. 1902 йил 22 мартада йўлланган хатда шундай ёзилган: ...Ўрта Осиё халқ китоби شەرب مائىدە – «Шоҳ Машраб»да кўпгина қизиқарли нарсаларни кўрдим. Унда номоз ва рўза ибодатлари устидан ҳазил қилинган ва Ҳофизнинг байтлари Куръон оятларига тенглаштирилган... Буларнинг ҳаммаси халқчил ва диний-илмий аҳамиятли бўлиб, ҳозиргача ҳеч биримизнинг назаримиз тушмаган... Яқин орада унинг қисқача маъносини изоҳлар билан бирор нашрга топшираман.¹

1902 йил 24 июнидаги хатида Хартманн манокиб устидаги тадқиқотларини тугатиб, нашриётга топширгани ҳақида ёзади: «Ниҳоят «Машраб – доно телба. Марказий Осиё халқ китоби» нашрга кетяпти. Шоҳ Машраб ҳақида бирор маълумот биласизми? Билганингизда сиз, шуменлик жаноб Аветаранианни ҳисобга олмаганда, Европада ягона олим бўласиз. Бу ғаройиб авлиё – Машраб ажойиб кароматлар қилган. Ишонаманки, менинг тадқиқотларим натижаси Сизни ҳам туркшуносликдаги тадқиқотлар билан яраштириб қўяди. Марказий Осиё кўплаб қизиқарли масалалару нотаниш воқеалар макони. У ерга бориб, шу ажойиботларни териб келмоқчи бўлганларни бу ерда қўлламайдилар. Бошқа ишларга эса пулни сочиб ташлайдилар.²

Кўринадики, Шоҳ Машраб манокибидаги ҳикоят ва ғазаллар Хартманн таржималаридан кейин Европадаги кўпчилик шарқшуносларни ҳаяжонга солган. Вамберининг 1865-1866, Фердинанд Гренард ва Дитрёл де Рэннинг 1890-95-йиллардаги сафарлари ва улар натижасида ёзилган адабиётшунослик, тарих ва этнографияга оид китоблардан сўнг «Туркистон етарли ўрганилган ўлка, энди Марказий Осиёни ўрганишга эҳтиёж йўқ», деб ҳисоблаб, арабшунослик билан шуғулланишни афзал кўрган бир қатор шарқшунослар ҳам мақолани ўқиғач, туркшунослик соҳасида ҳали кўп муаммолар ечимини кутаётганига иқрор бўлдилар. Шарқ

¹«Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht». Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler I. Goldzieher und M. Hartmann 1894-1914. Herausgegeben und kommentiert von Ludmila Hanisch. Otto Harrasowitz Verlag. –Leipzig, 2000. – SS. 181-182. Brief Nr. 132. von 22.03.1902.

²Кўрсатишган асар: 1902 йил 24 июндаги хат.

тиллари семинарияси эса Хартманнинг Туркистонга илмий сафар учун маблағ сўраб ёзган илтимосларини қондирмаган эди.¹ Унинг юқоридаги мактуби сўнгидаги эътирози айнан шундан бўлса керак.

Ҳақиқатан, Гольдциер Хартманнинг Машраб ҳақидаги фикрларини ўқиб, Туркистон ва унинг алломалари ҳақида янги тадқиқотларга киришди. У Машраб маслаги устида изланишлар олиб бориб, унинг маломатия тариқати вакили эканини аниқлади ва маломатийликни шундай шарҳлади:

«Шоҳ Машраб» ҳикояси мени қанчалик қизиқтириб қўйганини билсангиз эди! Мен бир неча тадқиқотлардан сўнг «маломатийлар», деб аталмиш дарвешлар турига тегишли жамоани пайқадим. Уларнинг мақсади – турли ғайриоддий, нолойик ҳаракатлар билан кишиларнинг ғазабини кўзғатиб, эътиборни ўзларига тортиш. Улар доимо эътиборда туришни хоҳлайдилар ва шунинг учун ғайриоддий қилиқлар қиладилар. Сизнинг Машрабингиз ҳам шундай маломатийлардан бири бўлса керак.²

Хартманнинг яна бир илмий ҳамкори Йоханнес Аветараниан 5 йил давомида Қашқарда яшаган даврида Машраб ва бошқа туркий шоирлар ижоди билан яқиндан танишган эди. У турк адабиётидан немис тилига қилган таржималари билан ҳам ном қозонган. Хартманнинг Машраб ижоди ҳақидаги сўровига жавоб қайтариб, немис мутаржимининг кўлидаги Тошкент ва Истанбул нашрларида кўплаб хатоликлар борлигини, ўзининг Қашқардаги уйида хатоларсиз, чиройли ҳуснихат билан битилган маноқиб қолганини ёзган.

Хартманн Аветаранианнинг бу фикрларига қўшилмайди. Унинг ёзишича, маноқиблардаги айрим хатоликлар хатотларнинг айби, ғазалларнинг аксарияти нуксонсиз.³

¹Бу ҳақда кўпроқ маълумот олиш учун қarang: «Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht». Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler I. Goldziher und M. Hartmann 1894-1914. Vorwort. Herausgegeben und kommentiert von Ludmila Hanisch. Otto Harrasowitz Verlag. – Leipzig, 2000.

²Кўрсатилган асар, 188-бетдаги 139-хат. Бу ерда Гольдциер маломатийлар маслагини ўзи тушунганича, хъни хато талқин қилганини қайд этиб ўтиш керак. Бу маслак ҳақида Шарк мутафаккирлари бошқача таъриф берадилар. Қarang: Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 272 б.

³Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzer // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen. – Berlin, 1902. – S.150.

Машрабшунослик билан жиддий шуғулланган олимлар бу мавзунинг куйидаги тўрт йирик муаммоси билан тўкнаш келади:

1. Машраб тарихий шахсми ёки бадий тўқима образми?

2. Машраб яшаб ўтган давр – шоирнинг таваллуд ва вафоти йиллари.

3. Маноқибнинг муаллиф(лар)и.

4. «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарларининг муаллифи ким?

Бу муаммолар доимо бир-бирини тақозо қилиб келган. Саволларга жавоб излаган Хартманн, юқорида эслатганимиз: «Девони Машраб» ва «Девони Машраб» маноқибларидан ташқари, кўшимча равишда 23 та адабиётга мурожаат қилди. У мақоласининг кириш қисмидаёқ Машраб шахси, девондаги ҳикоятлар генезиси, уларнинг ғазалларга боғланиш нуқтаси ва шакли ҳақида шундай фикрга келди: «Қай бири бирламчи? Шеърлар аввал ёзилган кейин улардан ҳикоятларни бир-бирига боғлашда фойдаланилганми ёки қадимий ҳикоятларга ғазаллар зийнат сифатида қўшилганми? Масаланинг бундай қўйилиши – ўринли. Қаҳрамонимиз номи билан боғланган кўплаб ҳикоятлар қадимий бўлиб, улар кейинчалик Раҳимбобо атрофидаги тарихий шахслар номи билан боғланганига ишониш қийин. Бошқа томондан олиб қараганда эса девондаги воқеалар девон ёзилган даврдан аввал содир бўлганига ишончимиз йўқ. Хулоса шуки, «Машраб» тахаллусли шоирнинг яшаб ўтганига иккиланиш – ўринсиз. Унинг асарлари фақат ўзига хос ва яққол кўзга ташланувчи диний характерли бўлиб, қадимий ҳикоятлар шеърларни ўзаро боғлаган.¹

Матндан шуни англаш мумкинки, «Машраб ҳаётдан» деб ёзилган ҳикоятларнинг аксарияти мазмунан қадимий турк халқлари ва араб бадавийлари ҳаётдан олинган ҳикоятлар, ҳатто қадимий яҳудий қабилаларининг қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилувчи эпослардаги ҳикоятларга ўхшатилади. «Девони Машраб» маноқибда, жумладан, Машрабнинг эшакка тескари ўтиргани ҳолда муридлари қуршовида Балх шаҳрига кириб келиши ҳақидаги кичик бир эпизод бор. Бу ҳикоят тўлалитича Хартманнинг «Die

¹Кўрсатилган асар. – Б. 150.

Schwänke und Schnurte im islamischen Orient» мавзусидаги мақоласида ҳам келтирилган. Мақолада туркий халқлар оғзаки ижоди намунаси бўлмиш Насриддин афанди ва араб фольклори қахрамони Жўха ҳақидаги латифаларни ўзаро таққосланган. Латифалар Шарку Ғарбнинг кўплаб халқлари оғзаки ижодида мавжуд, уларнинг қайси бири бирламчи ва қайси бири ўзлашма эканини аниқлаш мушкул. Хартманн, Машраб ҳақидаги ҳикоятларнинг айримлари шу латифалардан ўзлашма, деган фикрни айтади.

Гольдциер бу ҳақдаги мулоҳазаларини давом эттириб, куйидагича ёзади: «149-бетдаги изоҳлар хусусида (Қайси бири бирламчи?): Сиз масалани шундай қўйибсизки, барча араб ҳикоятлари, ҳатто қадимий яҳудийлар шеърляти (жумладан, Деборах қўшиқлари ва бошқалар) ҳам бу қадимий шеърларга мос тушади.»¹

Шоир шахси ва шеърларининг оригиналлигига шубҳа қилган рус шарқшуноси В. Вяткин ўзининг «Ферганский мистик Дивана-и Машраб» (фарғоналик мистик девона- и Машраб) номли мақоласида шундай мулоҳаза юритади: «К сожалению биография его совершенно не известна. Мусулманские исторические и иные сочинения относящиеся к этой эпохе, не только не освещают биографию этого интересного лица, но даже совершенно не упоминают о нем. Это дало повод предполагать, что Машраб – личность неисторическая, а легендарная, и повесть о нем, ... выдумана.»² (Афсуски унинг таржимаи холи бутунлай мавҳум. Машраб даврида ёзилган тарихий ва бошқа манбалар бу ажойиб инсон ҳаётини ёритиш у ёқда турсин, маълумотлар ҳам бермайдилар. Бу ҳодиса эса Машраб тарихий шахс эмас, балки, афсонавий шахс ва унинг ҳақидаги қисса тўқима, деган хулосага олиб келади.)

¹ «Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht». Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler I. Goldzieher und M. Hartmann, 1894-1914. – S. 188. Brief Nr. 139.

² Вяткин В. Ферганский мистик Дивана-и Машраб // Сборник Туркестанского восточного института в честь проф. Шмидта: – Ташкент, 1923.– С.24.

Рус шарқшуноси томонидан билдирилган мулоҳазаларга қарама-қарши ўларок, Хартманн ва унинг илмий ҳамкорлари Аветараниан ва Гольдциер қаландар шоирнинг тарихий шахс экани ва юксак дидли адиб эканлигини исбот қилдилар. Хартманн Машрабнинг яшаб ўтган даври ҳақидаги фикрларига хулоса ясаб, шундай ёзади: Энг муҳим факт шуки, Машраб XVII аср билан XVIII аср оралиғидаги даврда яшаб ўтган шахс.¹

Мутаржим Машраб яшаб ўтган даврни, умуман, тўғри белгилаган. Аммо унинг қатл қилинган йилини аниқлашда хатога йўл қўйган. Маълумотларнинг етарли эмаслиги, мавжудлари эса, айрим ҳолларда бир-бирини инкор қилиши туфайли шундай хатога йўл қўйилган. Хартманн Машраб осийшга ҳукм қилинган йилни аниқлаш учун, аввало, шоирга бирон бир тарафдан алоқадор бўлган тарихий шахснинг ҳаёт йўлини ўрганди. Шу тариқа у инглиз шарқшуноси Форситнинг² маълумотларига таяниб, Машрабнинг пири Офок хожа эшоннинг вафоти йилини, тахминан, 1700 йиллар, деб белгилади.

Таржимон Машрабни ўлимга ҳукм қилган Маҳмудхон ҳақидаги маълумотларни қидириб, кўплаб тарихий асарларни ўрганиш натижасида, Афғонистонда бу даврларда Маҳмудбий Оталиқ ва Маҳмуджон исми хонлар яшаб ўтган ва Маҳмудхон Оталиқ кўп вақтини Балхдан ташқарида ўтказган, демак, у Машраб ўлимига алоқаси бўлмаган, шоир ҳам Балхда ўлдирилмаган, деган хулосага келган.

Ўзбек машрабшуносларидан профессор Фитрат ҳам Хартманн маълумотларига яқин фикр юритган: «...Ҳар ҳолда Машраб Бухорога борган вақтларда онда Абдуллохон отлиғ бир хон йўғ эди. Шунинг учун маноқибда ёзилган Абдуллохонни «Убайдуллохон» деб тасҳиҳ қилишга тўғри келадир. Манқабга кўра, Машраб Бухородан Балхга бориб, Балх подшоҳи Маҳмудхон томонидан ўлдирилган. «Мажмуаи Фаҳмий» эгаси Машрабни

¹Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzler // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen. – Berlin, 1902. – SS.190

²Forsyth. Report of a Mission to Yarkand in 1873. – Calcutta, 1875. – P.176-178.

Ўлдирган бу Маҳмудхоннинг Маҳмудбий қатагон эканини очик сўйлагани каби Машрабнинг ҳижрий 1121 (мелодий 1711) йилда Балхда эмас, Қундузда ўлдирилганини қайд қиладур.»¹

Кейинги йилларда адабиётшунос олим Абдусаттор Жуманазар мавзуни чуқур ўрганиб, Машраб даври хонликлари ҳақида нисбатан кенг маълумотлар берган. Муаллиф ўз асарида Хартманн ва Фитратнинг, Машраб Балхда қатл этилмаган, шоирнинг қотили Маҳмудбий Қатахон эмас, деган фикрини далиллар билан қувватлаган.²

Ғарб тарихчиларининг асарларида Маҳмудбий Оталиқнинг ҳаётига оид маълумотлар 1705-1706 йилларга борганда узилган. Ўша йиллардаги имконият ва маълумотлардан фойдаланган Хартманн Машрабнинг дорга тортилган вақтини тахминан ҳижрий 1099 (мелодий 1688-1689) йил деб таъкидлайди.³ Машрабшунос олим профессор Исматуллоҳ Абдуллаев бу борада бир қатор тадқиқотлар ўтказиб, шоирнинг қатл қилинган йилини 1711 йил деб ёзади.⁴ Демак, немис тадқиқотчиси бу борада хатоликка йўл қўйган.

Хартманн маноқиб ёзилган даврга ҳам аниқлик киритди: Воқеалар баёнига кўра бу китобнинг ёзилган даври 1720 йилдан аввал, 1760 йилдан кейин эмас.⁵ Бу фикр тўғри. Гарчи «Қиссаи Машраб» ва «Шоҳ Машраб» каби маноқиблар муаллифлари ва ёзилган вақти белгиланмаган бўлса-да, Хартманн кўрсатган вақт маноқиблар яратилган даврга тўғри келади. Юқорирокда биз Гуннар Ярнинг қўлидаги маноқиб ҳақида маълумот берган эдик. Унда маноқиб илк бора XVIII асрнинг ўрталарида ёзилгани таъкидланган эди.

Игназ Гольдциер бу атамага алоҳида эътибор қаратиб, Хартманнга ҳинд олими Шоҳ Валиюллоҳ ад-Дехлавий қаламига оид шу мавзудаги асарни ўқишни маслаҳат беради. Унинг ёзишича, қўлида мавжуд бўлган китоб қисмларида қадимда ва ҳозирги

¹ Абдурауф Фитрат: Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 85.

² Абдусаттор Жуманазар. Машраб. Муаммо ва счнмлар. – Тошкент: Академнашр. – 2015. – 224 б.

³ Hartmann M. Cademgai // Orientalische Literaturzeitung. – Berlin, 1903 – S. 368.

⁴ Абдуллаев И. Бобораҳим Машраб. Маблаи нур. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 316.

⁵ Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzler // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen. – Berlin, 1902. – S.6.

замонда шоҳ унвони билан улуғланган кўплаб буюк олимларнинг исмлари бор.¹ Афсуски, Гольдциер асарнинг номини тўлик ёзмаган. Эҳтимол, бу асар европалик шарқшуносларга таниш бўлгани учун шундай қилгандир. Шоҳ унвони ҳар қандай алломага ҳам берилавермайди. Туркистонда, Машрабдан ташқари, юзлаб буюк шоирлар, адиблар, каландарлар, тарихчилар, санъат ва маданият усталари яшаб ижод қилганлар. Улар араб, форс-тожик ва турк тилларида жаҳонга машҳур асарлар яратган. Аммо уларнинг аксариятида шоҳ унвони бўлмаган.

«Қиссаи Машраб» манокібларида ёзилишича, Машраб Бухорога сафарини ўзгартириб, Маккага йўл олади. Лекин у Маккага етиб бормай, йўлни ўзгартиради ва Ҳиндистонга Хожа Пошшахожа эшон ҳузурига жўнайди ва 3 йил унинг таҳоратига сув куйиб беради. Машраб Ҳиндистонда ҳам узоқ муддат сафарда бўлган ва у ерда султон Абулғозихон ва ҳинд халқининг эътиборига тушган. Подшоҳ Машрабга ихлос қилиб мурид бўлган, миннатдорчилик совғаси сифатида қулбача инъом қилган. Шоир Ҳиндистонда тилсимли шаҳарга кирган.² Унга, айнан, Ҳиндистонда шоҳ унвони берилган бўлса керак. Келгусида, Шарқ ва Ғарб олимларининг ҳамкорликдаги тадқиқотлари бу масалага ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, Ватанимиз машрабшунослари олдида шоирнинг туғилган макони масаласи ҳамон мунозараларга сабаб бўлмоқда. Манокібдаги ёзувларга асосланган ҳолда Хартманн Машрабнинг ота-оналари Наманган шаҳрида яшаган, шоир ҳам Наманганда туғилган деб кўрсатган ва асарида бу шаҳарнинг 1900 йиллардаги иқтисодий-географик ҳолати ҳақида кўшимча маълумотлар берган.³

¹ *Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht. Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler I. Goldzieher und M. Hartmann 1894-1914.* – S. 188. Brief Nr. 139.

² *Қиссаи Машраб.* Тўплаб нашрга тайёрловчилар: Рафъиддинов С. ва б. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – Б. 117-118. *Ушбу китоб* Ўзбекистон мустақиллиги йилларида, қадимий қўлёзмалар асосида, араб имлосидан кирил тилига ўзбек тилига ўтказилган биринчи тўлик манокіб бўлиб, 1900 йилда Истанбулда нашр қилинган ва М. Хартманн фойдаланган асар ҳажми ва мазмуни билан айнан ўхшаш. Шунинг учун исмида таржималарни С. Рафъиддинов нашрга тайёрлаган манокіб матни билан ўзаро солиштириш мумкин, деб тасдиқ.

³ *Hartmann M. Meschreb – der weisse Narr und fromme Ketzler // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen.* – Berlin, 1902. – SS. 153, 156.

Кўринадики, хорижий машрабшунослар ўз олдиларига қўйган муаммолар билан ўзбек машрабшунослари шуғулланаётган масалалар бир-бирига жуда яқин. Аммо бизнинг олимларимиз муаммо деб билмаган айрим масалалар хорижий шарқшуносларнинг тадқиқот объектига айланганини ҳам кўраемиз. Машраб мероси мавзусига мурожаат қилган мутахассисларнинг қайси соҳага тааллуқли эканликларига қараб, шу соҳалар юзасидан фикр юритишган. Жумладан, 1995-1996-йилларда француз тилига ўтирилган «Қиссаи Машраб» манокіби – «*Le vagabond flamboyant*»¹ (Нур таратувчи дарвеш) китобидан асосий мақсад Шарқ адабиёти ва маънавиятининг йирик вакиллари ҳақида Европа аҳлига маълумот бериш бўлса, иккинчи томондан ёшларни Шарқ ахлоқ анъаналари билан тарбиялаш эди. Америкалик Натан Лайтнинг диссертацион тадқиқотидан асосий мақсад, Туркистон фольклори тарихи ва унинг манбаларини ўрганиш эди. Ўтган асрнинг бошларидаги рус олимларининг тадқиқотларида Марказий Осиё мусулмон дунёсининг алломалари ҳақида маълумот тўплаш, маҳаллий миллатларнинг ўзаро бирлаштирувчи манбаларини тадқиқ қилиш кўзга ташланса, Мартин Хартманинг тадқиқотларидан асосий мақсад – Марказий Осиё халқларининг диний-маърифий адабиётини ўрганиш орқали маҳаллий аҳолининг исломга бўлган муносабатини кузатишдан иборат бўлган.

Айнан шу нуктада хорижий тадқиқотчиларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: бири ҳолислик билан ёндашув бўлса, иккинчиси ноҳолис, айрим ҳолларда очиқ ғаразли ёндашув. Ноҳолис ёндашувларни, аксарият ҳолларда, тадқиқотчининг мавзуга оид етарли билими ёки маълумоти бўлмаганида кузатиш мумкин. Аммо шундай олимлар ҳам борки, товланиб туради. Улар, гарчи, маълум соҳаларда катта тадқиқот ишларини амалга оширган бўлса-да, масаланинг якунида ўзларининг ноҳолис фикрларини ошқор қилади. Ана шундай олимлардан бири Ҳерманн Вамберининг шахси ҳақида турли мунозаралар ҳозир ҳам бўлиб турибди.² Унинг

¹Ismoilov H., Balpe J.L. *La vagabond flamboyant*.—Paris: Gallimard, 1995.

²Бу ҳақда қараг: Нурмуродов Й. Вамбери олимни ё жоус // Фан ва турмуш, № 2. – Тошкент, 1991. – Б.8-9.

шу мавзуга оид бир мулоҳазаси борки, унда ўзбек халқи, унинг забардаст шоирлари ижодига берилган, бир караганда ёқимли туюлган мактов ҳам бор, шу билан бирга ўзбекларни кўчманчи халқлар қаторига қўшиб юборилгани кўзга ташланади.

Хартманн, Машраб шахсига оид фикрларни батафсил ўрганди. «Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий» мақоласида Машрабнинг тарихий шахс, шоир, қаландар-дарवेशлиги, Наманганда туғилгани ва Афғонистонда дорга осилгани, онаси ва синглиси, пиру устоз ва шогирдлари, зиёратга борган шаҳарлари ҳақида дастлабки маълумотлар берилган. Булар инглиз, немис, француз, турк, форс ва араб тилида ёзилган манбалардан олинган. Жумладан, турк шарқшуноси Шамсуддин Муҳаммад Сомийнинг «Қомуси туркий» китобидан маломатия тариқати ҳақидаги маълумотларни излаб топиб, уларни китобига киритган: *Hukema' l kelbiyun meslekine qarib bir mesleki qalendarena ittehad iden tariqlerden birine taabi` adem.*¹

Кўринадики, Хартманн асосий масалаларга эътибор қаратган. Аммо у машрабшуносликдаги яна бир муҳим масала – маноқиб муаллифи ҳақида фикр билдирмаган. Олим «Девони Машраб» маноқиб халқ китоби, бундай китобларнинг муаллифлари кўрсатилмайди, деган мулоҳазага борган бўлса керак. Ўзбек адабиётида бу мавзуда кўплаб асарлар ёзилган. Жумладан, Ҳамидулла Кароматов маноқибнинг дунёга келишини куйидагича баён қилади: Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон»ида ёзилишича, Машрабга йигирма йил ҳамсафар бўлган Пирмат Сеторий устози Бобораҳимнинг «руҳи покига бир китоб тасниф қилмоқ» ниятида «Китоби қиссаи ошиқи Машраб валиюллоҳ» номли асар ёзиб, уни Исҳоқ Боғистонийга юборди. Мазкур асар билан бирга унга мактуб ёзиб, Машраб ва унга яқин бўлган қаландарлар ҳақида китоб таълиф қилишга Исҳоқ Боғистонийни ҳам кўндиради.²

¹ ۱۲۹۹ ب. ۱۸۸۸ استقبل، قاموس تركي، شمس الدين محمد صامی // google. de.

² Кароматов Х. Машраб ва қаландарлик тариқати манбалари // Олими нуқтадон ўзум. Мақолалар тўплами. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Х. Хомидий. – Тошкент, 2006. – Б.43.

Хартманн манокиб таржимасини немисларга хос усулда – тушунтириш қисми билан бошлаган. Ўғирма ҳам аслиятдаги каби, Машрабнинг ота-онаси наманганлик экани, онасининг бозордан икки дона тўкилган узумни савдогарнинг розилигисиз егани ва бунинг оқибатида ҳали туғилмаган Машрабнинг онасига танбеҳи билан бошланган.

Муаллиф манокиб таржимаси жараёнида Машрабнинг онаси, синглиси, устозлари – мулла Бозор охунд, Офок Хожа эшон, унинг канизаги, ҳукмдорлар, маликалар, вазирлар, ҳокимлар, олимлар, мударрислар, саййидлар, хожалар, имомлар, дехқонлар, савдогарлар, қаландарлар, ўғрилар каби жамиятнинг турли табақалари билан мулоқотларини кузатиб, шоирнинг хатти-ҳаракатларига фалсафий баҳо беради. Таржимон бу мулоқотларда динлараро умумийликни кўради ва бу ҳақдаги мулоҳазаларини матн ости изоҳларида таъкидлайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Машраб ижоди ва фаолиятига хос тасаввуфий қарашлар насронийликда ҳам мавжуд. Муаллиф манокиб таржимаси жараёнида Машраб мансуб бўлган халқнинг бошқа халқларга яқин томонларини кўрди. Жумладан, диний хизматчиларнинг дунё лаззатларидан воз кечганлари, авлиёларнинг доимо халқ ичида бўлишлари, халқ манфаатлари учун кайғуришлари, кўп ҳолларда ноҳақ азият чексалар-да, бировни айбламасликлари, итнинг авлиёларга садоқатли ҳамроҳ рамзи экани, эшакнинг ишончли улов вазифасини бажариши, имомнинг айни ибодат (номоз) вақтида дунё ташвишларини эсга олиши (уйидаги бузоқни боғламагани эсига тушгани), пирларнинг ҳукмдорларга таъсири масаласи насронийликда ҳамбир оз ўзгача кўринишда, мавжуд бўлиб, кўплаб диний асарларнинг мотивларидан эканини ёзган.

Машрабнинг қирғизлар қишлоғи Мадида ушлангани ва қишлоқ аҳли унга ишонмай, оловга ташлашганида унинг ...Мен бу дунёда қуйиб бўлганман, фақат суратим юрибди, деган сўзларини Хартманн Исо Масихнинг хочга михланиши воқеасига қиёслаган. Қуръоннинг 4-сураси 156-оятда ҳам хочга михланган киши Исо

алайҳиссалом эмас, балки унинг суратига киритилган бошқа киши экани ёзилган.¹

Мутаржим «Девони Машраб» таржимасидан аввал ҳам кўплаб бадиий ва илмий асарлар таржима қилган бўлса-да, бу асарда у кутилмаган мотивларни учратди. Эътибор қилинса, манокимбадаги деярли барча ҳикоятлар немисчалаштирилган, узун ҳикоятлар эса қисқартирилган. Аммо шундай ҳикоятлар борки, улар тўла ижодий қайта яратилган, ҳатто матн остида қўшимча шарҳланган. Бундай ўгирмалар сирасига диний-ирфоний мавзудаги ҳикоятлар, маҳаллий аҳолининг диний раҳнамоларга муносабатига оид мавзуларни киритиш мумкин. Аслиятнинг 24-25-саҳифаларида берилган қуйидаги ҳикоят мулоҳазаларимизга исбот бўлади: «Алқисса, шоҳ Машраб Лангар мазоридан чиқиб, ўз ҳасби ҳоллариға ушбу ғазални ўқудилар. Ногоҳ бир қўйчи қўй боқиб юрур эрди. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй қўйчи, пирингни билурмусан?» Қўйчи айтти, билмасман. Шоҳ Машраб айдилар: Агар ман сани пирингни баён қилсам, манга нима берурсан?» ...Машраб асҳоби Каҳф исмларини бир-бир баён қилди ва қўйчининг итини олиб жўнади.²

Ушбу ҳикоят таржимада ҳам нисбатан кенг берилган:

Als Meschreb aus Langer Mezari auszieht, schildert er seinen Zustand in einem Gedichte. Des Weges ziehend trifft er einen Hirten. «Was gibst du mir, wenn ich dir ein Geheimniss sage?» –»Ich habe nichts, die Schafe gehören nicht mir».—Dann gib mir deinen Hund! Dafür lehrt Meschreb dem Hirten die Namen der Siebenschläfer.³

Таржимаси: Машраб Лангар мазоридан чикқач, ўзининг аҳволини бир ғазалда баён қилди. Йўлда кетаётиб, бир қўйчини кўрди. Сенга бир сирни айтсам, менга нима берасан? – Менда ҳеч нарса йўқ, қўйлар бировники. Унда итингни бергин. Шундай сўнг Машраб подачига узоқ уйкуга кетган 7 нафар авлиёнинг исмини ўргатди.

¹Қуръон. 4-сура, 156-оят.

²Қиссаи Машраб. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: Раъфиддинов С., ва б. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – Б. 24-25.

³Hartmann M. Der weisse Nagt und fromme Ketzer // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen. –Berlin, 1902. – SS.153, 156.

Таржимон мазкур ҳикоятнинг насроний динида ҳам мавжудлигини ёзади. Гарчи, авлиёлар номи бир оз ўзгарган бўлса-да, мотив ўзгармаган. Матнда, шунингдек, Лангар мазори ҳақида сўз боради. Таржимон бундай жой номларини ҳам ойдинлаштириш мақсадида немис шарқшуноси ва географи доктор Ҳедин Петт тузган Марказий Осиё харитасидан¹ бу географик манзилни тополмаган ва бу ҳақда хошияда изоҳ берган.

Таржимада кўп бора тилга олинган Лангар мазори ва Бордонқўрғон Намангандаги географик ва (қадимий) тарихий объектлар бўлиб, уларнинг биринчиси ҳозир ҳам мавжуд ва шаҳарнинг энг қадимий қабристони ҳисобланади. Иккинчиси эса баланд ва тик адирликлар рамзи.² Адирга чикқан киши шаҳардан узоқроқни кўриши мумкин. Машрабнинг шундай баландликка чикқанини ҳам мажозий – тасаввуфий маънода қабул қилиш лозим. Таржима жараёнида тилга олинган бу ва бошқа географик номлар ҳам мутаржимга нотаниш кўринган. Оқибатда Бордонқўрғоннинг мажозий образи таржимада акс этмасдан у оддий географик атама бўлиб қолган. Бундай номларнинг кўп учрагани ва улар таржима жараёнида қийинчилик туғдиргани сабабли мутаржим кейинги ўринларда уларнинг келиб чиқиши ёки маъносига тўхталмай, транслитерация усулидан фойдаланиб кўя қолган.

Таржима жараёнида йўл кўйилган камчиликлар ва уларнинг юзага келиш сабабларига алоҳида тўхталишга тўғри келади.

Шарқ билан Ғарб, Ўзбекистон билан Германия, ислом билан христиан динларидаги кўплаб фарқлар, мутаржимнинг тажрибали ижодкор эканига қарамасдан, таржимада ўз изини қолдирган. Натижада ўғирмалар жараёнида баъзи бир камчиликларга йўл кўйилган. Бу қусурларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Маноқиб матнининг қисқартирилиши сабабли юзага келган хато ва камчиликлар;

¹Hedin Pet. Die geographisch-wissenschaftlichen Ergebnisse meiner Reisen in Zentralasien 1894-1897. Von Dr. Swen Hedin. – Gotha, 1900, (Petermann Ergänzungsheft No. 131) // Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzler. – S.192-193.

²Ўтган асрнинг ўрталарида Наманганликларда шундай ўхшатишлар бўларди: 1. Бордонқўрғонга сув чиқади, деса ишонман, аммо сенинг ваъданга ишонмайман. 2. Бордонқўрғонга сув чикса-чикадики, сенга аял кўрмайди.

2. Болаларга хос (миллий) ўйинларни билмаслик оқибатида юз берган кусурлар;

3. Мутаржимнинг аслият матнига ўта ижодий ёндашганлиги сабабли юз берган ноқисликлар.

4. Таржимадан тушириб қолдирилган ҳикоятлар.

Матннинг қискартириб таржима қилиниши сабабли юзага келган камчиликлардан бири Машрабнинг Хўжанд шахрида Оқбўтабий ҳоким билан мулоқоти ҳикоятида кўринади. Шоирнинг шаҳарга келганини эшитган ҳоким, ўз одатига кўра, чопар юбориб, уни саройга таклиф қилади. Аммо Машраб учун бу таклиф бепсандлик бўлиб туюлади. Чунки, биринчидан, унга шох ҳам, оддий фуқаро ҳам тенг нисбатда эди. Иккинчидан, у ҳукмдорларни оддий кишиларни ҳурмат қилишга мажбур этади. Қолаверса, шоир Шарқдаги кўп ҳукмдорларнинг пири – устози ҳам эди.

Шоир таклифни, ўз табиатига кўра, рад қилади. Шунда Оқбўтабий ... «мандин лозимдурки, ўзум бориб кўрсам», - деб бир семиз кўй, бир тўккуз нон, бир машруҳ жома устига қўюб, олиб бордилар.... Машраб айди: «Эй Оқбўта, шу ишни аввал қилсанг бўлмас эрдими? Эмди манга барги сабз олиб келибсан, мандин ҳам бормак лозим бўлди», – деб кўй бирла нонни кўкнорихонага бердилар. Тўнни ўзлари кийиб, Оқбўтабий ўрдасига равона бўлдилар.¹

Ушбу ҳикоят таржимада кескин қисқаришга учрагани боис Машрабнинг характериға оид жиҳатлар ўзгача тус олган: «Aqbuta Bi geht mit Geschenken zu Meschreb und führt ihn in das Schloss, wo ihm ein prächtiges Lager bereitet ist.»² Мазмуни: «Оқбўтабий совғалар билан Машраб ҳузурига келди ва уни саройга олиб кетди. У ерда шоҳона ўрин тайёрланган эди.»

Аслиятда Машраб совғаларни кишиларга улашиб берган. Саройга бориши ҳам Оқбўтабийнинг шахсан ўзи бўйин эгиб келиши туфайли юз берган. Шунингдек, таржимада ҳикоятнинг

¹Қиссан Машраб. Нашрга тайёрловчилар: Раъфиддинов С., Мухаммад Ёқуб Салим ўғли, Шарофхон Жамолхон ўғли. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – Б.100.

²Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzler // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen. – Berlin, 1902. – SS.156.

«ҳали ёзилмаган» қисми Машраб учун шоҳона ўрин тайёрлангани ҳам қўшилган. Машраб Оқбўтабийдек ҳукмдорни дин ва халқ манфаатлари йўлида тарбиялаш ниятида эди. Аммо таржимада Машраб совғаларни олиб, кейин саройга борган, деган маъно келиб чикади. Демак, қискартириш қаҳрамоннинг характерини очишда ҳам, асарнинг маънавий-ахлоқий моҳиятини ифдалашда ҳам ноаниқликлар келтириб чиқарган.

Мулла Бозорнинг панд-насихатлар билан ёш Машрабни шаҳарга қайтариб келиниши тасвирланган ҳикоятда эса ўзбек болалар ўйинини тушунмагани сабабли мутаржим томонидан яна бир хатога йўл қўйилган.

Аслиятда: Алқисса, шоҳ Машрабни қилмишлари қибоб эрди. ...Ярим кулоч яғочни от қилиб миниб юрур эрдилар. Аммо ёшликда ихлос қилган муридлари бор эрди, ул ҳам яғочдин от қилиб, миниб юрур эрди. Шоҳ Машраб эшон мулло Бозор охунднинг орқаларидан шаҳарга равона бўлуб, бу газални ўқудилар.¹ Таржимада бу ҳикоят, мутаржимнинг ижодий режасига кўра, ўта қисқариб қолган: Alle machen sich Pferde aus Holz (?) Meschreb reitet dem Ischan nach in die Stadt.²

Мазмуни: ҳаммалари ёғочдан от ясайдилар. Машраб эшоннинг орқасидан шаҳарга от чоптириб келади.

Аслиятда жами 6 та содда ва қўшма гаплардан иборат бўлган ҳикоят таржимада 2 та содда дарак гапдан иборат бўлиб қолган. Муаммо шундаки, немис олими шаҳардан ташқаридаги мазористон (кадамжой)да шунча киши, асосан, болалар, қандай қилиб ва нима учун от ясадилар? Эшон пиёда кетгани ҳолда унинг орқасидан отда бориш Шарқ одобининг қайси меъёрига киради?! Шу каби муаммолар мутаржимни ўйлантириб, ечимини тополмаган. Аслида эса ўзбек болалари, ҳақиқий чавандозларга ҳавас қилганлари ҳолда, новдаларга миниб, уни отга қиёслаганлар ва ўзларини

¹Қиссан Машраб. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: Раъфиддинов С., Муҳаммад Ёқуб Салим ўғли, Шарофхон Жамолхон ўғли. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – Б.7.

²Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzler // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen. – Berlin, 1902. – SS.153.

чавандозлардай ҳис қилганлар. Европа халқларида болаларнинг бундай от ўйини йўқ.

Маноқибда Машрабнинг бир гуноҳ килиб, пирнинг эътиборига тушиши ҳикояти бор: «...Подшоҳимизга оби таҳорат бергувчи бир канизаклари бор эрди. Ул канизак равоқдин бошини чиқариб, нозу карашма билан дедик: «Эй Машраб, то етти йилдирки, сени доғи ишқинг мани сийнамга жой олибдур. Буқун менинг бирла бир ерда ўлтурмасанг, қиёматда мани қўлим санинг этогингда бўлгай.»¹

Таржимон бу ҳикоятни бир оз қисқартирган ҳолда баён қилади: „Die Gelegenheit lässt sich nicht lange auf sich warten. Die bildschöne Tochter des Heiligen steckt den Kopf aus der Galerie und sagt mit verliebten Blick: «Sieben Jahre schon wohnt die Liebe zu dir in meiner Brust, heut wollen wir uns treffen auf dass am Auferstehungstage mein Arm um dein Hals geschlungen sei.»² Мазмуни: Имконият ўзини кўп кутдирмади. Авлиёнинг суратдай гўзал кизи бошини равоқдан чиқариб, севги тўла нигоҳи билан етти йилдирки, сенга бўлган муҳаббат менинг кўксимда яшаяпти. Бугун учрашайликки, токи қиёмат кунда қўлим бўйнингда бўлгай, — деди.

Ушбу ҳикоят таржимасида 2 камчилик рўй берган. Биринчидан, аслиятда «оби таҳорат бергувчи канизак» таржимада «*die bildschöne Tochter des Heiligen*», яъни «авлиёнинг суратдай гўзал кизи», деб ўтирилган. Иккинчи хато эса канизакнинг ...«қиёматда мани қўлим сани этогингда бўлгай,» — деган сўзлари «auf dem Auferstehungstag mein Arm um dein Hals geschlungen sei», яъни «қиёматда менинг қўлим сенинг бўйнингда бўлгай» мазмунида ўтирилган. Бу ўзгариш матн моҳиятини у қадар бузмаган.

Юқорида айтилганидай, манокибдаги деярли барча ҳикоятлар таржима қилинган. Аммо номаълум сабабга кўра Бухорода Жуйбор

¹Қиссан Машраб. Б.35.

²Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzer. — S.163

хожасининг ўз қулини ўлган от учун жазолаши ҳақидаги ҳикоят тушиб қолган.

Кузатишлар асосида аниқлашимизча, маноқибдаги миллий ўзига хослик, диний атама ва географик номлар қуйидаги олти усул билан ўтирилган:

1. Сўз ёки атаманинг маъносини немисча таржимада айнан ифодалаш усули: das Trauergedicht, der Schauender, die Waller und Schauer, das Weinhaus, um Gottes willen, die Ergebenheitsbeteuerung, der Teufel, der Satan, die Moschee, der Jungste Tag, die Zeugnisworte, der Sünder, der Kirchentum, die Fürbitte, Gebete verrichten, die Leiche, das Leichentuch, der Heilige, die Seligen und Verdammten, die Gottesliebe, der Leiter, der Irrender, Märtyrertod, das Totenfeier feiern, die Gemeinde Muhammeds, das Paradies, die Hölle, mein Testamnet, das Grabesqualen, die Brücke des rechten Weges, Fünf Tage lang Leben, der Mantel, das Leichentuch, der Kloster, das Wissen der Verborgenen, der Kanzel;

2. Аслиятдаги сўз ёки атамани немисча-ўзбекча шаклда ёнма-ён бериб кейинги ўринларда муқим ўзбекча шакли (транслитерация усули)ни қўллаш: der Fürst – Chan, die Derwisch herberge – Kalandar Chane, der Adept – der Murid, die Kufr – die Ketzerei, Rikaat – Gebetstellungreiben.

3. Миллий ва диний сўз ёки терминни насронийликда мавжуд сўз ва атамалар билан алмаштириш: das Schicksalsbuch, der Testament, der Leichnam, Segen sprechen, die Ergebenheitsbeteuerung, der Hanswurst–Verrückter, die Knechte Gottes;

4. Транслитерация усули. Бу усулдан асосан географик номлар ва киши исмлари таржимасида фойдаланилган:

а) географик номларни ифодалаш: Ka`ba, Namangan, Taschkent, Andigan, Buchara, Balch, Choqend, Oqsalur, Qaschqar, Yarkand, Chotan, Sir-Darja, Sijahpusch, Bende`i surat, Tachtı Sulaiman, Medresse Kukeldasch, Kukenarchane, Barden Qurghan, Langar Mesari;

б) киши исмларини ифодалаш: Afaq Chogam, Mulla Bazar Achund, Rachim Baba Meschreb, Pirmast, Sarmast, Aqbuta Bi,

Abdullachan, Ubaidullachan, Abulghazi, Machmud Chan, Mewlewi Serif, Nureddin, San'an, Nasriddin Hoga;

с) диний унвонлар ва хукмдорлар насабини ифодалаш: die Ulemas, die Mullas, der Mulla, der Pir, der Imam, der Choga, der Ischan, Devanai ber heq, der Sofi, der Schach, der Vezir.

д) диний атамаларни ифодалаш: Allah, Qoran, Sunna, Alif, Muslim, ilmi hol, ilmi qol, die Fatiha, Sunnet;

е) таом номларини ифодалаш: Halwa.

5. Ҳар икки тилдаги сўзларни кўшиб, аралаш атама яратиш: die Qibla-Seite, Gzhel-Gesang, Ober Achund, das Grab des Hazrati Sultans, Thron des Solomans, Zikr machen, Hu-Ruf, Turken Zentralasiens, Sunnet des Fruehgebets, Gemeinde Muhammeds, Sure Jasin fertig beten, Qoranspruch;

6. Сўз ва атамани аввал транслитерация усулида кўллаб, кейин уни матн ичида изоҳлаш: Chanim Padischach (Gattin des Heiligen), Kalmukenmaedchen (bir qalmaq bača), das Christenkind (bir tarsani qizi), die Reinigung (istinga).

Юқоридаги кузатишлардан кўринадики, мутаржим исломий-маърифий каломларни немис тилига муваффақият билан ўтиргани холда, таржима тилини кўплаб янги сўз ва иборалар билан бойитди.

Иккинчи боб юзасидан хулосалар

1. Мартин Хартманн Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи «Девони Машраб», «Қиссаи Машраб» маноқибларини немис тилига таржима қилар экан, қаландар шоирни Боязид Бастомий, Мансур Халлож ва Имомиддин Насимий каби алломалардан бири сифатида талқин этди. Олим ўзининг бу хизмати билан нафақат Шарқ адабиёти, балки фалсафасининг янги кирраларини Европа илми учун кашф қилди.

2. Мартин Хартманн «Қиссаи Машраб» маноқибда жаҳон халқларининг диний ва миллий яқинлигини исботловчи ҳикоятлар кўп учрашини таъкидлайди. Жумладан, қадимги саҳройи араблар эпослари ва яҳудийларнинг «Девораҳ қўшиқлари»да Машраб ҳикоятларига ўхшаш ҳикоятлар учрайди. Бу эса жаҳон

халкларининг илдизи, интилиши, келажаги бир деган хулосага олиб келади.

3. Олимнинг Туркистонга илмий экспедиция уюштиргани Европа шарқшунослиги учун катта имкониятларни очди. Гарчи у ўз олдига қўйган вазифаларнинг катта қисмини уддалаган бўлса-да, айрим мавзулар очилмади ёки ҳалигача ўзбек мутахассислари учун номаълум бўлиб турибди. Хартманн Туркистондан кўплаб қўлёзма китоблар сотиб олгани ҳақида ёзган. Айниқса, халқ оғзаки ижодига оид асарлар Европада таржима қилингани ва турли соҳларда таҳлил этилгани янги тадқиқотларга ундамоқда.

4. Бу борада қўшма лойиҳалар ташкил этиш европалик олимлар учун Ўзбекистонда ҳали ўрганилмаган қўлёзма асарларни биргаликда ўрганиш, ўзбек олимларига эса жаҳон кутубхоналаридаги янги асарларини қидириб топиш имконини тезлаштиради.

5. Ҳерманн Вамберининг «Чиғатой тили» дарслигидаги

کوئیدی جانم اور تانب اول یار کیلمیدور ھنوز

جان دیمگہ ینئی او دلدار کیلمیدر ھنوز

– байти билан бошланувчи ғазал шоирнинг Ўзбекистонда нашр этилган девон ва тўпламларидаод учрамаслиги ва бу асар устида изланишлар олиб бориш зарурлиги юқоридаги мулоҳазаларимизни қувватлайди.

6. «Девони Машраб» маноқибдаги одоб-ахлоқ кўринишлари нафақат ўзбек халқининг, балки, уйғур, афғон, яҳудий, араб, ҳинд, эроний ва бошқа халкларнинг қадимий эпосларидаги ҳикоятлар ўз ифодасини топган. Бу эса адабий тарихий илдизлари бир, гўзалликни ҳис қилишлари, нопокликка қарши кураш усуллари яқин эканини исботлайди.

ХУЛОСА

1. Мартин. Хартманнинг «Чигатой тили» дарслиги Европада XX аср бошларида турк (ўзбек) тилини ва адабиётини ўрганиш мақсадида яратилган илк ўқув қўлланма бўлиб, ўзигача яратилган дарсликлардаги кўплаб ижобий жиҳатларни мужассамлаштиргани ҳолда ўзидан кейинги дарсликларга шаклан ва мазмунан намуна бўлган асардир. Дарсликдаги Алишер Навоий асарлари Ғарбий Европа, хусусан Германияда, нафақат ўзбеклар, балки, туркий тилда сўзлашувчи кўплаб халкларнинг адабий мероси сифатида қабул қилинган.

2. Дарсликдаги Алишер Навоий ғазаллари ва “Маҳбуб-ул кулуб”дан олинган парчалардан ташқари турли асарлардан териб олинган 50 байтга яқин ҳикматларнинг немис тилига таржималари ишқ мулкининг соҳиби бўлмиш зотнинг жаҳон тилларига қилинган, ўзига хос, илк афоризмлари тўпламидир.

